ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1 СОН, 3 ЖИЛД

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

НОМЕР 1, ВЫПУСК 3

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 1, ISSUE 3

TOSHKENT-2020

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ / JOURNAL OF SOCIAL STUDIES
№1 (2020) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Сеитов Азамат Пулатович
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Сабирова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

"Ижтимоий тадқиқотлар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала "Социальные исследования"

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

- **Бекмуродов М.,** доктор социологических наук, профессор
- **Каланов К.,** кандидат социологических наук, профессор
- **Убайдуллаева Р.,** кандидат социологических наук, доцент
- **Щепилова Г. Г.,** доктор философских наук, профессор,
  Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова (РФ)
- **Рожанский М.,** директор центра независимых социологических исследований (РФ)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

- **Умаров А.,** доктор социологических наук, профессор
- **Холбеков А.,** доктор социологических наук, профессор
- **Сабиров А.,** кандидат социологических наук, доцент
- **Antonio Alonso Marcos,** Ph.D, on International Relations (Испания)
- **Фадеева Л.А.,** доктор социологических наук, профессор
  Пермский государственный национальный исследовательский университет (РФ)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

- **Ганиева М.,** доктор социологических наук, профессор
- **Аликариев Н.,** доктор экономических наук, профессор
- **Матибаев Т.,** доктор социологических наук, профессор
- **Парманов Ф.,** кандидат социологических наук, доцент
- **Ли Ци,** доктор исторических наук, профессор
  Институт по изучению Центральной Азии Шэньсиского Педагогического Университета (КНР)
- **Сухомлинова М.В.** доктор социологических наук, профессор
  Институт экономики и управления Мичуринского государственного аграрного университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ") ,
- **Бурнашев Р.Р.,** кандидат философских наук, профессор,
  Казахстанско-немецкий университет

Pagemaker \ Верстка \ Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темур пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Кириш сўзи.....4

1.Алиқориев Нуриддин Сафарқориевич, Аликариева Аълохон Нуриддиновна
ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ.....7

2.Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна
ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ДИНАМИКАСИ.....18

3.Сухомлинова Марина Валерьяновна, Сабирова Умида Фархадовна
ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩЕГО ПРОСТРАНСТВА ВУЗА....29

4.Нишанбаева Эназон Зарипбаевна
"ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК" ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ.....39

5.Юнусов Алишер Бобомурадович
ИЖТИМОИЙ МЕЪЁРДАН ОҒИШ САБАБЛАРИ.....49

6.Камилов Фарход Облакулович
ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ.....58

7.Қаюмов Қаҳрамон Нозимжонович
КИЧИК ШАҲАРЛАР ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ БОШҚАРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....67

8.Махкамов Қодиржон Одилжонович
ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАРИХИЙ ОНГНИНГ ЎРНИ.....76

9.Уктамов Нодир Иброхимович
ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШДА СОЦИАЛ МАФКУРАНИНГ ЎРНИ.....88

10.Қозоқов Собиржон Зокиржонович
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ.....96

11.Дўланбоева Ойгул Асилбек қизи
"ИЖОД" ТУШУНЧАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....105

12.Толипов Абдуғаффор Абдунаби ўғли
ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ.....115

Узбекистан - 2020: Год развития науки, просвещения и цифровой экономики

Перед Республикой Узбекистаном на нынешнем этапе реформ стоят целый ряд стратегических задач, среди которых дальнейшее развитие системы образования является важнейшим фактором процветания страны и устойчивого роста экономики. На сегодня высшее образование в Узбекистане готовит специалистов для различных сфер общественной жизни и отраслей хозяйства. Учебный процесс систематизирует знания и полученные навыки, ориентируя студентов на решение теоретических и практических задач в векторе выбранной специализации с творческим использованием достижений современной научной мысли и технологий.

Ранее в Узбекистане действовала двухступенчатая система основного среднего образования: девять лет в школе плюс три года в лицее или колледже. С 2017 года на основе результатов эксперимента было принято решение о реформировании всей системы. Глава государства отметил, что в старших классах дети формируются как личности, сплачиваются и что именно в этот период их нельзя отлучать от привычной среды. Поэтому было необходимо обеспечить непрерывность образовательного процесса, усовершенствовать учебные программы.

В апреле 2019 года Глава государства подписал Указ "Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года". Основными направлениями определены: вхождение к 2030 году в число 30 передовых стран мира по рейтингу оценки образовательных достижений учащихся PISA ("The Programme for International Student Assessment"); качественное обновление содержания системы непрерывного образования, а также подготовки, переподготовки и повышения квалификации профессиональных кадров; совершенствование методики преподавания; внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов; расширение конкурентной среды за счет развития государственно-частного партнерства и многое другое.

Кроме того, в рамках Концепции будут внедрены новые образовательные стандарты и программы общего среднего образования, отвечающие требованиям современной инновационной экономики, с учетом STEAM-дисциплин.

Интерес представляет и меры по совершенствованию системы формирования резерва современных управленческих кадров высших образовательных учреждений, подготовки достойных кандидатов на руководящие должности, развитие их знаний и навыков. Для этого запланирована разработка и внесение в Кабинет Министров проекта нормативно-правового акта, предусматривающего:

требования к кандидатурам, вносимым в резерв управленческих кадров высших образовательных учреждений по их профессиональным компетенциям;

выявление уровня интеллектуальных, психологических, организаторских и управленческих способностей кандидатов, порядок их оценки путем применения элементов социометрического опроса;

целевое обучение кандидатов, рекомендованных на руководящие должности, развитие их профессиональных компетенций и механизмы повышения их знаний в соответствующих сферах.

Это касается и внедрения в практику системы оценки деятельности руководящих кадров высших образовательных учреждений на основе ключевых показателей результативности - KPI. Особое внимание уделяется работе по привлечению студентов к литературе, искусству и спорту, здоровому образу жизни, формированию у них эстетического вкуса и профессиональной этики, культуры информационного анализа, разработке плана духовно-просветительских мероприятий и обеспечение его исполнения во всех высших образовательных учреждениях по формированию у студентов чувства самоотверженности, любви и сопричастности с судьбой Родины.

Как неоднократно заявлял Президент Узбекистана, именно наука должна стать точкой опоры развития всего государства. Для достижения высоких экономических показателей главную роль играют квалифицированные специалисты, подготовке которых со стороны руководства страны сегодня уделяется особое внимание. Так, в соответствии с Постановлениями Президента заметно повышены размеры базовых должностных окладов педагогов школ и вузов, руководящих и научных работников научно-исследовательских учреждений, участвующих в реализации фундаментальных, прикладных исследований и инновационных работ. Такое внимание со стороны руководства страны отражает стремление укрепить кадровый потенциал Узбекистана, вернуть сферам образования и науки былой статус и престиж.

Новым импульсом кардинального совершенствования сферы образования, коренного пересмотра содержания подготовки кадров на уровне международных стандартов стали соответствующие положения Послания Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису Республики Узбекистан от 24 января 2020 года.

Отметим, что для научного сообщества Узбекистана важно, что с высокой трибуны на самом высоком государственном уровне оказывается такое внимание развитию науки. Более того, Послание Главы государства содержит в себе комплекс мер по осуществлению широкомасштабной работы для глубокого реформирования и развития сферы высшего образования.

Цель - это воспитание кадров новой формации, выступающих инициаторами реформ, обладающих стратегическим видением, глубокими знаниями и высокой квалификацией. Стремление овладевать современными знаниями, быть просвещенными и обладать высокой культурой должно стать жизненной потребностью для граждан страны.

Президент подчеркнул, что наука и просвещение имеют первостепенное значение для повышения интеллектуального и духовного потенциала не только молодежи, но и всего общества Узбекистана. "Там, где не развивается наука, наблюдаются регресс, отсталость общества во всех сферах" - отметил Шавкат Мирзиёев. Он привел и слова великих мыслителей Востока о том, что "самое большое богатство - разум и наука, самое большое наследство - хорошее воспитание, самая большая нищета - отсутствие знаний".

В Послании выделена важность в целях устойчивого развития глубоко освоить цифровые знания и информационные технологии. Это даст возможность идти по самому короткому пути к достижению всестороннего прогресса. В современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах.

Одной из задач масштабных преобразования является создание всех условий

для молодежи Узбекистана, которая стремится к получению высшего образования, самосовершенствованию, хочет связать свою жизнь с наукой. Так определено, что охват выпускников школ высшим образованием будет доведен как минимум до 25 процентов в 2020 году и до 50-60 процентов в перспективе.

Отметим, что увеличение охвата высшим образованием будет достигаться не только за счет платно-контрактного обучения. В 2 раза будет увеличена доля государственных грантов на поступление в вузы. Отдельные гранты предназначены для девушек на основе отбора кандидатов на обучение на основе рекомендаций Комитета женщин.

В рамках Послания озвучена оптимизация вступительных экзаменов в высших учебных заведениях, уделив особое внимание упрощению условий приема и предоставлению ВУЗами реально востребованных знаний. Это касается создания национальной тестовой системы оценки знания родного языка. При этом учащийся будет иметь возможность сдать данный экзамен в любое время и получить соответствующее свидетельство, в результате не будет необходимости в повторной сдаче тестов по родному языку при поступлении в ВУЗ.

На основе зарубежного опыта будут усовершенствованы стандарты высшего образования, пересмотрены его направления и структура изучаемых дисциплин. Вдвое сократится количество дисциплин, не имеющих отношения к приобретаемой специальности. В Послании Главы государства парламенту были затронуты и вопросы перехода к кредитно-модульной системе в высшем образовании. Интересно и то, что с 2020 года для 6 направлений педагогического образования определен 3-летний срок обучения. Такие изменения будут осуществлены и в других направлениях.

Высшим учебным заведениям поэтапно будет предоставлена академическая и финансовая самостоятельность. На самофинансирование в этом году перейдут 10 вузов. Кроме того, на конкурсной основе будут определены не менее 5 вузов и совместно с ведущими зарубежными вузами начнется их трансформация.

Начнется формирование электронной платформы научных достижений, базы отечественных и зарубежных научных разработок. Каждому высшему образовательному и научно-исследовательскому учреждению нужно будет наладить сотрудничество с ведущими зарубежными университетами и научными центрами. В 2020 году по линии фонда "Эл-юрт умиди" за рубеж будут направлены более 700 ученых, профессоров и преподавателей для проведения научных исследований и повышения квалификации. В перспективе количество грантов будет увеличено в 2 раза и расширены направления исследований.

В заключение выделим, что реализация положений Послания Главы государства парламенту Узбекистана будет способствовать последовательному продолжению и выведению на новый, современный уровень начатой работы по развитию сферы науки и просвещения, воспитания молодежи личностями, обладающими глубокими знаниями, высокой культурой и духовностью, формирования конкурентоспособной экономики.

Сеитов Азамат
Кандидат социологических наук,
Национальный университет Узбекистана

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Алиқориев Нуриддин Сафарқориевич,
Ўзбекистон Миллий университети профессори, и.ф.д.
e-mail: aliqoriev@yandex.com
Аликариева Аълохон Нуриддиновна,
Ўзбекистон Миллий университети доценти, соц.ф.н.
e-mail: alohon@mail.ru

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

For citation: *Alikariev Nuriddin, Alikarieva Alohon, Concept Of Development Of Quality Management System Of Higher Education. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 4-14*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-1

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллифлар томонидан таълимни замон талаби даражасида ислоҳ қилиш, унинг сифатини юксак талаб даражасига кўтариш муаммолари атрофлича кўриб чиқилган бўлиб, олий таълим сифати менежменти тизимини ривожлантириш концепцияси аниқланган. Олий ўқув юртларида сифат менежменти тизимини яратиш ёки такомиллаштиришдан олдин, ушбу концепция айнан нималардан иборат эканлиги кенг ёритилган.

Шунингдек, мақолада таълим жараёнининг сифатини белгиловчи асосий хусусиятлар кўрсатиб берилган ҳамда олий ўқув юртидаги сифат тизими тушунчасининг асосини ифодаловчи қоидалар келтирилган. Олий ўқув юртларида сифат менежменти тамойилларига асосланган универсал сифат менежменти тизими еттита стратегик бошқарув тизимидан иборатлиги таҳлил этилган. Олий ўқув юртларининг таълим сифати даражасини аниқловчи формулалар ҳавола этилган бўлиб, олий таълим сифати менежменти тизимини такомиллаштириш орқали амалга ошириладиган натижалар санаб ўтилган.

Таянч сўзлар: таълим, таълим сифати, менежмент, тизим, олий таълим, объект, жараён, концепция, бошқариш тизими, модель, формула, усул, муҳит.

Аликариев Нуриддин Сафаркариевич,
д.э.н., профессор Национального Университета Узбекистана
e-mail: aliqoriev@yandex.com
Аликариева Аълохон Нуриддиновна,
к.соц.н., доцент Национального Университета Узбекистана
e-mail: alohon@mail.ru

КОНЦЕПЦИЯ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье авторами подробно рассмотрены проблемы реформирования образования на уровне современных требований, повышения его качества до уровня высоких требований, определив концепцию развития системы менеджмента качества высшего образования. Прежде чем создать или усовершенствовать систему менеджмента качества в высших учебных заведениях, широко освещено, в чем именно заключается эта концепция.

Также в статье описаны основные особенности, определяющие качество образовательного процесса, а также изложены правила, которые представляют собой основу концепции системы качества в вузе. Была проанализирована универсальная система управления качеством в высших учебных заведениях, основанная на принципах управления качеством, состоящая из семи стратегических систем управления. Приведены формулы, определяющие уровень качества образования высших учебных заведений, перечислены результаты, которые будут достигнуты за счет совершенствования системы управления качеством высшего образования.

Ключевые слова: образование, качество образования, менеджмент, система, высшее образование, объект, процесс, концепция, система управления, модель, метод, среда.

Alikariev Nuriddin Safarkarievich,
DSc, Professor National University of Uzbekistan
Alikarieva Alohon Nuriddinova,
Ph.D., associate Professor, National University of Uzbekistan
e-mail: alohon@mail.ru

CONCEPT OF DEVELOPMENT OF QUALITY MANAGEMENT SYSTEM OF HIGHER EDUCATION

ANNOTATION

In this article, the authors consider in detail the problems of reforming education at the level of modern requirements, improving its quality to the level of high requirements, defining the concept of development of the quality management system of higher education. Before the creation or improvement of the quality management system in higher education institutions, it is widely covered what exactly this concept is.

The article also describes the main features that determine the quality of the educational process, as well as the rules that are the basis of the concept of quality system in the

University. The universal quality management system in higher educational institutions based on the principles of quality management, consisting of seven strategic management systems, was analyzed. The formulas determining the level of quality of education of higher educational institutions are given, the results that will be achieved by improving the quality management system of higher education are listed.

Keywords: education, quality of education, management, system, higher education, object, process, concept, management system, model, method, environment.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлар ҳисобланади.

Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ҳанузгача қониқарсиз бўлиб қолмоқда;

олтинчидан, республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган [1].

Таълимни замон талаби даражасида ислоҳ қилиш унинг сифатини юксак талаб даражасига кўтаришни тақозо этади. Бунинг учун олий таълим сифатини оширишда ижтимоий бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва ҳаётга жорий

этишнинг илмий асосларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш тавсия этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонни имзолади [2]. Концепция доирасида 2030 йилгача эришилиши режалаштирилаётган 70 дан зиёд мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди. Хусусан битирувчиларни олий таълимга қамраб олишни ҳозирги 20 фоиздан 50 фоизга ошириш, нодавлат ОТМлар сонини, жумладан давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) ҳисобига 5 тадан 35 тага етказиш, кредит-модул тизими қамровини 2 фоиздан 85 фоизга чиқариш режалаштирилмоқда.

Олий таълим соҳасида ДХШни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш концепциянинг асосий мақсадларидандир. Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакат ОТМлар флагманига айлантириш мўлжалланган.

Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш мақсад қилинган.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади.

Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи "Университет 3.0" концепцияси босқичма-босқич жорий этилади [3].

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 114 та, жумладан 93 та миллий ва 21 та хорижий ОТМ ҳамда уларнинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Инсон ва жамиятнинг тараққиёти ягона жараёндир. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, фан ва техниканинг, маданият ва санъатнинг тараққиёти инсоннинг янада яхши яшаши, маънавий дунёсининг камолга эришиши учундир. Бу жараёнларнинг калити таълим тизими ва инсонга бериладиган таълимнинг сифати ва ҳажмидир. Шу сабабли давлатлар ва жамиятлар ҳар бир инсон учун таълим олиш имкониятини яратиб беришга интилиши лозим.

Ушбу лойиҳа таълим муассасалари ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва оптимал масалалари ечимини топиш, барча мутахассисларни ўқитиш ҳамда таълим тизимида бизнеснинг иштирокида уларнинг билимини оширишга имкон

туғдиради. Ахир бугунги кунда ҳар бир таълим муассасаси бизнесни оптималлаштириш асосида бюджетдан ташқари маблағларни оширишда катта салоҳиятга эга.

Замонавий таълимнинг кўп даражали тузилмасини ўрганишга бўлган сифат ёндашувларининг ўзгариши замонавий институционал ва глобал ўзгаришлар билан боғлиқ янги усул ва методларни ишлаб чиқишни талаб қилади [4, - Б. 3209-3218].

Бугун таълим тизимини бир бутун ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ва оптимал даражада бошқариш лозим. Мана шундай илмий ёндашув таълим тизимидаги мураккаб масалаларни ечишда ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда, келажакда таълим бошқарувида социал механизмлар ва технологияларни яратиб, улар орқали оптимал бошқарувга эришиш лозим.

Олий ўқув юртларида сифат менежменти тизимини яратиш ёки такомиллаштиришдан олдин, ушбу концепция айнан нималардан иборат эканлигини аниқлаш лозим. Олийгоҳдаги сифат менежменти тизими унга юкланган вазифалар, шунингдек, унинг ушбу тизим билан ишлашга тайёрлиги асосида яратилади [5, - Б.35].

Олий ўқув юртларида сифат менежменти тизими - таълим сифатини доимий бошқариш, режалаштириш, таъминлаш орқали амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий тузилма, методологиялар, жараёнлар ва манбалар мажмуидир. Сифат тизимнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. У сифат менежменти тизимини яратиш ва унинг мақсади, шунингдек, юқори раҳбарият томонидан ушбу мақсадларга эришиш мажбуриятини белгилайди.

Сифат менежменти тизими олий ўқув юртлари фаолиятининг педагогик, илмий, маъмурий ва иқтисодий соҳаларини қамраб олади. Ушбу соҳалар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, кўп ҳолатларда ўзаро кесишади. Сифат менежменти тизимининг фаолияти бутун олийгоҳ ходимларининг ушбу жараёнга жалб этилиши билан амалга оширилади, бунда албатта, раҳбарият сифат соҳасидаги мақсадларга эришиш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозим [6, - Б.60-63].

Таълим сифати концепциясини ишлаб чиқишда қуйидаги саволларга жавоб беришимиз керак бўлади:

1) таълим сифати нимани англатади;

2) таълим сифатини оширишнинг умумий вазифаларини ҳал қилишда олий ўқув юртларининг сифат тизими қандай роль ўйнаши керак;

3) бундай тизимни қандай яратиш керак?

Таълим сифатини тушунишда маҳсулот сифатининг белгиланган концепциясига асосланиш керак: "сифат - бу маълум ёки қабул қилинган эҳтиёжларни қондириш имкониятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хосасалари ва хусусиятларининг йиғиндисидир" (ИСО 8402 халқаро стандарти). Таълимнинг ўзига хос хусусияти маҳсулотларга қараганда истеъмолнинг мураккаб тузилмасидир.

Таълим жараёнининг натижаларининг истеъмолчилари сифатида талабалар, ҳамда уларнинг оилалари, улар келгусида фаолият юритадиган ташкилотлар, ниҳоят, уларнинг салоҳиятидан фойдаланадиган давлат ва жамият иштирок этишади. Шу нуқтаи назардан, таълим сифатини алоҳида фуқаролар, корхоналар, жамият ва давлатнинг билим ва кўникмаларига боғлиқ ёки талаб қилинадиган эҳтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган таълим жараёнининг хоссалари ва хусусиятлари тўплами сифатида аниқлаш мумкин [7, - Б.52]. Таълим жараёнининг сифатини белгиловчи асосий хусусиятлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Таълим жараёнининг сифатини белгиловчи асосий хусусиятлар

Таълим сифатини бошқаришнинг барча жиҳатларининг аҳамияти ва олий ўқув юртлари сифат менежменти тизими қандай моделга мувофиқ бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай олийгоҳ учун таълим сифатини ва сифат соҳасидаги асосий вазифаларни белгиловчи бир неча асосий омиллар аниқланиши мумкин.

Олий ўқув юртидаги сифат тизими тушунчасининг асосини қуйидаги қоидалар ташкил этади:

1) сифат тизими фақат самарали бошқарув тизимигина ҳал қила оладиган вазифалар бажарилишини таъминлайди. Бу муболаға эмас, балки умумий мақсадга эришиш воситаларидан бири - таълим сифатини оширишдир;

2) сифат тизими - корпоратив тизимдир, уни яратиш ва амалга оширишнинг муваффақияти бу жараёнда бутун олийгоҳ жамоасининг иштирокига бевосита боғлиқдир;

3) тизимни яратишнинг асосий мақсади - ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишдир, шунинг учун энг муҳим вазифа иш мезонларини танлаш, уларни ўлчаш ва натижаларни жараённинг барча иштирокчиларига етказишдир [8, - Б.40-45].

Ушбу ёндашувга кўра, яратилган сифат тизимининг энг муҳим ҳужжати олийгоҳнинг стратегик режаси - таълим муассасасини ривожлантириш концепциясидир. Ушбу концепция кўп босқичли бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- юқори даражада - умуман олийгоҳни ривожлантириш концепцияси ва фаолиятининг асосий йўналишларини (таълим, илмий ва ишлаб чиқариш) ривожлантириш концепцияси;
- ўрта даражада - юқори даражадаги ҳужжатлар асосида яратилган ва факультет даражасида ривожланиш мақсадлари ва вазифаларини белгиловчи олийгоҳ факультетларини ривожлантириш концепциялари;

- қуйи даражада - университет бўлимларини (бўлимлар, хизматлар, бўлимлар) ривожлантириш, уларнинг ривожланиш мақсадлари ва вазифаларини белгиловчи тушунчалар.

Концептуал ёндашувни аниқлаш бизга олий ўқув юртларида сифат менежменти тизимини яратиш ва такомиллаштириш тамойилларини шакллантиришга ўтишга имкон беради.

Олий ўқув юртларида сифат менежменти тамойилларига асосланган универсал сифат менежменти тизими еттита стратегик бошқарув тизимидан: менежмент тизими, ўқитиш, илмий, молиявий, ижтимоий, иқтисодий тизим ва ахборот технологик муҳитдан иборат модели 2- расмда келтирилган [9, - Б.92].

Ушбу барча тизимлар бир-бирига боғлиқ бўлиб, олийгоҳ ахборот-технологик муҳитининг ҳомийлиги остида умумий стратегик мақсадларга эришишга қаратилгандир.

Бирлаштирувчи ва йўналтирувчи бўлган менежмент тизими бошқа барча тизимлар учун ҳаракатга келтирувчи бошқарув тизимидир: "топшириқ - келажакни кўра билиш - стратегия - режалаштириш - натижалар кўрсаткичи - бошқарув".

2-расм. Таълим сифатини стратегик бошқариш тизими

Тизимларни яратилиши ва тузилишига ёндашув туфайли олий таълимнинг сифат менежменти моделларининг хилма-хиллиги, фойдаланилган баҳолаш хусусиятларининг ўзига хос таркибига қараб, ҳар бир модел доирасида тўлдирилиб, кенгайтирилмоқда. Ушбу ўзига хослик сифат назорати ва баҳолаш тартиб-қоидаларининг таркиби ва мазмуни билан белгиланади (ўзини ўзи баҳолаш, аудит (ташқи ва/ёки ички), ўзини ўзи синаб кўриш, мониторингнинг турли шакллари ва муайян даврийлик билан амалга ошириладиган доимий баҳолаш). Баҳолаш усулларини танлашда турли хил ёндашувлар мавжуддир [10].

Россия олимларидан В.Н.Нуздин, Г.Г.Кадамцева, Э.Р.Пантелеев, А.Тихонов, кўп ўлчовли сифат тушунчаси нуқтаи назаридан, ҳисоблаш формулалари тизими [11, - Б.84] ёрдамида олийгоҳнинг сифат даражасини ўлчашни таклиф қиладилар. Олий ўқув юртларининг таълим сифати даражасини қуйидаги формула билан ўлчаш таклиф этилади:

$$Q(\text{ОЎЮ}) = (Q\text{с(бош)} + Q\text{(мут)} + Q\text{(маҳ)} + Q\text{(наука)} + Q\text{(проч)} + Q\text{(ижт)} + Q\text{(тех)})/7, \quad (1.1.)$$

Бу ерда:

Qс(бош) - таълим сифатини бошқариш жараёнларининг самарадорлиги;

Q(мут) - олийгоҳ мутахассисликлари сифати йиғиндиси;

Q(маҳ) - олийгоҳ томонидан ишлаб чиқарилган ўқув мақсадлари учун маҳсулотлар сифати йиғиндиси;

Q(илм) - олийгоҳ илмий ишлари сифати йиғиндиси;

Q(бошқ) - олийгоҳнинг бошқа хизматлари ва товарлари йиғиндиси;

Q(ижт) - олийгоҳнинг ижтимоий тизими сифати йиғиндиси;

Q(тех)- олийгоҳнинг техник тизими сифати йиғиндиси.

Олийгоҳнинг сифатини баҳолаш формуласинининг ҳар бир омили, ўз навбатида, унинг сифатини шакллантирадиган омилларга асосланган формула билан ҳам белгиланади. Масалан,мутахассисликлар сифати (Q(мут)) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q(мут)j = (Q(кир)j + Q(ўқит.жар)j + Q(чиқ)j + Q(ресурслар)j)/4, \quad (1.2)$$

Бу ерда:

Q(мут)j - олийгоҳнинг j-чи мутахассислик сифати;

Q(кир)j - мутахассислик маълумотларини киритиш сифати;

Q(ўқит.жар)j - j-чи мутахассислик бўйича ўқитиш жараёнлари сифати;

Q(чиқ)j - j-чи мутахассислик бўйича ўқитиш натижалари сифати;

Q(ресурслар)j - j-чи мутахассислик ресурслари сифати.

Сифатни бошқариш тизимлари мослашувчан бўлиши керак, бу нафақат бутун олийгоҳ фаолияти, балки факультетлар, мутахассисликлар, алоҳида таълим дастурлари сифатини баҳолашга имкон беради. Бундай "модуллилик" олийгоҳнинг алоҳида таркибий бўлинмаларини аттестациядан ёки аккредитациядан ўтказиш имконини беради, агар у умуман бундай баҳолашга тайёр бўлмаса ва бошқа бўлимларда сифатни бошқариш тизимларини такомиллаштириш бўйича тажрибаларни қўллаш имконини беради [12, - Б.114].

Таълим соҳасидаги дунё етакчиларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, рақобатбардош стратегиянинг асоси ИСО 9001 сериясининг халқаро стандартлари талабларига жавоб берадиган сифат менежменти тизими орқали сифатга йўналтирилган. Шу муносабат билан олий ўқув юртларининг таълим хизматлари сифатини ошириш давлат вазифалари доирасида стратегик мақсад сифатида ҳамда олийгоҳнинг вазифалари доирасида ҳаётий фаолияти, ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш воситаси сифатида қаралади. Бугунги кунда олийгоҳ ўз мавқеини "бозор субъекти" сифатида тан олиши керак ва шу сабабли бозор иқтисодиётининг барча қонунлари, яшаш учун кураш қонунлари ва "табиий танлов" таълим хизматлари бозорида ҳам амал амал қилишини эътироф этиши керак [13, - Б.62-67].

Олийгоҳлар сифат менежменти тизимининг такомиллаштирилиши орқали қуйидагилар амалга оширилади:

- олий ўқув юрти фаолиятининг асосий йўналишлари (таълим, илмий-тадқиқот, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ўқув, молиявий, ахборот, ижтимоий, иқтисодий, маъмурий-бошқарув) орқали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш учун олийгоҳларда ички тизимни яратиш;

- талабалар (турли босқичдаги) ва ўқитувчиларнинг ўз меҳнати натижалари учун масъулиятида акс этувчиолийгоҳнинг мавқеини ошириш;

- олий ўқув юрти битирувчиларига истеъмолчиларнинг ишончини ошириш (давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар);

- олий ўқув юртлари таълим тизимини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини амалга оширишни шакллантириш, барча даражадаги ходимларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш;
- барча ички ресурсларни сафарбар қилиш ва ҳаражатларни муқобиллаштириш мақсадида таълим-тарбия жараёнини бошқариш тизимини қайта ташкил этиш;
- барча жамоа томонидан олийгоҳнинг сифат менежменти тизими фаолиятининг муҳимлигини англаш;
- барча даражадаги ходимлар (ўқитувчилар, кафедралар, деканатлар, ректорат) нинг масъулиятини ошириш ва ваколатларини аниқ тақсимлаш;

сифат менежменти тизимининг асосий муаммоларини ҳал қилиш - умумий сифат менежменти (TQM) жараёнининг ёндашуви ва мафкурасини жорий қилиш орқали ўзаро функционал тўсиқларни бартараф этиш ва олийгоҳда сифат жамоасини тузиш [14, - Б.77].

Таълим сифати ва кадрларни малакавий тайёргарлиги - таълим тизимининг асосий кириш параметрларидир. Унинг ичига қуйидагилар киради:

- инсонлар - профессор-ўқитувчилар таркиби, талабалар, ўқув-ёрдамчи персонал, маъмурий ходимлар;
- технология - педагогик, тарбиявий, информацион, бошқарув, назорат ва ҳ.к.;
- моддий-техник таъминот - бинолар, дастгоҳлар, лаборатория -амалиёт асоси;
- норматив-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;
- рағбатлар;
- ташқи таъсирлар - бозор иқтисоди талаблари, шахсга, жамиятга ва давлатга.

Таълим сифати муаммоларини ҳал қилишда тизимли йўналишдан фойдаланиш керак. Барча омилларни биргаликда бошқариш керак. Бу занжирдан бирон-бир омилнинг тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида бузилишига олиб боради [15, - Б.66-68].

Сифатни бошқаришнинг олий ўқув юрти ички моделлари турли сифат тушунчаларини бирлаштиришга (келиштиришга), давлат назорат тизимидаги "нуқсонларни ямашга" уринишмоқда. Ушбу моделларнинг зоҳирий кўплиги сифатни бошқаришнинг учта услубидан (ёндашувидан) бирига асосланади:

- сифатни бошқаришнинг баҳолаш усули (SWOT - таҳлил);
- умумий сифат бошқаруви тамойилларига асосланган концепция (TQM);
- ISO 9001:2000 халқаро сифат андозалари талабларига асосланган ёндашув.

Баҳолаш усулига асосланган бошқарув модели олий ўқув юртининг кучли ва заиф томонларини ҳамда унинг ривожланишидаги ижобий ва салбий омилларни аниқлаш учун мунтазам равишда ўз-ўзини баҳолашни ўтказишни кўзда тутади. Шу асосда муаммоли вазиятларни ҳал этиш ва олий ўқув юрти фаолиятини яхшилаш учун чоралар ишлаб чиқилади ва таклиф этилади.

Умумий сифат бошқаруви тамойилларига асосланган бошқарув модели ҳам баҳолаш усулидан фойдаланади, бироқ ушбу усул олий ўқув юртининг маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси сифатидаги фаолиятини таҳлил қилишга асосланади. Умумий сифат бошқаруви концепцияси олий ўқув юртида аниқ ифодаланган вазифалар ва аниқ стратегик мақсадлар бўлишини кўзда тутади. Шунингдек, умумий сифат бошқаруви концепцияси олий ўқув юртлари фаолиятига жараёнли ёндашувни ҳам кўзда тутади [16, - Б.46-48].

ISO 9001:2000 халқаро сифат андозалари талабларига асосланган бошқарув модели манфаатдор томонларни аниқлаш, уларнинг маҳсулот сифатига

талабларини белгилаб олиш, фаолиятни узлуксиз такомиллаштириш тизимини яратишни кўзда тутади. Мазкур модель сифат менежментининг энг муҳим тамойилларига, шу жумладан жараёнли ёндашув тамойилига асосланади. Умумий сифат бошқаруви моделидан фарқли ўлароқ ушбу моделда сифатга йўналтирилган ҳужжатлаштирилган бошқарув тизими менежментнинг асосий воситасига айланади [17, - Б.26].

Хулоса қилиб айтганда, бугун япон мўъжизасини таълим ва илмга асосланганлигини ўрганиш, глобал тараққиёт шароитида рақобатлашувга мос келадиган касбий маҳорати ва маънавий қудрати юқори бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, айниқса, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг бошқарув тизимини кибернетик ёндашув йўли билан такомиллаштириш, аниқроғи Ўзбекистонда таълим тизимининг бир бутун автоматлаштирилган тизимини яратиш ва жорий этиш давр талабидир.

Таьлим-тарбия тизими бир бутун қаралиб, бунда "Боғча-мактаб-ўрта-махсус-касб-ҳунар-олий таьлим" тизими назарда тутилади. Бу тизим асосан иқтисодий, социологик, математик, хусусий алгоритм, модуллар ҳамда дастурлар мажмуасидан иборат бўлади. Бу тузилмани "Ўзбекистон Республикасининг инновацион таълим модели" деб атаса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай мўъжизалар таьлим-тарбия моделини яратишда комплекс лойиҳалар ишлаб чиқилиши ва унда Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда барча тармоқлар-соҳалар-ташкилотлар ҳамкорлигида фундаментал, амалий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни жорий этиш талаб этилади.

Бундай моделнинг асосида жон бошига ялпи маҳсулотнинг доимо ошиб бориши, аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши барқарорлиги ва аҳоли ўртача умрининг узайиб бориш кўрсаткичи ётади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори. - Тошкент, 2018. 05.06.2018 й. N ПҚ-3775.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тўғрисида"ги Фармони. - Тошкент, 2019.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тўғрисида"ги Фармони. - Тошкент, 2019.

4. Sabirova U.F, Gusenina S.V, Sukhomlinova M.V, Safyanov V.I. Humanization as a Sociocultural Component of the Higher Education Quality // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE). - India: 2019. - vol. 9, I 1. - P. 3209-3218. DOI: 10.35940/ijitee.A9158.119119.

5. Марухина О. Системный подход к оценке качества образования / О.Марухина, О.Берестнева // Стандарты и качество. - 2002. - № 4. - С. 35.

6. Лившина В. В. Развитие методологии создания систем менеджмента качества / В.В.Лившина // Университетское образование: практика и анализ. - 2003. - №2 (25). - С. 60 - 63.

7. Ганжа О.А. Управление качеством в высшем образовании. - Волгоград: ВолгГАСУ, 2014. - С.52 .

8. Губарев В.В. Системное представление качества образования / В.В.Губарев / / Стандарты и качество. - 2015. - № 4. - С. 40 - 45.

9. Ганжа О.А. Управление качеством в высшем образовании. - Волгоград: ВолгГАСУ, 2014. - 92 с.

10. Соболев В.С. Концепция, модель и критерии эффективности внутривузовской системы управления качеством высшего профессионального образования // Университетское управление: практика и анализ. - 2014. - № 2 (30).

11. Нуждин В.Н., Кадамцева Г.Г., Пантелеев Э.Р., Тихонов А. Стратегия и тактика управления качеством образования: методическое пособие. - Иваново, 2013. - С.84.

12. Нуждин В.Н., Кадамцева Г.Г., Пантелеев Э.Р., Тихонов А. Стратегия и тактика управления качеством образования: методическое пособие. - Иваново, 2013. - С.114.

13. Азарьева В.В. Самооценка научно-исследовательской деятельности в вузе на базе принципов менеджмента качества // Экономика и менеджмент организации. - 2015. - Вып. 2. - С. 62 - 67.

14. Коблашова И.В. Всеобщий менеджмент качества (TQM)/Перспективы, проблемы, решения. - Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2016. - С.77.

15. Хакимов В.А. Педагогик олийгоҳларда сифат менежменти тизимининг босқичли ишлаб чиқилишининг қийинчиликлари. - Тошкент, 2015. - Б. 66-68 б.

16. Мищенко Е.С. Система менеджмента качества образования в вузе: формирование и опыт создания: монография / Е.С.Мищенко. - Саратов: Сарат. гос. социал.-экон. ун-т, 2010. - С. 46-48.

17. Системы менеджмента качества в высшем образовании / Ж.А.Кулекеев, Г.Г.Пивень, М.Р.Нургужин, Ш.М.Каланова, И.П.Падиарова. - Караганда, 2014. - С. 26.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна,
Ўзбекистон Миллий университети доцени,
e-mail: gul 8070@yandex.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ДИНАМИКАСИ

For citation: *Jiyanmuratova Gulnoz. DYNAMICS OF SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF YOUTH IN UZBEKISTAN UNDER CONDITIONS OF CIVIL SOCIETY. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 15-25*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-2

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан 2010 ва 2018 йилларда Ўзбекистон ёшлари сиёсий ижтимоийлашуви жараёнини ўрганиш ва сайловчи сифатидаги социал қиёфасини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқотлар орқали тўпланган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган хулосалар тақдим этилган бўлиб, бу хулосалар фуқаролик жамияти шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги динамикасини кўрсатиш имконини берган. Бунда ижтимоий-сиёсий фаоллик ёшлар электорал маданиятининг асосий мезони сифатида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолани тайёрлашда "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган бир қатор социологик тадқиқотлар натижаларидан ҳам фойдаланилган.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини белгилаб берувчи омиллар сифатида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан сиёсий партиялар, ёшлар ташкилотлари, маҳалла, шунингдек таълим тизими, оммавий ахборот воситалари, оилага асосий эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: ёшлар, ижтимоий-сиёсий фаоллик, фаол фуқаролик позицияси, электорал фаоллик, электорал маданият, сиёсий маданият, сиёсий партиялар, сиёсий ижтимоийлашув.

Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна,
Доцент Национального университета Узбекистана
e-mail: gul 8070@yandex.ru

ДИНАМИКА ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЁЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ В УСЛОВИЯХ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены результаты сравнительного анализа данных, собранных в ходе социологических исследований, проведенных автором в 2010 и 2018 годах с целью изучения процесса политической социализации и разработки социального портрета молодежи Узбекистана в качестве избирателя, и представленные выводы дают возможность продемонстрировать динамику общественно-политической активности молодежи Узбекистана в контексте гражданского общества. В то же время, общественно-политическая активность рассматривается как основной критерий молодежной электоральной культуры. В статье использованы результаты серии социологических опросов, проведенных Республиканским центром изучения общественного мнения "Ижтимой фикр".

В качестве факторов, определяющих социально-политическую активность молодежи основное внимание уделяется институтам гражданского общества, включая политические партии, молодежные организации, махалли, а также системе образования, средствам массовой информации и семье.

Ключевые слова: молодежь, общественно-политическая деятельность, активная гражданская позиция, электоральная активность, электоральная культура, политическая культура, политические партии, политическая социализация.

Jiyanmuratova Gulnoz Sherbutaevna
Associate Professor of the National university of Uzbekistan
e-mail: gul 8070@yandex.ru

DYNAMICS OF SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF YOUTH IN UZBEKISTAN UNDER CONDITIONS OF CIVIL SOCIETY

ANNOTATION

This article presents the results of a comparative analysis of the data collected by sociological studies conducted by the author in 2010 and 2018 with the aim of studying the process of political socialization and developing a social portrait of the youth of Uzbekistan as a voter, and these findings make it possible to demonstrate the dynamics of socio-political activity of the youth of Uzbekistan in civil society context. At the same time, socio-political activity is seen as the main criterion for youth electoral culture. The article uses the results of a series of sociological researches conducted by the Republican Center for the Study of Public Opinion "Izhtimoy Fikr".

As factors determining the socio-political activity of youth, the main attention is paid to civil society institutions, including political parties, youth organizations, mahallas, as well as the education system, the media and the family.

Key words: youth, socio-political activity, position of active citizenship, electoral activity, electoral culture, political culture, political parties, political socialization.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида

ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, бир сўз билан айтганда, қатъий фуқаролик позицияси муҳим аҳамият касб этади, чунки ёшлар мамлакатнинг стратегик ўзагини ташкил этади.

Шунингдек, ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг келажаги йўналишини белгиловчи ягона кучдир. Чунки айнан ёшлар сиёсий маданиятнинг анъанавийлик ва замонавийлик деб аталмиш босқичи ўртасидаги кўприк вазифасини бажарувчи энг ҳаракатчан қатлам ҳисобланади [1, - Б. 138-146].

Ҳозирда Ўзбекистон аҳоли сонини ошиши ўртача 500 минг дан ортиқни ташкил қилмоқда. Демак, келгусида ёшлар мамлакат аҳолисининг янада кўпроқ қисмини ташкил қилишини таъкидлаш мумкин. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра мамлакат аҳолиси 33 млн. 245 минг кишини ташкил этмоқда. Мамлакамизнинг меҳнат ресурслари умумий аҳолининг 59,8%ни ташкил этиши республиканинг юксак салоҳиятини юзага чиқариш имкониятини яратади. Бу рақамлар, жамиятнинг истиқболли ривожланиш инфраструктурасида ёшлар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан ўзгаришлар, истиқболли ижтимоий трансформация учун асос бўлишини белгилаб беради. Чунки ёшларга хос бўлган ижтимоий хусусиятлар - уларнинг дунёқараши, билим доираси, мутахассислик даражаси, маънавияти, инсоний фазилатлари жамиятнинг умумий даражаси ва тараққиётига ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз.

Ёшларнинг фаоллиги долзарб масалалардан бири эканлиги маълум. Фаоллик аслида муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг жамият ва давлат ишларига муносабати, унга ёндашуви, масъулият ҳисси, фуқаролик туйғуси сифатида намоён бўлади. Фаоллик - айни пайтда ўзликни англаш ҳамдир. Демак, бугунги кунда асосий масала ёшларимизнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур муаммо турмуш тарзимиз билан ҳам узвий боғлиқ. Муаммонинг ечимини ҳам ўз руҳиятимиздан, хатти-ҳаракатимиз ва кундалик турмушимиздаги одатий бўлиб қолган иллатлар, фикрлаш тарзимиздан излашимиз керак.

Бугун давлат сиёсати шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган экан, табиийки, ҳар бир ёш ҳам ўз фуқаролик позициясини аниқлашга, ижтимоий қиёфасини шакллантириб, мукаммаллаштиришга интилмоғи даркор. Бу эса, аввало ўзида бефарқлик ва боқимандаликни йўқ қилишдан бошланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшларнинг сайловлар билан боғлиқ фаоллик масалаларини тадқиқ этишда бугунги кунда бир қатор давлатларда абсентеизм (сайловда иштирок этишдан бош тортиш) ҳолатларининг ўсаётганлиги қайд этилмоқда.

Ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувида электорал маданиятнинг шаклланиши ва сайловчи сифатидаги социал қиёфасини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқотлар? натижалари асосида 2010-2018 йилларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги динамикасини таҳлил этиш имкониятига эга бўлдик.

Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сайлов ёшига етган ёш ўзбекистонликлар ичида сайловларда иштирок этмаганлар кўрсаткич ўртача 6,6% ни (7,69% ва 5,52%) ташкил қилади. Буни табиий ҳолат сифатида баҳолаш лозим, тарихда ҳеч бир давлат ўз фуқароларининг, авваламбор ёш фуқароларининг сайловлардаги тўлиқ иштирокини таъминлашга эришмаган.

Ушбу кўрсаткичлар ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш борасида қилинаётган ишлар кўламини оширишни тақозо этади. Айнан ҳуқуқий билимларсиз шахснинг бирламчи сиёсий ижтимоийлашуви ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Ҳуқуқий онг асосида шаклланадиган ҳуқуқий маданият эса ўз навбатида электорал онг ва маданиятни шакллантиради.

Сиёсий билимлар даражаси ёшларнинг фаол мавқеини белгилаб беради. Сайлов қонунчилигидан хабардорликнинг ёшларни бандлик ҳолатига кўра корреляцияси шуни кўрсатдики, уларнинг аксариятини олий маълумотли ёш ишчи-ходим ва илмий фаолият билан шуғулланаётган ёшлар ташкил қилади. Бошқа бир ёшлар асосан ўқиш жараёнида дарслар орқали танишиб чиққанлигини билдириб ўтган (56,00% ва 38,97%). Уй бекаларининг ҳар иккинчиси (58,33%) маҳалла тадбирларида танишганлигини билдирса, нафақахўр ёшларимиз (42,86%) бу масалада ҳеч қандай билимга эга эмаслигини таъкидлаган.

Ёшларга ҳуқуқий ва сиёсий билимларни беришда таълим муассасаларининг ўрни ва ролини эътироф этган ҳолда шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, бу билимларни эгаллашда ёш кўрсаткичи ва у билан боғлиқ ҳолдаги мустақиллик маълум даражада намоён бўлмоқда. Демак, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшлар таркибида олий маълумотлилар сонининг ошишига кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

8 октябрдаги ПФ-5847-сонли "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони малакали кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ечим топиб берадиган ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

Ҳозирги кунда юртимизда жами 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди [2]. Бу кўрсаткич 2016/2017 ўқув йилида 77 тани, 2017/2018 ўқув йилида 86 тани, 2018/2019 ўқув йилида эса 96 тани ташкил этган [3, - Б. 346]. Охирги 3 йилдаги умумий ўсиш тахминан 48%ни ташкил этади. Шунингдек, 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилдики, уларнинг йўлга қўйилиши ёшларнинг таълимни меҳнат билан бирга олиб бориш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бу айрим ёшлардаги пессимистик кайфиятни йўқолишига олиб келиши табиий, чунки "Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқоти натижасига кўра, ҳар учтадан иккита (63,3%) ёшни олий таълим ҳаётда муваффақиятга эришиш учун зарур мутахассисликни эгаллаш имконияти туфайли жалб этади. Ҳар иккинчи ёш (55,4%) давлат мутахассислик бўйича иш билан таъминлашга кучли эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайди [4].

2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди [5]. 2018/2019 ўқув йилида мамлакатимиздаги жами талабалар сони 344790 нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2016/2017 ўқув йилида 264095 нафарни, 2017/2018 ўқув йилида эса 279674 нафар эди [6, - Б. 346]. Кўриниб турибдики, охирги 2 йилда талабалар сони салкам 20000 нафарга ошган, умумий ҳисобда 30%га ўсиш бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги ПҚ-4139-сонли "Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига

кўра Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб "Сиёсатшунослик" кафедрасини тузиш, шунингдек "сиёсатшунослик" бакалавриат таълим йўналиши, "амалий сиёсатшунослик" таълим мутахассислиги ҳамда "сиёсий фанлар" фани тармоғи ихтисосликлари бўйича таянч докторантуранинг йўлга қўйилиши сиёсий фанлар соҳасида олий маълумотли кадрлар етиштириш орқали жамиятда электорал маданиятни ошириш имконини беради.

Ёшларнинг бирламчи сиёсий ижтимоийлашувида оиланинг роли беқиёс. Оилада бу жараён асосан социал адаптация (мослашув) кўринишида намоён бўлишини инобатга олган ҳолда ота-оналар, кекса авлоднинг бугунги кунда ёшлар тарбияси, шунингдек, сиёсий билим ва кўникмаларни қабул қилишида намуна бўлиши ва ўрнак кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади, чунки тадқиқотларда ҳар учинчи (35,6%) ёш йигит-қиз ўз бўш вақтини асосан оилада ўтказишини маълум қилган. Шунингдек, ёшлар ўз фуқаролик позицияларининг шаклланишига оила (85,9%), ижтимоий муҳит (40,8%), маҳалла (38,8%), таълим муассасаси (33,5%), ОАВ (32,7%), дўстлар давраси (27%) каби омилларнинг таъсирини кўрсатганлар [7, - Б. 52]. Кўриниб турганидек, оила ёшларимиз ҳаётида энг муҳим ўрин тутувчи социал институт саналади.

Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг кенгайтирилиши маҳаллани ҳалқимиз, жумладан, ёшларимиз ҳаётида ўзига хос ўрнининг эътироф этилаётганлигини кўрсатмоқда. Профессор М.Бекмуродов фикрига кўра, "Ўзбеклар табиатан жамоавий халқ бўлганлигидан ўзлигини ҳамиша атрофдагилар муносабатига кўра англашга мойилдир" [8, - Б. 60]. Маҳалла ўзбек миллатининг руҳий хусусиятлари, менталитети, анъаналари ва урф-одатлари, ҳаёт тарзининг ўзига хослигини акс эттиради. Шунинг учун айнан маҳалла ёшларимиз учун ҳақиқий таянч бўлиши муҳимдир.

Маҳаллалар нафақат сайловолди жараёнларида, балки бошқа пайтларда ҳам ёшларни сиёсий ҳаётга жалб қилиш ишларига катта аҳамият бериши зарур. Бундай тадбирлар асосан сиёсий партиялар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилишини эътиборга олсак, бу масалада масъулият иккиёқлама аҳамият касб этади.

"Ижтимоий фикр" маркази тадқиқотларида ҳам "маҳалла" тушунчаси ҳар учинчи ёш йигит-қиз учун "Ватан" тушунчаси билан тенг тарзда тушунилишини кўришимиз мумкин. "Ватан ўзи нима?" саволига жавобларнинг кўрсатишича, ёшлар бу тушунчани "инсон туғилган жой" - 52,1%, "ўзи ўсган уй, маҳалла, туман" - 35,8%, "мустақил Ўзбекистон" - 11,6% билан айнан тушунишади [9].

Маҳалланинг ёшлар ҳаётида нафақат оилавий, моддий муаммолар, иш билан таъминлаш, спортга жалб қилиш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, балки уларни катта сиёсий ҳаётга тайёрлайдиган фуқаролик институти сифатида мақомини тиклашига эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатидаги ўрни ва ролини эътироф этган ҳолда 2018 йил 15 октябрда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, унда маҳалла раисининг ваколат муддати 2,5 йилдан 3 йилга узайтирилди ҳамда сайловлар фақат май ойида ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган бўлди. Буларнинг барчаси маҳалланинг ёшлар ҳаётидаги ролини янада ошишига хизмат қилиши, табиий.

"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ёшлари учун оила

(81,2%), Ватанга хизмат қилиш ва жамиятга фойда келтириш (52,6%) асосий, устувор қадриятга эга ҳисобланади ҳамда "Ватан" тушунчаси уларда "мустақил Ўзбекистон" (51,9%), "туғилган жой" (26,5%), "униб-ўсган уй, маҳалла, туман" (19,9) тушунчалари билан ҳамоҳанг тушунади [10, - Б. 60]. Демак, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда амалга оширилган ҳар қандай ишлар самараси охир-оқибат бу оилаларда вояга етаётган ёшларнинг ҳам Ватан тараққиёти учун фойда келтирувчи инсонлар сифатида тарбия олишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

ОАВ ёш сайловчиларнинг сиёсий иштирокини белгилашда, уларнинг социал қиёфасини ишлаб чиқишда муҳим ҳам касб этади, ўтказилган социологик тадқиқот натижалари буни яна бир марта исботлади. "Сиз сайловлар жараёни хусусидаги илк маълумотларни кимдан ёки қаердан оласиз?" деб берилган саволга респондентларнинг 2010 ва 2018 йиллардаги жавоблари таҳлили шуни кўрсатдики, сайловлар жараёни хусусида илк маълумотларни олишда ёшларнинг танлови 2010 йилда умумий 64,5%ни (шу жумладан, телевидение, радио - 54%, интернет - қарийб 4%, газета ва журналлар - 8,5%) ташкил этган бўлса, 2018 йилда умумий 75,1%ни (шу жумладан, телевидение, радио - 39,6%, интернет - қарийб 26,2%, газета ва журналлар - 9,3%) ташкил этиши маълум бўлди.

Демак, ёшлар 2010 йилда интернетга сиёсий масалалар бўйича маълумотлар олишда унга деярли мурожаат қилмаган (3,9%) бўлса, бугунги кунда бу масалада динамика кузатилиб, ҳар тўртинчи (26,2%) ёш сайловлар билан боғлиқ маълумотларни олишда айнан унга мурожаат қилаётганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат интернетдан фойдаланиш имкониятларининг ошиши (нархларнинг пасайиши, уяли алоқа воситалари имкониятлари, текин Wi-Fi зоналари ва ҳ.к.) билан асосланади. Шунингдек, 2010 йилга нисбатан ёшларга сиёсий тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсири кучайганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, "Ижтимоий фикр" марказининг 2018 йилдаги тадқиқоти натижасига кўра ижтимоий тармоқларда регистрациядан ўтган ёшлар сони (51,8%) охирги икки йилда ўзгармаган ҳамда қизларга нисбатан йигитлар кўпроқ ижтимоий тармоқларда фаол ҳисобланади. Шунингдек, ёшлар йилдан-йилга интернет тармоғининг салбий таъсири ва хавфини англаб етмоқдалар (58,0%).

Ёшлар ҳаётида ОАВ нинг ўрни ва роли бугунги кунда кундан-кунга ортиб бораётганлигини эътироф этган ҳолда социологик тадқиқотда уларга мурожаат мотивацияси юзасидан саволлар қўйилди. Натижада, ёшларнинг 2010 йилдагига нисбатан маҳаллий телеканалларни томоша қилишга мойиллиги ортгани кузатилди. 2010 йилда респондентларнинг тахминан ҳар учдан бири МДҲ давлатлари телеканалларини томоша қилишини, ҳар бешдан бири эса умуман томоша қилмаслигини таъкидлаб ўтган бўлса, 2018 йилда маҳаллий телеканалларнинг кўнгилочар кўрсатувлар, реалити-шоулар ва сериалларга урғу бераётгани ёшлар эътибори ортишига олиб келган. Демак, телеканалларда ёшлар аудиториясига мўлжалланган таъсирчан ижтимоий роликларни ошириш лозим.

Жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этадиган шахсларни тарбиялаш, уларни сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланишида мавжуд сиёсий тузилмалар муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда ёшларнинг электорал маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда сиёсий партиялар муҳим роль ўйнаши табиий. Қуйида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ёшлар билан олиб бораётган ишларига бироз тўхталиб ўтамиз.

1998 йилдан бошлаб сиёсий партиялар тизимида ҳам ёшлар билан ишлаш структуралари яратила бошланди. 1999 йил "Фидокорлар" миллий демократик партияси мустақиллик йиллари тарихида биринчи бор сиёсий партиянинг "Ёшлар қаноти"га асос солди. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк ташкил этилган (1991 йил 1 ноябрь) сиёсий партия - Ўзбекистон Халқ демократик партияси таркибида "Ёш раҳбарлар клуби" ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда мамлакатда мавжуд сиёсий партияларнинг ҳар бири таркибидаги ана шундай ёшлар қанотлари ёшларни сиёсий жараёнларга тайёрлаш ва тарбиялаш ишлари билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра умумий аъзолари сони 368214 та, улардан 107433 тасини (29%) ёшлар ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 430291 тага етиб, унинг 35,2%ини, яъни 151462 нафарини ёшлар ташкил этмоқда. Кўриниб турганидек, охирги 7 йилда партиянинг "Истиқбол" ёшлар қаноти таркибида ёшлар салмоғи 44209 тага (6,2%) ўсган ҳамда партиядаи ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича сектор фаолият олиб бормоқда [11].

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг (1995 йил 15 январда ташкил топган) 2010 йил ҳолатига кўра аъзолари сони 82973 тани ташкил қилиб, улардан 37326 тасини, яъни 45%ини ёшлар ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра унинг аъзолари сони 102000тага етди. Ёш фаоллар, жамиятнинг бўлажак сиёсий етакчиларини тарбиялашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, "Ёш адолатчилар" ёшлар қаноти тадбирлари ташкилий тузилмалари фаоллари таркибида жамоатчилик асосида 200 дан ортиқ йигит-қизлар фаолият олиб бормоқда [12, - Б. 9].

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (1995 йил 3 июнда ташкил топган) 2010 йил ҳолатига кўра 108390 нафар аъзога эга бўлиб, ундан 50052, яъни 40%ини ёшлар ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 208038 та аъзога эга бўлиб, ундан 53,5%ини, яъни 111300 нафарини ёшлар ташкил этмоқда. Бу партиянинг охирги 8 йилда ўз "Ёшлар қаноти" сафига

(2009 йилда ташкил топган) 61248 нафар ёшларни жалб қилганини кўрсатади [13, - Б. 16].

Ўзининг 15 йиллик фаолиятини 2018 йил 26 ноябрда сарҳисоб қилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясида ҳам "Ёшлар қаноти" (2004 йил ташкил топган) фаолият кўрсатмоқда. Партия аъзолари сони 2010 йил ҳолатига кўра 170609 тани ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 544654 тага етди, улардан 192000 таси, яъни 35%ини ёшлар ташкил этади. Унинг тизимида 11594 та БПТ бўлиб, улардан 3222 тасида ёшлар раҳбарлик қилади, яъни ҳар тўртинчи ёш партияда раҳбар лавозимда ишлайди. Шунингдек, 150та ёшлар клублари мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтказилган "Сенинг тенгдошинг", "Ёшлар ва сиёсат", "Ёшлар ва қонунчилик", "Янги авлод раҳбари", "Ёш етакчиларнинг ёзги мактаби", "Ёш етакчиларнинг қишки мактаби", "Истиқлол фидойилари", "Агар мен депутат бўлсам" каби лойиҳа ва акциялар ҳаётга тадбиқ этилган. Партия бугунги кунда ОТМ билан ҳамкорликдаги "Янги авлод кадрлари" лойиҳасини амалга оширмоқда, 2018 йил 26 ноябрь ҳолатига кўра лойиҳа доирасида 21 та олий таълим муассасасида партия фаолиятига оид 49 та тақдимот ўтказилди, 658 нафар талаба партиянинг кадрлар захирасига олиниб, уларнинг 37 нафари ҳудудий партия ташкилотларида амалиёт ўтган [14].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сиёсий партиялар ҳозирги кунга келиб жамиятда

ёшлар электорал маданиятини шакллантириш ва юксалтириш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Бу ишларнинг самараси, албатта, уларнинг бўлажак сайловларда ўз тарафдорларининг сонини ошиши истиқболини ҳам белгилаб беради. Ўз навбатида, ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз манфаатларини сиёсий партиялар доирасида ифода этиб, ўз келажакларини ўзларининг қўллари билан барпо этадилар. Бу ўзида сиёсий ҳамда электорал жараёнларда ёшлар маданиятининг такомиллашуви даражасини намоён этади.

Охирги уч йиллик тарихий даврда мустақил Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий мавқеини белгилашда бирмунча аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Улардан асосийси ёшларга доир давлат сиёсати ҳисобланади, чунки айнан шу сиёсат асосида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва муаммолари масалалари комплекс равишда ўз ечимини топади. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги Қонун 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган эди, орадан роппа-роса 25 йил ўтиб 2016 йил 14 сентябрда "Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, орадан бир йил ҳам ўтмасдан, 2017 йил 5 июлда "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Президент Фармонининг эълон қилинди.

Ёшлар манфаатлари бўйича давлат сиёсати ҳар даврнинг долзарб масалаларига ўз диққатини қаратиш ва жамият тараққиётидаги муаммолар моҳиятини англаш билан узвийликда ривожланган. Шу боис, мустақиллик йилларида бир неча бор ёшлар масалалари доирасида давлат дастурлари қабул қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштириш масаласи давлат раҳбари эътиборида турган муҳим масала эканлиги аён. Бу масалада амалга оширилиши таклиф этилаётган вазифалар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ҳам бевосита фаол иштирокини тақозо этади. Тадқиқот натижалари ёшларнинг ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиши учун энг самарали восита сифатида ҳокимият органларини (46,5%) қайд этганликлари бу ишларнинг самараси ва аҳамиятини оширади

[15, - Б. 16-17]. Шунингдек, бу масалада ёшлар меҳнат ташкилотлари ва ўқув юртлари маъмурияти (42,3%), ёшлар ташкилоти ва ҳаракати (41,2%), шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари (35,1%) ва Олий Мажлисда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи вакилликни (28,8%) ҳам қайд этганлар. Ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари талабалар орасида оммабопроқ (50,5%), талабалар, шунингдек, ўқув юртлари маъмуриятига (51,4%) ҳам ўз манфаатларини ишонади. Ишлайдиган ёшлар маҳаллий ҳокимият органлари ўз манфаатларини ифодалашнинг самарали воситаси деб ҳисоблайди (39,5%).

Ўзбекситон Республикаси янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган "Ҳуқуқ билимдонлари", "Сиз қонунни биласизми?", "Тафаккур синовлари", "Конституция - бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танловларини ўтказиш белгилаб қўйилган бўлиб, Танловлар орқали ўқувчи-талабаларда ҳуқуқий билимларни янада ошириш ва мустаҳкамлашга эришиш ҳамда бу соҳада иқтидорли ёшлар аниқланади [16]. Шунингдек, танлов иштирокчи жамоалари билан бирга, тингловчи сифатида жалб қилинган кенг ёшлар қатламини ҳам ҳуқуқий онгини оширишга эришилади. Бу каби ёшларга ижобий таъсир

этадиган танловларга ўтказишда тегишли вазирликлар ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасидаси доимий ҳамкорлик ўрнатилиши режалаштирилган.

Ёшлар жамият сиёсий тизимида қабул қилинаётган қонунлар, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, илғор ахборот-коммуникация технологияларининг истеъмолчиси ҳамда яратувчиларидир. Бундай имконият ёшларда, бир томондан, уларнинг сиёсий фаоллиги шаклланишига хизмат қилса, бошқа томондан, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини оширади. Ёшларнинг сиёсий фаоллиги, биринчи навбатда, ҳуқуқ воситасида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий муносабатлар, ёшлар учун яратилган ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи таъсирида шаклланади. Ёшлар ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шароитлари сиёсий билимлар доирасини белгилаб беради ҳамда сиёсатга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришнинг зарур шарти бўлади.

Демократик бошқарув сиёсий соҳадаги янгиланишларни талаб этади, ижтимоий-сиёсий фаолликка таянади, масъулият ва муносиб ворисийликка асосланади. Мазкур талаблар эса кўпроқ бевосита ёшларда мужассамлиги ёхуд ижобий самара бериши ҳамда самарадорлиги боис келажак ворислари зиммасига юқоридаги умумий талабларни қўяди. Келгусида ёшларнинг ўзи ҳам замонавий бошқарувнинг мазкур усулига таянади. Давлат бошқарувини ушбу демократик талаблар асосида амалга ошириб, ёшлар истиқболини кўзлаб тўкис бажарганда, демократия жамиятда қарор топиб, реал воқеликка айланади. Ўсиб келаётган ёш авлод вакилларига эътибор қаратилиши демократиянинг асосий талабидир. Демократик жамият умумбашарий ва миллий асосдаги маърифийликка таянади. Бу эса жамият аъзоларининг, хусусан, ёшларнинг биринчи босқичда демократияни назарий жиҳатдан ўзлаштириб, уни идрок эта олишида кўринади, иккинчи босқичда ўз манфаатларини муайян ижтимоий гуруҳ, синф ва табақа манфаати билан боғлаб муносиб амалий фаолият орқали жамият сиёсий ҳаётидаги онгли иштироки билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, демократия қонунийлик, ошкоралик, кўпчиликнинг хоҳиш-иродасига ҳамда озчилик фикрларининг ҳурмат қилинишига асосланиши билан эътиборли бўлса, ёшлар ҳар қандай янгиликка мойиллиги, интилувчанлиги, ижод ва тафаккурга иштиёқмандлиги, истиқболли ворислиги билан аҳамиятли ижтимоий қатламдир.

Шу билан бирга, ёшлар доирасидаги ҳар турли деструктив кайфият ва қарашлар ҳам ўз салбий таъсирини жамият равнақига ўтказади. Шу боис, ёшлар тафаккурида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ёт ва бузғунчи ғоялардан жамият ўзини бугун ҳимоялашга ўрганиши лозимлиги давр талаби бўлиб қолаверади. Бугун ёшлар тафаккурини соғломлаштириш келгуси жамиятнинг соғломлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Шундай экан, ёшлар сиёсатининг амал қилиш босқичларида ёшлар кайфиятлари, орзу-умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишлари ва қандай яшашга қизиқишларини илмий ўрганиш, улардан тўғри хулосалар қилиш, ёшлар интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатдаги ёшлар кайфиятлари ва уларнинг ислоҳотлар жараёнларига нечоғли тортилганлиги, ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилашга қаратилган хоҳиш ва истаклари нуқтаи назаридан ўзига хос икки турдаги қарама-қарши вазият ва хусусият ўзини ёрқин намоён этади:

- янгилик ва модернизация қилиш жараёнларига камарбасталик, улар моҳиятини чуқур англаш, ислоҳотлар мақсад ва мазмунини қўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий овозига эга бўлиш учун ҳаракат,

ўзига ва идрокига ишонч, ўз салоҳиятини жамият тараққиёти учун сарфлашга тайёрлик, шахс сифатидаги комилликка интилиш, ўз тараққиётини жамият ривожи билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёрлик, очиқ назар билан қараш ва соф кўнгиллилик;

- ёшлар ўртасида боқимандалик, бефарқлик, бошқарув тизимларига ишончсизлик, барча нарсани мен учун давлат яратиб бериши лозим, деган асосга қурилган кайфият, ёт ғояларга нисбатан субутсизлик, зиддиятларга мойиллик, ўз ижтимоий ҳолатидан норозилик, бирон ишга яроқсизлик, ўз келажагига ишончсизлик, конфликтли вазият ва ҳолатлардан чиқиб кета олмаслик, мана шундай ҳолатларни ўзи яратиш, қонунларни билмаслик, билимсизлик, тушкунлик.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият, қонунларга бўйсуниш, янги демократик тамойилларни англаш ва қабул қилиш, ижтимоий ва сиёсий онг, дин ва демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд. Мазкур вазиятнинг мураккаблиги ва турличалиги, айниқса, унинг қарама-қарши томонлари, ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, унинг омма онгига таъсирчанлигини ошириш лозимлиги, янги методик технологияларнинг жорий этилиши, халқ ичига кириб бориш услубларининг кенгайтирилиши каби масалаларни кун тартибига олиб чиқади.

Сиёсат - бу жамиятнинг ҳар кунги ҳаётига долзарб муносабат билдириш ва баҳо беришдир. Шунинг учун ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнларига олиб киришда уларга ўз ташаббуслари, ғоялари ва орзу-ҳавасларини айтиш ва шакллантириш учун имкон бериш муҳим аҳамият касб этаверади. Демократик жамият қуришнинг бош омилларидан бири - шундай жамиятда яшашга ўрганиш ҳисобланади. Демократик жамиятда яшаш учун демократик жамият тамойилларини ва улардан фойдаланишни билиш зарур. Ёшлар бўйича ишланган ва қабул қилинган барча давлат ҳужжатларининг бош мақсади ҳам мамлакат истиқболли заҳира бойлиги ҳисобланган ёшларни тараққиёт ва шахс баркамоллиги йўналишларига рағбатлантириш, уларнинг келажаги ва ўсиши учун лозим бўлган имкониятларни яратишдан иборатдир. Чунки инсон - демократик жамиятнинг олий қадриятидир, ёшлар эса унинг истиқболли захира бойлигидир. Жамиятда демократик жараёнлар кечаётган бугунги кунда миллий ўзликни англаш ижтимоий-маънавий янгиланишда асосий омил сифатида муҳим мавқега эга. Айниқса, миллий ғояда белгилаб берилган дастурий кўрсатмаларни бажариш, бунинг учун қадриятларимиз ривожига у ёки бу тарзда таъсир этиб, миллий тарихимизнинг тараққиёт босқичида ўз изини қолдирган жиҳатларни ўрганиш, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиб, хулосалар ясаш, шу асосда келажак тараққиётимиз асосларини мустаҳкамлаш фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Тарихимизни ўрганиш асосида миллий ўзликни англаш, халқимизнинг яқин ўтмишидан хабардор бўлиб, бугунги миллий мустақиллигимизнинг ўз-ўзидан қўлга киритилмаганлиги, унинг ижтимоий-тарихий асослари жуда чуқур бўлиб, мустақиллик аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари ва армонлари сифатида муқаддас моҳият касб этувчи феномен эканлигини ёшлар онгига сингдириш зарурий аҳамиятга эгадир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Латипова Н.М. Молодежь в социальной структуре узбекистанского общества // Общественное мнение. Права человека. - Ташкент, 2004. - №3.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон

3. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. - Тошкент, 2019.

4. "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқ, ижтимоий мўлжаллар" социологик тадқиқоти натижалари бўйича аналитик ҳисобот // "Ижтимоий фикр" маркази ҳужжатлари ва материаллари. - Тошкент: Ижтимоий фикр, 2018. Социологик тадқиқотда 1100 респондент иштирок этган. Улардан 556 нафари (50,5%) - йигит, 544 нафари (49,5%) - қизлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон

6. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. - Тошкент, 2019.

7. Ата-Мирзаев О. Жизненные позиции молодежи Узбекистана // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. - 2018. - № 4.

8. Бекмуродов М., Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. - Тошкент: Адолат, 2003.

9. Қаранг: "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқ, ижтимоий мўлжаллар" социологик тадқиқоти натижалари бўйича аналитик ҳисобот // "Ижтимоий фикр" маркази ҳужжатлари ва материаллари. - Тошкент: Ижтимоий фикр, 2018.

10.Қаранг: Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. - Тошкент: Ижтимоий фикр, 2008; Узбекистан в зеркале общественного мнения: монография / Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ата-Мирзаев. - Ташкент, 2016.

11.http://xdp.uz/

12.Қаранг: Саифназаров И. Баркамол авлодни тарбиялашда сиёсий партияларнинг роли // Баркамол авлодни шакллантириш - маънавий тараққиёт омили. - Тошкент: NISHON-NOSHIR, 2010; http://www.adolat.uz/

13.Ўзбекстон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" томонидан 2009 йилда амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисобот. 2010 йил; http://mt.uz/uz/

14.http://www.uzlidep.uz/

15.Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. - Тошкент: Ижтимоий фикр, 2008.

16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Сухомлинова Марина Валерьяновна
ФГБОУ ВО "Мичуринский государственный аграрный университет",
профессор кафедры экономической безопасности и права Института
экономики и управления, д.соц.н.
e-mail: marina27.surina@rambler.ru
Сабирова Умида Фархадовна
Национальный Университет Узбекистана
им. Мирзо Улугбека, доцент кафедры социологии, к.соц.н.
e-mail: umida-sabirova@yandex.ru

ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩЕГО ПРОСТРАНСТВА ВУЗА

For citation: *Sukhomlinova Marina, Sabirova Umida. THE FORMATION OF HEALTH-SAVING SPACE OF THE UNIVERSITY. International Journal "Social Studies, 2020. Vol. 1. Issue 3. pp. 26-35*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-3

АННОТАЦИЯ

В статье представлен социологический анализ формирования здоровьесберегающего пространства в образовательно-воспитательной системе вуза. С точки зрения социологического подхода, здравосберегающая среда вуза определяется ролью социальных факторов, оказывающих влияние на состояние здоровья студентов. Доказывается, что сбалансированная система биологических, психологических, социальных состояний индивидов и общности изменяется под воздействием социальной, экологической среды, и развивается за счет воспитания осмысленного самосохранения самих индивидуумов. Важным представляется взаимосвязь социальной успешности и уровня здоровья молодого человека. Отмечается роль модели поведения молодёжи в предупреждении поведенческих рисков, способствующих ухудшению здоровья. Полученные авторами экспериментальные данные доказывают необходимость обмена опытом между вузами, различными государственными и общественными структурам по организации и развитию здоровьесберегающей образовательно-воспитательной среды в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: здоровьесбережение, качество образования, высшее учебное заведение, самосохранение, социальная успешность, здоровье молодёжи,

поведенческие риски.

Sukhomlinova Marina Valeryanovna
Department of economics and management of Michurinsky state agrarian University, Michurinsk city, Russian Federation,
professor, doctor of Sociological sciences
e-mail: marina27.surina@rambler.ru
Sabirova Umida Farhadova
National University named Mirzo Ulugbek,
associate Professor of Sociology, PhD
e-mail: umida-sabirova@yandex.ru

THE FORMATION OF HEALTH-SAVING SPACE OF THE UNIVERSITY

ANNOTATION

The article presents a sociological analysis of the health-saving space formation in the University educational system. From the point of view of the sociological approach, the University's healthy environment is determined by the social factors role that influence the students' health status. It is proved that a balanced system of biological, psychological, social conditions and the community changes under the influence of the social, environment, and develops through the education of meaningful self-preservation of the individuals themselves. Important is the relationship of social success and the level of the young person health. The role of the youth behavior model in preventing behavioral risks contributing to poor health is noted. The experimental data obtained by the authors prove the need for the exchange of experience between Universities and various state, and public structures on the organization and development of a health-saving educational environment in higher educational institutions.

Key words: health saving, quality of education, higher education institution, self-preservation, social success, youth health, behavioral risks.

Suxomlinova Marina Valeryanovna
Michurin davlat agrar universiteti, Iqtisodiyot va boshqaruv instituti iqtisodiy xavfsizlik va huquq kafedrasi professori, sots.f.d.
Michurinsk shahri, Rossiya
e-mail: marina27.surina @ rambler.ru
Sabirova Umida Farhodovna
O'zbekiston Milliy universiteti, "Sotsiologya" kafedrasi dotsenti, sots.f.n.
e-mail: umida-sabirova@yandex.ru

OLIY O'QUV YURTLARIDA SOG'LOMLASHTIRISH MUHITINI SHAKLLANTIRISH

ANNOTATSIYA

Maqolada oliy o'quv yurtlari ta'lim tizimida talaba yoshlarni sog'lom saqlash dasturini shakllantirishga oid sotsiologik tahlil keltirilgan. Sotsiologik yondashuv nuqtai-nazaridan oliy o'quv yurtlarining sog'lom saqlash muhiti talabalar salomatligiga ta'sir etuvchi ijtimoiy omillarning roli bilan belgilanadi. Individlarning va jamoaning biologik, psixologik,

ijtimoiy holatlarining Maqolada oliy o'quv yurtlari ta'lim tizimida talaba yoshlarni sog'lashtirish muhitini shakllantirishga oid sotsiologik tahlil keltirilgan. Sotsiologik yondashuv nuqtai-nazaridan oliy o'quv yurtlarining sog'lomlashtirish muhiti talabalar salomatligiga ta'sir etuvchi ijtimoiy omillarning roli bilan belgilanadi. Individlarning va jamoaning biologik, psixologik, ijtimoiy holatlarining muvozanatlashgan tizimi ijtimoiy, ekologik muhit ta'sirida o'zgarib, individlarning o'zlarini ongli ravishda o'zini o'zi saqlay olishga tarbiyalash orqali rivojlanib borishi isbotlangan. Ijtimoiy muvaffaqiyat va yoshlarning salomatlik darajasi o'rtasidagi bog'liqlikning muhimligi ko'rsatib berilgan. Salomatlikning yomonlashuviga olib keluvchi xulq-atvor xavflarining oldini olishda yoshlar xulq-atvori modelining o'rni qayd etilgan. Mualliflar tomonidan olingan tajribaviy ma'lumotlar oliy o'quv yurtlarida sog'lomlashtiruvchi ta'lim muhitini tashkil etish va rivojlantirish bo'yicha boshqa oliy o'quv yurtlari, turli davlat va jamoat tuzilmalari o'rtasida tajriba almashish zarurligini isbotlaydi.

Kalit so'zlar: sog'liqni saqlash, ta'lim sifati, oliy o'quv yurti, o'zini himoya qilish, ijtimoiy muvaffaqiyat, yoshlar salomatligi, xulq-atvor xavflari.

В условиях современного общества здоровье населения превратилось в "ресурс" социальной успешности. Состояние здоровья все больше зависит от "социального капитала" индивида, уровня образования, культурной компетенции, социокультурной среды вуза, ценностно-смысловых ориентаций. Данный символический потенциал ярче всего выражен в таком групповом носителе здоровья, как молодежь.

Здоровье молодого поколения - необходимый ресурс модернизации страны , в том числе и профессионального образования. Оно формируется под воздействием изменившихся условий жизни, необходимости быстрой адаптации к меняющейся реальности. Молодежь - это динамичная общественная группа, находящаяся на этапе формирования социальной и физиологической зрелости, вместе с тем, подверженная высокому риску нарушения здоровья [1]. В отличие от медицинских показателей, самооценка здоровья его носителем содержит не только представление о функциональности органов и систем, но и ощущение своей социальной органичности и мобильности. Здоровье молодого поколения рассматривается нами как сбалансированная система биологических, психологических, социальных состояний индивидов и общности, которая изменяется под воздействием социальной, экологической среды и развивается за счет воспитания осмысленного самосохранения.

Социологический подход к изучению здоровья молодежи заключается в определении роли социальных факторов, оказывающих влияние на состояние здоровья. Учёными доказана взаимосвязь социальной успешности и уровня здоровья молодого человека. Важную роль приобретает модель поведения - предупреждение поведенческих рисков, способствующих ухудшению здоровья и их нивелирование. С конца XX века в отечественной социологии здоровья активно разрабатывается концепция самосохранительного поведения как составная часть теории здоровья [2; 125]. В данной статье рассмотрено исследование когнитивного компонента отношения к здоровью и локуса контроля здоровья студентов, которое было проведено методом тестирования на тему "Индивидуальная концепция здоровья" (по Д. Сиерсу и В. Гавидяну, 1998) [3].

Сначала необходимо определить понятие "индивидуальное здоровье человека".

Индивидуальное здоровье - это здоровье каждого члена общества. В понятие здоровья в настоящее время вкладывается более широкий смысл, чем отсутствие болезней, оно включает в себя деятельностные возможности человека, которые позволяют ему улучшить свою жизнь, сделать ее более благополучной, достичь более высокой степени самореализации. Его компонентами являются:

- Физическое здоровье, которое обеспечивается двигательной активностью, рациональным питанием, закаливанием и очищением организма, рациональным сочетанием умственного и физического труда, временем и умением отдыхать, исключением из употребления алкоголя, табака и наркотиков.

- Духовное здоровье обеспечивается процессом мышления, познанием окружающего мира и ориентацией в нем. Достигается духовное здоровье умением жить в согласии с собой, с родными, друзьями и обществом, умением прогнозировать и моделировать события, формировать стиль своего поведения.

- Социальное здоровье - это способность человека адаптироваться в природной, техногенной и социальной средах обитания. Достигается оно умением предвидеть возникновение опасных и чрезвычайных ситуаций, оценивать их возможные последствия, принимать обоснованное решение и действовать в конкретной опасной или чрезвычайной ситуации, сообразуясь со своими возможностями.

- Психическое здоровье - это состояние благополучия, при котором человек может реализовать свой собственный потенциал, справляться с обычными жизненными стрессами, продуктивно и плодотворно работать, а также вносить вклад в жизнь своего сообщества.



Нами было проведено социологическое исследование в 2018г. в Мичуринском ГАУ, в его двух институтах - Плодоовощном и Инженерном - среди студентов 1-4 курсов. Общее количество участников тестирования составило 540 человек [4].

Анализ результатов исследования тестирования ставил своей целью оценку когнитивного компонента отношения к здоровью и локусу контроля здоровья. Данная методика позволяла измерить следующие компоненты отношения к здоровью: когнитивное понимание сути здоровья и локус контроля здоровья.

Результаты тестирования студентов по "рейтингу утверждений":

Тестирование студентов по "рейтингу утверждений" включало два блока вопросов. Первый состоял из утверждений о природе здоровья. Второй - о причинах здоровья.

Часть А. Утверждения о природе здоровья.

Утверждения о природе здоровья представляли когнитивный компонент сути здоровья, и состояли в информированности студентов по вопросам охраны и

совершенствования своего здоровья, определенном наборе знаний, умений и навыков, необходимых для создания индивидуальной системы здорового образа жизни.

Когнитивный подход (в психологии) [англ. cognitive - познавательный, лат. cognitio - знание, познание] - современный подход в психологических исследованиях, в рамках которого предполагается, что основную роль в поведении человека играют знания, или репрезентации объектов внешнего мира [5]. Когнитивный компонент создает основу для технологической готовности студента к осуществлению здорового образа жизни, обеспечивает способность планировать меры по оздоровлению образа жизни и оценивать их эффективность. Составляющими когнитивного компонента являются не только объективная информация о здоровье сбережении, но и субъективное понимание природы здоровья и влияющих на него факторов.

Студентам предлагалось ответить на ряд утверждений:

Утверждения	***Количество ответивших***
Быть здоровым – значит уметь приспосабливаться к обстоятельствам и быть вовлеченным в атмосферу окружающей жизни.	115
Быть здоровым – значит не чувствовать своего тела, потому что только когда что-нибудь внутри нас не работает, мы замечаем, что есть внутри нас.	105
Быть здоровым – значит не быть больным.	99
Быть здоровым – значит иметь хороший психический баланс.	91
Быть здоровым – значит быть способным решать ежедневные задачи.	52
Быть здоровым – значит жить интенсивно, совершенно не волнуясь о состоянии здоровья.	48
Быть здоровым – значит быть приспособленным.	35
Быть здоровым – значит делать то, что нравится, потому что ощущаешь свое тело и понимаешь его реакции.	25

Как видно из рейтинга утверждений о природе здоровья, два из них представляют собой особый интерес у студенческой молодежи, это: "Быть здоровым - значит уметь приспосабливаться к обстоятельствам и быть вовлеченным в атмосферу окружающей жизни" и "Быть здоровым - значит не чувствовать своего тела, потому что только когда что-нибудь внутри нас не работает, мы замечаем, что есть внутри нас".

Здоровье - динамический процесс приспособления, поддержание гармонии со средой. Индивидуальное здоровье есть результат адаптации к окружающей среде и условиям жизни. Здоровье - это отсутствие болезней и обладание идеальным состоянием благополучия в зависимости от хорошей наследственности и проживания в экологически благоприятной среде. Следовательно, можно сделать вывод, что приспособление к жизненным условиям и отсутствие болезней в раннем возрасте имеет наибольший приоритет для студентов.

Часть Б. Утверждения о причинах здоровья.

Утверждения о причинах здоровья представляют локус контроля - качество, характеризующее склонность человека приписывать ответственность за результаты своей деятельности внешним силам либо собственным способностям и усилиям. Люди с внешним локусом контроля убеждены, что мало влияют на события, происходящие в их жизни, тогда как люди с внутренним локусом контроля уверены, что могут контролировать свою жизнь. Хотя локус контроля отражает общее восприятие степени контроля над жизнью, он может быть специфичен. В

данном тесте в центре внимания являлся локус контроля, относящийся к здоровью. Ниже приведен опросник, сформированный на основе утверждений о причинах здоровья:

Таким образом, исходя из рейтинга утверждений о причинах здоровья, наиболее приоритетными оказались следующие: "Быть здоровым - это значит иметь хорошие условия жизни (дом, окружающая среда) и работы (зарплата, связи, режим учебных занятий)", а также "Здоровье - это определенные ограничения и воздержание от таких вещей, как табак, алкоголь и др."

Здоровье - это отсутствие зависимости от табакокурения, алкоголизма, наркомании и т.д. Менее значимыми оказались утверждения об уровне медицины, и личной гигиены. Хорошие условия жизни зависит от ряда факторов, они определяются наследственностью и окружающей средой: климатическими, экологическими условиями, культурой и образом жизни общества, в котором молодой человек находится, а это, прежде всего, образовательное пространство вуза.

Технология и методика формирования здоровьесберегающего пространства вуза включают в себя выявление ведущей идеи - определение основных целей и задач, и на ее основе формулировку теоретической концепции, конкретизацию, составляющую систему и механизм их взаимодействия; определение и использование вариативных педагогических, социологических и психологических технологий и методик; проектирование необходимых условий.

В этом плане можно выделить следующие этапы формирования здоровьесберегающего пространства вуза: разработка модели, становление системы, развитие системы. Типология реализации каждого этапа содержит: постановку конкретных задач, проектирование содержания, определение форм работы, ожидаемых результатов.

На первом этапе необходимо охарактеризовать сообщество студентов и преподавателей (состав сообщества: количество, социальное положение). На основе анализа делается заключение о том, на какие силы (опыт) студентов и преподавателей можно опираться при формировании здоровьесберегающего пространства вуза, что следует развивать, что необходимо корректировать. Цели деятельности на этапе становления нередко представлены в виде пожеланий; часто обнаруживается расхождение между замыслом и его реальным воплощением, что свидетельствует о том, что система не набрала силу, только начинает

оформляться системообразующая деятельность. Особое значение на этом этапе приобретает введение в жизнь новаций, которые могут быть как стабилизирующим, так и дестабилизирующим фактором для создаваемой здоровьесберегающей образовательно-воспитательной среды.

Таким образом, на первом этапе требуется:

- разработать концепцию формирования здоровьесберегающего пространства вуза;
- осуществлять составление базы потенциальных партнеров, которые могут быть привлечены к решению задач здоровьесберегающей деятельности в учебном заведении (учреждения науки и культуры, вузы, реабилитационные и медицинские учреждения);
- изучить имеющийся в вузе опыт реализации деятельности по сохранению и укреплению здоровья студентов;
- проанализировать ресурсные возможности вуза (кадровые, научные, методические, материально-технические, финансовые), необходимые для реализации здоровьесберегающей деятельности;
- изучить возможности социокультурной среды вуза для сохранения и укрепления здоровья студентов;
- создать систему управления деятельностью по сохранению и укреплению здоровья студентов, а также профилактики их девиантного поведения.

Наиболее важными являются вопросы выявления личностно значимых проблем студентов, их интересов, потребностей, анализ, систематизация и типологизация полученных данных.

На основе данных типологизации организуется практическая работа по формированию здоровьесберегающего пространства вуза. Эта работа должна осуществляться следующим образом:

- создание условий для повышения квалификации преподавателей по вопросам реализации здоровьесберегающей деятельности в вузе, профилактики девиантного поведения студентов;
- организация информационного обеспечения реализации программы здоровьесберегающей деятельности в вузе;
- создание ресурсных (организационно-методических) условий для реализации здоровьесберегающих технологий в вузе;
- совместное участие административно-управленческих, социальных структур вуза и профессорско-преподавательского состава в формировании здоровьесберегающей образовательно-воспитательной среды вуза.

Цели и задачи здоровьесберегающей деятельности в вузе реализуются через ее различные направления и комплекс целевых программ, разработанных по мере возникновения и определения приоритетов:

- создание целостного механизма в системе профессиональных отношений по решению проблем сохранения, укрепления здоровья и профилактики девиантного поведения студентов;
- систематическое отслеживание (мониторинг) состояния здоровья, проблем, интересов, запросов, ценностных ориентаций студентов и преподавателей, как основа планирования и реализации здоровьесберегающей деятельности в вузе;
- создание организационной структуры, реализующей здоровьесберегающие технологии в вузе и анализирующей эффективность их применения;
- использование образовательно-воспитательного потенциала учебных

дисциплин;

- развитие системы традиций в вузе.

Таким образом, на первом этапе должно осуществиться:

- формирование самосознания студента, ответственного за свою судьбу и судьбу всего сообщества вуза в целом;
- приобщение молодых людей к общечеловеческим ценностям, формирование у них адекватного этим ценностям поведения;
- формирование у студентов потребности вести здоровый образ жизни;
- формирование самосознания, осознания собственного я, самооценки как личности, помощь каждому в самореализации;
- подготовка специалистов, ориентированных на творческую деятельность как теоретического, так и прикладного характера.

Основными задачами второго этапа формирования здоровьесберегающей образовательно-воспитательной среды вуза являются отработка и закрепление достигнутого на первом этапе, создание базы для дальнейшего развития и получение внешнего признания разработанных здоровьесберегающих технологий.

Второй этап связан с отработкой содержания здоровьесберегающей деятельности.

Кризисы приспособления, переживаемые студентами первого года обучения, во многом определяются низким уровнем их саморегуляции, а также недостаточной сформированностью умений приспосабливаться к изменяющимся жизненным условиям. Следует отметить, что данный вид умений почти не формируется целенаправленно на этапе школьного образования, не уделяется достаточно внимания его развитию и в условиях профессионализации. Необходимо решать проблему адаптации студентов посредством создания соответствующих условий для функционирования совокупности психологических механизмов на когнитивном, эмоциональном, мотивационном и поведенческом уровнях личности посредством разработки и применения в вузе здоровьесберегающих технологий.

В течение третьего этапа здоровьесберегающее пространство (среда) формируется окончательно. Студенческий и преподавательский коллективы переходят в новое качественное взаимодействие: они все чаще выступают как единое целое, как сообщество объединенных общей целью, деятельностью и общей ответственностью за здоровье членов коллектива вуза.

На этом этапе утверждаются системообразующие виды здоровьесберегающей деятельности, выявляются приоритетные направления их развития; закрепляются традиции; идет отработка наиболее эффективных здоровьесберегающих технологий. Всякая система имеет свойство стареть. При эффективном административном управлении здоровьесберегающего пространства механизмы его обновления заложены внутри самой системы. Постоянный мониторинг психофизиологического благополучия студентов, анализ функционирования здоровьесберегающих технологий позволяют эффективно управлять и развивать здоровьесберегающую образовательно-воспитательную среду вуза.

Обновление системы осуществляется за счет применения инноваций при разработке здоровьесберегающих технологий, форм и методов здоровьесберегающей деятельности в вузе.

Необходим обмен опытом между вузами, различными государственными и общественными структурам по организации и развитию здоровьесберегающей образовательно-воспитательной среды в высшем учебном заведении, направленный

на сохранение и укрепление здоровья студентов, который может поднять на новый уровень реализацию здоровьесберегающей деятельности с учетом требований очередного этапа реформирования системы образования, теоретических и методических подходов к сохранению и укреплению здоровья студентов, результатов социологических исследований, а также имеющегося опыта и традиций образования и воспитания.

В качестве приоритетных направлений развития здоровьесберегающей образовательно-воспитательной среды вуза можно определить следующие:

- сохранение и укрепление физического, психического и социального благополучия преподавателей и студентов;
- разработка системы оценки качества работы по реализации здоровьесберегающих технологий в вузе;
- расширение и развитие взаимодействия со всеми структурными подразделениями вуза по вопросам, касающимся: сохранения и укрепления здоровья преподавателей и студентов;
- расширение средств и форм психолого-педагогической поддержки процесса самопознания и самоопределения личности;
- мониторинг проблем студенческой жизни;
- организация научно-исследовательской деятельности студентов по проблемам молодежи;
- социально-психологическая помощь социально незащищенным студентам (сиротам, инвалидам, студенческим семьям);
- содействие деятельности органов студенческого самоуправления;
--организация поддержки творческой инициативы студентов;
- организация спортивных и культурно-массовых мероприятий, досуговой деятельности студентов;
- работа по профилактике девиантного поведения;
- поддержка студенческих отрядов по различным видам деятельности;
- формирование системы информационного обеспечения здоровьесберегающей деятельности в университете;
- взаимодействие с государственными и общественными структурами вне университета и с другими вузами по вопросам реализации здоровьесберегающих технологий;
- формирование культуры здоровья студентов, как одного из важнейших компонентов здоровьесберегающего учебно-воспитательного процесса в вузах.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Фадеева, Т.В. Здоровье как фактор социальной успешности молодого поколения / Т.В. Фадеева // Материалы IV Всероссийского социологического конгресса. - М., 2012.

2. Журавлева, И.В. Отношение к здоровью индивида и общества / И.В. Журавлева. - М., 2006. - С.125

3. Сиерес, Д., Гавидия, В. О различных подходах к понятию "здоровье" / Д. Сиерес, В. Гавидия // Школа здоровья. - 1998.-Т. 5.- №1.- С.7.

4. Документы и материалы Лаборатории социального анализа МичГАУ (под рук. д.соц.н., проф. М.В. Сухомлиновой). - Мичуринск-наукоград, 2015-2018.

5. Викисловарь [Электронный ресурс]. - Режим доступа: // http://gruzdoff.ru/

wiki.

6. Иванова, Л.Ю. Познавательная активность российских студентов в области здоровья и здорового образа жизни / Иванова Л.Ю. // Материалы IV Всероссийского Социологического конгресса. - М., 2012.

7. Шиняева, О.В., Падиарова, А.Б. Социальное неравенство и здоровье молодого поколения россиян / О.В. Шиняева, Падиарова А.Б. - Ульяновск, 2010. - 168 с.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Нишанбаева Энахон Зарипбаевна,
Ўзбекистон Миллий университети "Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими"
кафедраси доценти вазифасини бажарувчиси
enakhonnishanbaeva@mail.ru

"ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК" ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

For citation: *Nishanbayeva Enahon, The concept of social partnership and its implications. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 36-45*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-4

АННОТАЦИЯ

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик келишув, муроса-мадора, бағрикенглик, манфаатлар, қадриятлар ва мақсадларнинг ягоналигига асосланади. Ижтимоий шериклик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий ва маънавий хусусиятлар асосларининг биргаликдаги таъсири орқали вужудга келиши мумкин. Сиёсатда ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг туб манфаатлари жамланади, тўпланади, ҳамда ягона сиёсий манифестлар, дастурлар, шиорлар сифатида шакллантирилади ва улар етакчилар, партиялар, ҳаракатларнинг аниқ фаолиятида ўз ифодасини топади. Айни шу маънода, мазкур мақолада ижтимоий шериклик тўғрисидаги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ривожланиш эволюциясини ўрганиш, ҳамда ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий шерикликни такомиллаштириш тажрибасининг назарий жиҳатлари, моделлари ва концепциялари очиб берилган. Мақолада ижтимоий шерикликнинг ривожланиш шарт-шароитлари, сиёсий омилларини ретроспектив таҳлил қилиниб, унинг сиёсий, маданий ривожланиши параметрлари ўртасида корреляцион боғланиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: давлат, жамият, фуқаролик жамияти, ижтимоий шериклик, ижтимоий шериклик тамойиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, секторлараро ҳамкорлик эволюция.

Нишанбаева Энахон Зарипбаевна,
Национальный университет Узбекистана, и.о.

доцент кафедры "Гражданское общество и юридическое образование"
enakhonnishanbaeva@mail.ru

КОНЦЕПЦИЯ "СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА" И ЕГО ПРИНЦИПЫ

АННОТАЦИЯ

Социальное партнерство между государством и институтами гражданского общества основывается на согласии, компромиссе, терпимости и идентичности интересов, ценностей и целей. Социальное партнерство может быть структурировано в контексте взаимообусловленности социально-экономических, политических и духовных основ общества. В политике основные интересы социальных групп и слоёв сконцентрированы, собраны и сформированы как единые политические проявления программ и лозунгов, которые отражаются в конкретной деятельности лидеров, партий и движений. В связи с этим, в данной статье рассматривается эволюция социальных и политических взглядов на социальное партнерство, раскрываются теоретические аспекты, модели и концепции опыта и укрепления социального партнерства. В статье проводится ретроспективный анализ политических процессов и условий развития социального партнерства, особое внимание уделяется разработке научно обоснованных рекомендаций по развитию социального партнёрства.

Ключевые слова: государство, общество, гражданское общество, социальное партнёрство, некоммерческие организации, межсекторное взаимодействие, эволюция.

Nishanbaeva Enakhon Zaripbaevna,
National University of Uzbekistan, Acting Associate Professor of "Civil Society and Law Education"
enakhonnishanbaeva@mail.ru

THE CONCEPT OF SOCIAL PARTNERSHIP AND ITS IMPLICATIONS

ANNOTATION

Social partnership between the state and civil society institutions is based on harmony, compromise, tolerance and the identity of interests, values and goals.Social partnership can be structured in the context of the interdependence of the socio-economic, political and spiritual foundations of society. In politics, the main interests of social groups and layers are concentrated, assembled and formed as single political manifestations of programs and slogans that are reflected in the specific activities of leaders, parties and movements. Based on the foregoing, this article examines the evolution of social and political views on social partnership, reveals theoretical aspects, models and concepts of experience and strengthening social partnership, and also conducts a retrospective analysis of political processes and conditions for the development of social partnership. Particular attention is paid to the development of scientifically based recommendations for the development of social partnership.

Keywords: state, society, civil society, social partnership, non-profit organizations,

intersectoral interaction, evolution.

Ижтимоий шериклик тизимлари, сиёсий муносабатлар доирасида келишилган меъёрлар, қоидалар, қарорлар қабул қилиш қоидаларини яратиш орқали уларнинг ўзаро таъсири антоганизмдан ва душманликдан ҳамкорлик ва келишувга, давлатнинг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлларига ўтишнинг ҳаққоний йўли ҳисобланади. Ижтимоий шериклик бу ижтимоий-сиёсий амалиётдан ажралиб қолган, ўзининг ҳаракатлантирувчи ва назорат қилувчи механизмларининг ночорлигидан ҳаётга тадбиқ қилинаолмайдиган ҳодиса эмас. Чунки, ижтимоий шерикликнинг жамият ҳаётига кенг доирада тадбиқ қилинишидан сиёсий тизим ва сиёсий институтлар манфаатдор. Айниқса, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро шериклиги асосида ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, хусусан, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишда бу сиёсий институт элементи имкониятларидан фойдаланиш, унинг Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари нуқтаи назаридан илмий талқинини бериш ҳамда бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳисобга олиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг энг муҳим муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини ифода этишнинг ўзига хос тизимини, иштирокчиларнинг иродасини ўзида мужассам этган энг муҳим демократик бошқарув элементи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ижтимоий шериклик тизимидаги давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ва сиёсий қарорларни қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, низоли вазиятларда ўзаро алоқа қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан ҳам марказий ўрин эгаллайди.

Ижтимоий шериклик стратегик нуқтаи назардан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги демократик алоқадорликнинг ўзига хос модели ҳамдир. Унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бундай феномен негизида ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар шаклана бошлайди. Бу борада ижтимоий шериклик фуқаролик жамияти институти вакилларининг биргаликдаги ва якка тартибдаги хатти-ҳаракати самарадорлигини ошириш, сиёсий фаолият кўламини кенгайтириш учун муҳим омиллардан бирига айланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ижтимоий шерикликнинг табиатини ўрганишга интилиш, унга эришиш ва сақлаб қолишга уринишлар қадим замонлардан бери мавжуд. Ижтимоий шериклик назарияси ижтимоий фанлардаги муҳим илмий йўналиш сифатида сиёсий фандаги нисбатан кам ўрганилган муаммолар сирасига киради. Ҳозирги вақтга қадар ижтимоий шерикликнинг моҳияти, тамойиллари, шакллари ва вазифалари ҳақидаги етарли даражада тасаввур мавжуд эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирча, ижтимоий шерикликнинг сиёсий муаммоларини тадқиқ қилишда қўлланилаётган тушунчаларга нисбатан якдил, қатъий муносабат шаклланмаган. Бу эса илмий-назарий хулосаларнинг, амалий тавсияларнинг турли туманлигини, ҳатто, уларнинг қарама-қаршилигини келтириб чиқармоқда. Бизнинг назаримизда, бунинг объектив ва субъектив сабаблари қуйидагилардан иборат: Биринчидан, ҳозирча, ижтимоий шериклик илмий нуқтаи-назардан қараганда ягона таъриф ва таснифга эга эмас, яъни бу тушунча нафақат социология, фалсафа, психология балки сиёсатшунослик фанлари доирасида ҳам назарий-методологик

асослари, фундаментал ва экспериментал базалари яратилмаган. Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий фаолиятда ижтимоий шериклик мақсадларининг умумийлиги ва уйғунлиги таркиб топмаган. Шу боисдан ҳам Муяссар Мирзакаримова "Илмий адабиётларда ва амалиётда ижтимоий шериклик бир хил бўлмаган ва кўп жиҳатли ибора сифатида тавсифланади.

Баъзилар уни ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфлар, жамоалар ва маълум тузилмалар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури сифатида; бошқалар давлат органлари, ишловчилар ва иш берувчилар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизми сифатида; учинчилар эса ёлланма ишчилар ва иш берувчиларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосида мақбул мувозанатни ва уларнинг асосий қизиқишлари ўхшашлигига ва бошқа томондан, мазкур тушунчани аниқлаштирадиган бошқа нуқтаи назарларга қарамасдан, уларнинг асосий қизиқишларининг амалга оширилишини таъминлайдиган бозор иқтисодиётига хос ижтимоий меҳнат муносабатларининг алоҳида тури сифатида изоҳлайдилар", [1, - Б.4] деб таъкидлайди. Бизнинг назаримизда бу муаллифлик ёндашувида "ижтимоий шериклик" тушунчаси тор доирадаги утилитар, бандлик ва меҳнат муносабатлари доирасида чегараланиб қолган бўлиб, давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро манфаатли алоқадорлигини таъминлаш хусусиятлари эътибордан четда қолган. Учинчидан, ҳамма соҳаларнинг, шу жумладан ижтимоий шерикликнинг ҳам, муайян манфаатлар асосида сиёсатлаштирилиши ва мафкуралаштирилиши асрлар давомида шаклланган инсонпарварлик қадриятларидан воз кечишга, янгиларининг вужудга келишига тўсқинлик қилади.

Ижтимоий шерикликни тизимли-тузилмали, сиёсий таҳлил қилиш учун бу тушунча билан боғлиқ: "шериклик" ва "ижтимоий ҳамкорлик" каби тушунчалар мазмунини аниқлаш лозим. Зеро, тадқиқ қилинаётган объект ва предметнинг категориал аппаратини, тушунчалари мазмунини конкретлаштириш назарий-методологик вазифа бўлиб, муаммонинг илмий-амалий ечимини топишнинг зарурий шартидир. Аксарият илмий адабиётларида "шериклик" тушунчаси турлича нуқтаи-назардан таъриф ва тасниф этилади [2]. Шунинг билан бир қаторда кўп ҳолатларда мазкур тушунча олимларнинг методологик ва парадигмал нуқтаи назарларидан келиб чиқилган ҳолда, ўта субъектив қабул қилинади. Бизнинг нуқтаи-назаримизга кўра эса қатъий ҳуқуқуий нормалардан фарқли равишда, шериклик субъектлар ўртасидаги муносабатларда маълум даражада иҳтиёрийликни назарда тутади. Шу ўринда, ижтимоий шериклик билан боғлиқ ҳолда ишлатилаётган "ижтимой ҳамкорлик" тушунчасини сиёсий мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш, унинг мазмун-моҳиятидан бохабар бўлиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу боис мазкур тушунчанинг мазмун-моҳияти хусусида тўҳталиб ўтишни лозим топдик. Т.Матибаев таъкидлашича, "ижтимоий ҳамкорлик - жамиятнинг бош стратегик мақсади билан чамбарчас боғланган, шахс, ижтимоий субъект ва гуруҳларнинг манфаат, талаб ва эҳтиёжлари умумийлигидан келиб чиқиб, жамиятнинг яхлит ривожланишини таъминлашга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятдир" [3, - Б.15]. Бизнинг назаримизда, бу таъриф ижтимоий ҳамкорликнинг субъектив характеристикаси ҳисобланади. Чунки, ижтимоий ҳамкорликнинг мазмун-моҳияти, замон ва маконда локаллашуви, воситачилик мавжудлигига, доимийликка, шаклларининг ўзгарувчанлигидан келиб чиқиб ёндашиш тўғри бўларди.

Ижтимоий шериклик ижтимоий ҳамкорликнинг шакли сифатида жамият

тараққиётининг барча босқичларида иштирок этади. У ўзаро ҳаракат қилувчи ижтимоий субъектлар ўртасида келишув ва ўзаро тил топишга имкон яратади, уларда бир-бирига тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган қизиқишлар бўлган тақдирда ҳам ўзига хос феномен сифатида намоён бўлади. Бундай ҳамкор муносабатлар асосида ихтиёрийлик билан мустаҳкамланган томонлар ҳамкорлигининг норматив мажбуриятлари, рационаллиги, муносабатлар симметрия тамойили ётади. Шу билан бирга Е.М.Осипов таъкидлаганидек, ижтимоий шериклик ижтимоий субъектлар интеграциясининг ва ижтимоий тизим яхлитлигини мустаҳкамловчи қурол сифатида намоён бўлади [4].

Дарҳақиқат, тадқиқотимиз объекти сифатида олинган ижтимоий шериклик муаммосининг концептуал таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий мамлакат олимлари томонидан ижтимоий шерикликнинг шаклланишини назарий-методологик тушунишнинг генезиси ва ривожланиш қонуниятлари атрофлича тадқиқ этилган бўлса-да, бироқ ҳанузгача ижтимоий шерикликнинг мазмун-моҳиятининг ягона тушунчаси мавжуд эмас. Ўз-ўзидан аёнки, ҳаётимизда тобора кўпроқ ишлатилаётган "ижтимой шериклик" тушунчасини айниқса ҳозирги кунда шиддат билан кечаётган жараёнлар нуқтаи назардан янада чуқурроқ англаш, унинг мазмун-моҳиятидан бохабар бўлиш эҳтиёжи ҳам кучайиб бормоқда. Шу боис мазкур тушунча ва унинг моҳияти хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ижтимоий шерикликнинг муҳим хусусиятларидан бири, бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишувигина эмас, балки улар ўртасидаги юксак ахлоқий қоидалар мажмуидир. Дарҳақиқат, ижтимоий шерикликка бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг бир тури сифатида қараш мумкин. Биринчидан, бу умумий манфаатлар ва қарашлар билан бирга, мутлақо фарқ қилувчи ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларга эга тарафлар ўртасидаги муносабатдир. Иккинчидан, ижтимоий шериклик тарафларнинг қарама-қаршилигига эмас, балки ижтимоий консенсус(келишув)га эришишга асосланади. Учинчидан, бу шундай муносабатлар турики, уни амалга оширишдан барча ижтимоий гуруҳлар ҳамда давлат манфаатдор бўлади. Чунки, айнан ижтимоий шериклик шароитида жамият ижтимоий барқарорликка ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришади.

Сиёсатшунос А.Мирзаевнинг фикрича, бу долзарб муаммони пухта ва мукаммал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда бўлишидан қатъи назар, энг зарурий ва масъулиятли вазифаларидан бирига айланиши объектив қонуниятдир [5, - Б.159]. Бошқа томондан, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш, эътироф этиш, сиёсий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ижтимоий шерикликни англаш ва турли субъектлар (ҳокимият тизимлари, касаба уюшмалари, иш берувчилар, жамоатчилик бирлашмалари ва ҳ.к.) ўзаро ҳамкорлигининг янги шаклларини ривожлантиришга оид тадқиқотлар, уларнинг энг мақбул ҳамкорлик йўллари, умуман жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва бошқа жабҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, жамиятда эҳтимолли низоларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ана шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ижтимоий шерикликни жамият ривожи ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этади.

Ижтимоий шериклик тизим сифатида бир томондан, турли важларни белгилаб олиш, биргаликдаги фаолият давомида уларга қатъий риоя қилиш, иккинчи

томондан, юзага келаётган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартириш имконига муҳтож бўлади. Чунки, файласуф олим А.Бегматов таъкидлаганидек, ўз даврида "Ижтимоий шериклик мафкураси синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафкура эди" [6, - Б.60]. Бизнинг назаримизда, муаллиф бу ёндашуви орқали ижтимоий шерикликнинг ғоявий-мафкуравий жиҳатларини ёритишга эътибор берган. Аслида эса, ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини ҳам меҳнат муносабатларидаги, ҳам давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг манфаатли алоқалари нуқтаи назаридан келиб чиқиб талқин қилиш мумкин.

Бизнингча, ижтимоий шериклик - бу давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва манфаатларни уйғунлаштириш асосида жамиятда мавжуд бўлган муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган мулоқот ҳамда консенсусга келиш тизимидир.

Тор маънода эса, ижтимоий шериклик ё меҳнат ёки давлат ва фуқаролик жамияти инстутларининг аниқ муносабатлари шакли ҳисобланади. Ўз навбатида ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус шериклиги бўлиб, бундай муносабатларни олиб боришга қаратилган объектнинг қандай бўлишидан қатъий назар, яъни нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга ошириш кабилар ҳам бўлиши, давлат ва нодавлат ташкилотлари манфаатларининг ягона бир соҳадаги муштараклиги ҳам тушунилади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, ижтимоий шериклик, деганда бу нодавлат нотижорат ташкилотлар, тижорат ташкилотлари ва давлат ўртасида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги самарали ҳамкорлиги тушунилади.

Бу борада қуйидаги жиҳатни қайд этиш алоҳида аҳамият касб этади: ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятига хос, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай муносабатларда ижтимоий шериклик - давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш йўллари кўзда тутилади. Яъни, хорижлик олим Л.Даймар таъкидлаганидек, ижтимоий шерикликка асосланган "Ҳамкорлик сиёсати ушбу мақсадларни кўзлар экан, давлат сектори билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик принципларини, шунингдек бўлажак шерикликнинг базавий таркибини эълон қилади" [7].

Т.Матибаев таъкидлашича, "ижтимоий шериклик - ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим механизми, давлат органлари, иш берувчилар (бизнес тузилмалар), ишчи ходимлар (касаба уюшмалари) ва жамоат ташкилотларининг ўзаро манфаатдорлик асосида биргаликдаги фаолиятидир" [8, - Б.15]. Бизнинг назаримизда, муаллиф ўз илмий изланишларидан келиб чиқиб, ижтимоий шерикликни ижтимоий ҳамкорликнинг амалга оширишдаги муҳим механизм эканлигига алоҳида эътибор қаратади. Ваҳоланки, ижтимоий шериклик ҳар бири учун турлича вазифаларга мувофиқ тузилгани ва фаолият кўрсатгани туфайли, унинг бошқарув объектлари ҳам, шакллари, усуллари, воситалари ҳам янги шароитлардаги фаолиятни ифодалаши ҳақида гапириш мумкин бўлади. Дарҳақиқат, ижтимоий шериклик сиёсий субъектларининг тавсифи сиёсий муносабатлар турини белгилайди ва сиёсий институтлар фаолият кўрсатадиган аксарият

босқичларда уни бошқаришга имкон беради. Чунки ижтимоий шериклик субъектлари турли сиёсий мақсадларни амалга оширишга интилади. Айниқса, фуқаролик жамиятида шерикликни бошқаришда ижтимоий ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек иқтисодчи олимларининг фикрича, "Ижтимоий шериклик кўрсатилган омилларининг ялпи ҳаракати ривожланган мамлакатларда жамиятга, энг аввало, ижтимоий барқарорлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик билан тавсифланадиган сифат жиҳатдан янги ҳолатни беради. Шериклик муносабатлари жамиятни ўткир ва мураккаб муаммолардан ҳоли қилмайди, аммо уларни ҳал қилиш йўлларидан бири ҳисобланади" [9, - Б.15]. Дарҳақиқат, бизнинг назаримизда ҳам ижтимоий шерикликнинг мавжуд ҳолатлари жамият сиёсий ҳаётини барқарорлигини таъминлаш соҳасида фаолликнинг турли даражаларини ҳамда уларни ҳал қилишнинг мақсадларига мос услуб ва воситаларини талаб қилади. Шу боисдан ҳам, ижтимоий шерикликнинг шакллари хилма-хил бўлиб, у кооперациянинг уюшма(альянс)лар, тармоқ структуралари, трансмиллий корпорациялар каби бошқа шаклларидан фарқли равишда, шериклик пойдеворига келишув ғояси қўйилган бўлганида, мақсад қўйиш ва унга эришиш эса ишонч бўлгандагина амалга ошади.

Фуқаролик жамияти институтлари муносабатлари тизимида ижтимоий шериклик умумий мақсадларга эришиш воситаси сифатида пайдо бўлиб, инсонлар орасидаги муносабат, шунингдек махсус ижтимоий жараён шаклида намоён бўлади. ўоя сифатида эса ижтимоий шериклик одамларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига асосланиб, нафақат жамиятдаги алоқаларнинг объектив табиатини кўрсатади, балки фикрлар ва манфаатлар хилма-хиллиги шароитида умумий мақсадларга эришиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун дунёнинг ривожланган мамлакатлари қатори, Ўзбекистонда ҳам жамиятда ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунки, А.Бегматов таъкидлаганидек, "Давлат ва жамият ўртасида ҳақиқий шериклик ўрнатилмаса, фуқаролик жамияти вужудга келмайди" [10, - Б.60].

Ижтимоий шериклик бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда ўзгаларнинг ўзига хос имкониятларидан фойдаланишга эҳтиёж уни мустаҳкамлайди, у ўз навбатида бундай муносабатлар низоли характерда эмас, балки мавжуд ривожланган ҳуқуқ ва ахлоқ институтлари назорати остида муроса характерида бўлиши керак. Зеро, М.Хажиева таъкидлаганидек, "Муроса қилиш деганда мураккаб муаммони ҳал қилиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда манфаатдор томонларнинг ўзаро келишуви, бир-бирларига ён беришлари назарда тутилади" [11, - Б.57].

Буларнинг барчаси ижтимоий тартибнинг органик, яъни ижтимоий субъектларнинг табиий, ихтиёрий бирдамлигини таъминлайди, бунда ижтимоий ҳамкорликнинг асосий турларидан бири сифатида шериклик намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ижтимоий шерикликка оид муносабатлар давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ҳуқуқий муносабатларнинг бир тармоғи бўлиб ҳисобланади.

Бошқа қатор илмий-сиёсий адабиётларда ҳам "ижтимоий шериклик" тушунчасига турлича таъриф берилади. Айрим тадқиқотчилар ижтимоий шерикликни ижтимоий-меҳнат зиддиятларини бартараф этиш усули деб билса, бошқалари уни мураккаб, кўп тармоқли ижтимоий жараён, деб тушунади [12, - Б.60].

Бундай ёндашишларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, бир нарса аниқки, ижтимоий шериклик аввало одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар мажмуасидир. Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан бу муносабатларнинг уч асосий субъекти мавжуд: иш берувчи ходим, ишчи ва давлат. Учинчидан, бундай муносабатлар объектини меҳнат шароити, даромадлар даражаси, субъектларнинг ижтимоий аҳволи, уларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлашдаги ўрни, роли ва ҳуқуқлари ташкил этади.

Ижтимоий шерикликнинг бош мақсади, деб унинг асосий субъектлари манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштиришни кўрсатиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам, ижтимоий шериклик бугунги кунда жамиятда умуминсоний қадриятлар устиворлигини таъминлайдиган ижтимоий институтларнинг ўзаро келишув жараёнини, унда умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи фуқаролик жамияти институтларининг ишлаш механизмини ҳам ифодалаши лозим. Бу эса ижтимоий шериклик муносабатлари муаммоларини тадқиқ этишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади:

- инсоният тарихида ва ривожланган мамлакатларда ижтимоий шериклик муносабатлари такомиллашуви тажрибаларини сиёсий нуқтаи-назардан чуқур ўрганиш ва умумлаштириш;
- ижтимоий шериклик муносабатларининг жамиятимизда рўй бераётган сиёсий ўзгаришларга таъсири ва бунда фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жараёнини тадқиқ қилиш;
- давлат ташкилотлари ва маҳаллий бошқарув идораларининг ижтимоий шерикликни ташкил қилиш билан боғлиқ сиёсий жараёнлар, турли ташкилотлар ҳамкорлиги ва ўзаро муносабатларидаги ролини аниқлаш;
- жамиятнинг турли жабҳаларида (иқтисод, сиёсат, таълим, ижтимоий таъминот, маданият ва ҳ.к.) ижтимоий шериклик муносабатларининг самарали механизмини ишлаб чиқиш, уни ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этишнинг мақбул йўллари ва усулларини излаб топиш.

Шу билан бирга, мазкур масалага комплекс ёндашиш, мавзуга тарихийлик ва замонавийлик диалектикаси нуқтаи назаридан қарашгина ушбу сиёсий феноменнинг ички тузилиши, элементлари ва дифференциацияси, уни ривожлантириш динамикаси асосида мавжуд ҳолатни баҳолаш имконини беради. Мавзунинг мамлакатимиз ҳаётига хос хусусиятларини чуқур ўрганмасдан ва бу борадаги натижаларни ҳисобга олмай туриб, фуқаролик жамияти талаблари даражасидаги ижтимоий шериклик тамойилларини амалга ошириб бўлмаслиги шубҳасиз.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунда бу тушунчага қуйидагича аниқ таъриф берилган: "Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир" [13]. Бу таъриф шуни англатадики, ҳуқуқий давлатни ижтимоий шерикликнинг тамойиллари ва қадриятларини амалга оширилмасдан ҳам тасаввур қилиб бўлмайди, чунки улар давлатга зарурий мафкуравий барқарорликни таъминлаб беради. Бизнинг назаримизда "ижтимоий шериклик" деганда - инсон ҳуқуқ ва

эркинликлари, қадр-қиммати, ижтимоий адолат ва ўзаро бирдамлик тамойиллари тан олинувчи ўзига хос сиёсий муносабатларга айтилади.

Ижтимоий шериклик ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг мезони сифатида шахс фаолияти нуқтаи-назардан ўзининг ҳаракатлантирувчи мотивларига, механизмларига ҳамда ички структурасига эга, яъни:

биринчидан, ижтимоий шериклик давлат жамият аъзоларининг барча ҳуқуқларини таъминлайди, унинг ваколатлари соҳалари, жамият, шахс ҳаётига таъсир кўрсатиш тавсифи пухта ва аниқ белгиланади. Шу боисдан ҳам, ижтимоий шериклик шахснинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуасида тутган конкрет тарихий ўрни билан белгиланади.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий шериклик тизими билан боғлиқ манфаатлари ва эҳтиёжлари, ижтимоий-сиёсий муносабатларда, нисбатан мустақил, индивидуал тарзида, намоён бўлади.

Учинчидан, шахснинг назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражаларига мос келади.

Тўртинчидан, ижтимоий шериклик ҳақидаги сиёсий мақсадларнинг, амалий ҳаракатларнинг эътиқодга айланиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мотивидир.

Шу методологик тамойилга кўра, ижтимоий шерикликнинг сиёсий-структуравий элементалари ва улар ўртасидаги боғланишларини аниқлаш мумкин, яъни:

1) ижтимоий шериклик мақсади ва вазифалари - давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг зарурий эҳтиёжи ҳамда манфаатларидан келиб чиқади;

2) ижтимоий шериклик талабларини бузилиши муқаррар равишда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт йўналишларига ўз таъсирини кўрсатибгина қолмасдан жамиятдаги хаосни юзага келишига сабаб бўлади;

3) ижтимоий шериклик ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида, жамият ва шахснинг жисмоний ҳамда интеллектуал имкониятлари доирасида амалга оширилади;

4) ижтимоий шериклик стихияли ҳодиса эмас, аксинча, онгли, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги учун муайян назарий билимлар мажмуасини тақозо қилади;

5) ижтимоий шериклик мезони шу соҳада ишлаб чиқилган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг амалиёт кўламида, унинг натижаларида аниқланади.

Бу ҳодисалар, уларнинг ўзига хос элементлари ижтимоий шерикликнинг ижтимоий ва индивидуал даражаларида, умумий тарзда, намоён бўлиб, бир-биридан фарқи объект кўламида, хусусий қонуниятларида кўзга ташланади. Бундан ташқари, сиёсий муносабатлар тизимида ижтимоий шериклик шаклланиши узлуксиз жараён бўлганлигидан, структуравий элементларнинг нисбатан мустақил ривожланишини ҳам ички бирликда, алоқадорликда олиб қараш лозим.

Хуллас, ижтимоий шерикликнинг шаклланиши ва генезиси ҳақида маълумот берувчи назарий манбаларни, шунингдек, бу соҳадаги сиёсий ғоялар ва қарашларни ўрганиб чиқиш, мазкур жараёнда ҳам ижобий, ҳам ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга ҳалақит берувчи, салбий ҳодисаларни аниқлашга имкон беради.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ижтимоий шериклик ўзининг ривожланиш ва такомиллашиш жараёнида ўзига хос хусусиятларга эга, бу тажриба барча ривожланган мамлакатларда турли ижтимоий муносабатларни назорат қилишда қўлланилиши мумкин. Ҳозирги кунда ижтимоий шериклик билан боғлиқ бўлган ва инсоният тараққиёти жараёнида шаклланган ғоялар жамият тараққиёти, ундаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорликни сақлашда фаол қўлланилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзакаримова М., Хайдаров М. Ижтимоий шериклик ва самарали бандлик // Монография. Тошкент: 2014. - Б.4.

2. Энциклопедия менеджмента. Справочник. Социальное партнерство. Социальное партнерство в социально-трудовой сфере как общественное явление // http:// besonus.narod.ru/partnershi p.htm.2005.

3. Матибаев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизини ривожлантириш омиллари / социология фан. докторлик дис. автореферати: 22.00.02 / Т.Б.Матибаев; Ўзбекистон Миллий университети, 2018. - Б. 15.

4. Осипов Е.М. Социальное партнерство и российский малый бизнес: состояние и тенденции развития: Монография. Академический Проект 2018. - 236с.

5. Мирзаев А. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. - Тошкент: ТошДТУ, 2000. - Б.159.

6. Бегматов А. Ижтимоий шериклик. - Тошкент: Тафаккур қаноти нашриёти, 2016. - Б.60.

7. Қаранг: Daimar Liiv, Guidelines for Preparation o compacts, http://www.icnl.org / journal / vol3iss4 / Guidelinesforcompacts 8.htm.

8. Матибаев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизини ривожлантириш омиллари / социология фан. докторлик дис. автореферати: 22.00.02 / Т.Б.Матибаев; Ўзбекистон Миллий университети, 2018. - Б. 15.

9. Мирзакаримова М., Хайдаров М. Ижтимоий шериклик ва самарали бандлик. Монография. Тошкент: 2014. - Б.15.

10.Бегматов А. Ижтимоий шериклик. - Тошкент: Тафаккур қаноти нашриёти, 2016. - Б.60.

11.Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. - Тошкент: Abu matbuot-konsalt нашриёти, 2008. - Б.57.

12.Қаранг: Семигин Г.Ю. Социальное партнерство как фактор политической стабилизации Российского общества : автореферат дис. ... кандидата политических наук. - Москва, 1993. - 24 с.; Гайнуллина Ф.И. Становление системы социального партнерства в Республике Татарстан: Политологический анализ: автореферат дис. ... доктора политических наук. - Москва, 1999. - 56 с.; Нетеребский О.В. Специфика системы социального партнерства г.Москвы: Политологический аспект: диссертация ... кандидата политических наук. - Москва, 2002. - 144 с.; Шевченко Н.Ф. Политика социального партнерства как фактор творчого становления до труда (теоретико-методологический анализ): автореферат дис. ... кандидата политических наук. - Киев, 1994. - 16 с.

13.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Юнусов Алишер Бобомурадович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, соц.ф.н., доцент в.б.
e-mail: alisheryunusov@rambler.ru

ИЖТИМОИЙ МЕЪЁРДАН ОҒИШ САБАБЛАРИ

For citation: *Yunusov Alisher, Reasons for deviation from social norms. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 46-54*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-5

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ижтимоий меъёрдан оғиш сабаблари атрофлича ўрганилган. Бугунги кунда социологияда ижтимоий меъёр бу кишиларнинг узоқ вақт бирга яшаб орттирган тажрибалари асосида юзага келган хулқ-атвор намуналари бўлиб, биргаликда фаолият юритиш натижасида тўғри хулқнинг барча учун мақбул бўлган шакл ва шамойиллари яратилганлиги таъкидлаб ўтилган. Шахснинг девиант хулқли ёки тарбияли инсон бўлишига сабаб бўлувчи ижтимоий меъёр, қадрият ва ижтимоий институтлар тушунчалари ўрганилиб, улардаги боғлиқлик ва унинг натижасида юзага келадиган хулқ-атвор шакли таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу мақолада ҳар бир инсонга хос бўладиган шахсий қадриятлар тизимини турлича синфлаштириш мумкинлиги атрофлича ўрганилган. Инглиз олими Г.Спенсернинг ижтимоий институтларнинг турлари ҳақидаги фикрлари келтирилган. Мақолада бугунги кунда ёшлар девиантлигини олдини олиш учун бир қатор омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги муаллиф томонидан айтиб ўтилган ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: девиантлик, ижтимоий меъёр, қадрият, қадрият мўлжаллари, ижтимоий институт, жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик.

Юнусов Алишер Бабамурадович,
и. о. доцент, к.соц.н. Институт изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров Академии государственного управления при

Президенте Республики Узбекистан
e-mail: alisheryunusov@rambler.ru

ПРИЧИНЫ ОТКЛОНЕНИЯ ОТ СОЦИАЛЬНОЙ НОРМЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются причины отклонения от социальных норм. В современной социологии социальные нормы являются примерами поведения, основанного на опыте этих людей, и стоит отметить, что в результате совместной работы создаются формы и мотивы правильного поведения. Изучены понятия социальных норм, ценностей и социальных институтов, обусловливающих девиантное мышление индивида или его образованность, проанализирована их привязанность к ним и вытекающая из этого форма поведения. Также, в этой статье подробно изучается возможность дифференцирования системы личных ценностей, присущих каждому человеку, по-разному. Цитируется мнение английского ученого Г.Спенсера о типах социальных институтов. В статье автор изложил, что необходимо обратить особое внимание на ряд факторов, препятствующих девиантности молодежи, и дал рекомендации касательно данной проблемы.

Ключевые слова: девиантость, социальная норма, ценность, ценностные ориентации, социалный институт, преступность, самоубийство, наркомания, алкоголизм.

Yunusov Alisher,
Associate Professor at the Institute for the Study of
Youth Problems and Training of Advanced Personnel of the
Presidential Academy of Public Administration

REASONS FOR DEVIATION FROM SOCIAL NORM

ANNOTATION

This article examines the reasons for deviation from social norms. In modern sociology, social norms are examples of behavior based on the experiences of these people, and it has been argued that, as a result of their co-operation, forms and patterns of correct behavior are created. The concepts of social norms, values, and social institutions that lead a person to deviant behavior or upbringing have been explored, their attachment to them and the resulting form of behavior have been analyzed. Also, in this article, the possibility of differentiating the system of personal values inherent in each person in different ways is studied in detail. The opinion of the English scientist G. Spencer on the types of social institutions has been cited. In the article, the author stated that it is necessary to pay special attention to a number of factors that impede youth deviance, and made recommendations regarding this problem.

Keywords: deviant behavior, social norm, value, value orientations, social institution, crime, suicide, drug addiction, alcoholism.

Инсон шунчалар мураккаб мавжудотки, унинг хатти-ҳаракатларини олдиндан башорат қилиш ва бошқариш жуда қийин. Унга берилган ақл инсонни турли

йўналишарда мустақил ҳаракатланишига имкон беради. Олдиндан дастурланган инстинктлар асосида ҳаракатланувчи ҳайвонлардан инсон айнан ақл-заковати билан ҳам фарқланади. Бироқ, кейинги вақтларда оммавий ахборот воситаларида,айниқса ижтимоий тармоқларда жуда кўп берилаётган ҳайратомуз ҳодисалар инсоннинг хатти-ҳаракатини тушунишни қийинлаштириб қўймоқда. Бу ҳолатга нима сабаб бўлди. Нима учун она ўзининг жигарбандини - 3 ёшли фарзандини бўғиб ўлдирди. Бизнинг назаримизда, ҳали ўзи гўдак бўлган 14 ёшли қизча қанақа қилиб она бўлди. Нимага кейинги вақтларда "уриб ўлдириб қўйиш"лар кўпайиб кетмоқда ва умуман ўзи инсон инсонни ўлгунича калтаклашини қандай тушуниш керак. Бу саволларга жавоб топиш учун инсон хулқини ўзи нима бошқаришини чуқурроқ тушуниш керак бўлади.

ХХ асрда яшаган немис олим Конрад Лоренц инсонлар ва ҳайвонлар хулқини қиёсий ўрганиб шундай хулосага келади [1]. Ҳайвонлар хулқи туғма инстинктларга боғлиқ ва ҳар бир муаммоли ҳолатда ҳайвонларда олдиндан дастурлашган ечим мавжуд бўлади. Шу боисдан, бирон бир фавқулодда вазият юз бермаса, улар бу дунёда яшашга қийналмайдилар, инстиктлар ёрдамида ҳаракатланаверадилар. Ушбу тартибга солиш механизмини Лоренц "табиий ахлоқ" деб номлаган. Инсон эса, ўз тараққиёти давомида табиатни ўзига бўйсундиришга интилиб, ақл-заковатини ривожлантирган ва шу йўлда ўз инстинктларидан ҳам узоқлашиб борган. Натижада, замонавий инсон агар ақл билан иш қилмаса, ҳаётда яшашга қийналиб қоладиган мавжудотга айланиб қолган. Бизнинг бошқа жонзотлардан фарқимиз ҳам мана шунда. Биз инстинкт ёрдамида яшай олмаймиз, инсонлар орасидаги муносабатларни ҳам, инстинктлар тартибга солмайди, бир сўз билан айтганда биз энди ҳайвон эмасмиз. Минг йилликлар давомида инсоният ўз ақлини ривожлантириш билан бирга, ушбу ақлни маҳсули бўлган, инсонлараро муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи "сунъий ахлоқ"ни ривожлантирганлар. Ўзаро муносабатлар бугунги кунда социологияда "ижтимоий меъёр" атамаси остида умумлаштирилувчи қоидалар ёрдамида тартибга солишга ўтилган.

Ижтимоий меъёрлар. "Ижтимоий меъёр" тушунчасини дастлаб антик давр мутафаккирлари ўрганганлар. Хусусан, Афлотун "Қонунлар" асарида инсонлар ҳайвонлар каби яшай олмасликларини таъкидлаб, ақл билан ишлаб чиқилган қонунлар орқали бошқарилишини айтиб ўтади. Буюк мутафаккир "қонун" атамаси остида ижтимоий меъёрнинг барча кўринишларини назарда тутиб, жамият ҳаётида улар муҳим ўрин эгаллашини ўша пайтлардаёқ исботлаб берган [2]. Кейинчалик, унинг шогирди Арасту "Ахлоқи кабир" асарида унинг қарашларини ривожлантирган. Улуғ мутафаккир барча хатти-ҳаракатларда ўртачалик, меъёрийликни сақлашни фазилат, деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, "фазилат қарама-қарши хислат ва майлларнинг ўртасидаги ҳолатдир" [3]. Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг қарашларида ҳам, Афлотун ва Арасту ёндашувига яқин қарашларни кузатишимиз мумкин. Улар инсонлараро муносабатларни тартибга солишда ижтимоий меъёр кўринишларидан бири бўлган - ахлоқнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, кўпроқ комил ахлоқни тарбиялаш масалаларига эътибор қаратганлар.

Кейинчалик европалик олимлар ҳам, Шарқ мутафаккирлари изидан бориб, ахлоқ ва унинг инсонлараро муносабатлардаги ўрнига юксак аҳамият билан қарашда давом этдилар. Хусусан, йирик немис файласуфи И.Кант ҳар бир инсонда акс этувчи умуминсоний ахлоқ ҳақида гапиради, олим ахлоқни юксак инсоний тушунча эканлигини изоҳлаб беради [4]. У хатти-ҳаракат ва хулқ-атворни тартибга

солиб турувчи қонунлар инсоний ахлоқнинг натижаси сифатида шаклланиши кераклигини айтади, яъни ахлоқни ижтимоий меъёрнинг барча кўринишлари учун асос, деб ҳисоблайди.

Кант ва унгача бўлган мутафаккирлар ижодида ахлоқнинг барча учун эканлиги, бажарилиши шарт бўлмасада, умумий қоида эканлиги таъкидлаб келинган ва уни умуминсоний, мавҳум тушунча сифатида ўрганганлар. XVIII-XIX асрда пайдо бўлган "Утилитаризм" вакиллари эса, "кўпроқ инсонни кўпроқ бахтлилиги"ни ахлоқий, деб ҳисоблаганлар [5]. Яъни, кантчилар инсон умумий ахлоқ йўлида ўзини чеклаши кераклиги ҳақида гапирган бўлса, И.Бентам ва унинг издошлари ахлоқнинг ўзини ҳам ўзгарувчан ҳодиса деб қарайдилар.

Фан методологияси ва фалсафий ёндашувлардаги бўлиниш, XIX асрдан бошлаб ижтимоий меъёрларга ёндашувларни ҳам иккита катта йўналишга ажратиб юборди. Биринчи йўналиш - метафизик ёндашув тарафдорлари бошқа ижтимоий ҳодисалар каби ижтимоий меъёрни ҳам жамиятдан алоҳида қотиб қолган тушунча сифатида таърифлайди. Уларнинг наздида ижтимоий меъёр бошланғич нуқта, ўзига хос таянч дастур [6]. Ҳар бир индивид ундан андаза олиб ҳаракатланади. Иккинчи йўналиш - диалектик методология тарафдорлари эса, ижтимоий меъёрни ўзгарувчан жамият мураккаб тузилмасининг бир элементи сифатида қарайдилар [7].

Социологияда инсонлар ўртасидаги муносабатларга катта таъсир қилувчи омил сифатида "Ижтимоий меъёрлар" кенг ўрганилган. Дастлаб бу ҳақида Э.Дюркгейм "Ўз жонига қасд қилишлар" асарида кенг тўхталган [8]. Кейинчалик Т.Парсонс ва Р.Мертонлар ўз асарларида ижтимоий меъёр, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, тузилиши, амал қилиши масалаларини таҳлил қилиб бердилар. Классик социология мактаби вакиллари ижтимоий меъёрни жамият томонидан тан олинган ва бажарилиши лозим бўлган хулқ-атвор сифатида талқин қиладилар.

Бугунги кунда социологияда ижтимоий меъёр бу кишиларнинг узоқ вақт бирга яшаб орттирган тажрибалари асосида юзага келган хулқ-атвор намуналари бўлиб, биргаликда фаолият юритиш натижасида тўғри хулқнинг барча учун мақбул бўлган шакл ва шамойиллари яратилган. Ижтимоий меъёрлар инсон нима қилиши кераклигини, қандай қилиши кераклигини, ва ниҳоят, у қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб беради.

Ижтимоий меъёрлар инсоннинг хулқини бошқаради, гарчи, баъзида бу инсоннинг иродасига қарши борса-да. Яъни, ҳаётимизни айрим биз "ёқтирмайдиган" нарса-ҳодисалар ҳам бошқаради, биз уларга ўз иродамизни бўйсундиришга мажбур бўламиз. Агар шундай қилинмаса, инсониятнинг яшаб қолиши қийин. Барча ижтимоий меъёрлар, халқаро ҳуқуқ нормаларигача, биринчи навбатда, мана шу эҳтиёждан келиб чиқиб яратилади.

Юқорида таъкидланганидек, "ижтимоий меъёрлар" инсонлараро муносабатларни тартибга солиб туради. Шу вазифани бажариш орқали у инсон хулқига таъсир қилади. Бироқ, хулқни бошқарувчи омил фақат шундан иборат эмас. Инсон битта меъёр доирасида, чегарадан чиқмаган ҳолда икки хил ёки ундан кўп турда ҳаракатланади. Хусусан, никоҳланган ҳолда оила қуриш ижтимоий меъёр талаби. Унга амал қилсангиз, жамиятда ўрнатилган тартибни бузмаяпсиз. Бироқ, никоҳ жуфтини танлашда ҳамманинг ўз қарашлари бор ва бу жуда катта хилма-хилликни ташкил қилади. Кимдир бой келин қидирса, кимдир гўзалликни қадрлайди. Яна ким учундир тарбия муҳим. Демак, бизнинг хатти-ҳаракатимизни бошқарувчи яна битта омил - ижтимоий қадриятлардир. Яъни, биз учун нима қадрли бўлса,

шунга қараб интиламиз.

Қадриятлар. "Қадрият" тушунчаси файласуф олимлар томонидан кенг ўрганилган. Хусусан, йирик қадриятшунос Қ.Назаров қадриятни "бирон бир тарзда ва шаклда зоҳир бўладиган, субъект учун муайян таъсирини намоён қиладиган воқеликнинг турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларнинг субъект учун ижтимоий аҳамияти ва қадрини ифодалайдиган умумий аксиологик категория" деб ҳисоблайди [9, - Б.28]. Яъни, инсон учун нимаики қадрли бўлса, бу унинг қадриятлар тизимини ташкил қилади. Бу жуда кенг кўламли тизим бўлиб, жуда кўп қадриятларни - моддий ва маънавий кўринишдаги умуминсоний, миллий, диний ва бошқа кўринишдаги қадриятларни ўз ичига олади, булар жуда хилма-хиллигидан, айримлари бир-бирини инкор ҳам этади.

Ҳар бир инсонга хос бўладиган шахсий қадриятлар тизимини турлича синфлаштириш мумкин. Қадриятшунос Қ.Назаров уни қуйидагича кўринишини таклиф қилади [10, - Б.48]:

- одам зотининг табиий-тарихий қадриятлари;
- маънавий-ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар;
- меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадриятлар;
- индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи (ёки "карьера"си) билан боғлиқ қадриятлар;
- ҳузур-ҳловати билан боғлиқ "гедонистик" қадриятлар;
- қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интеллектуал қадриятлар;
- ҳис-ҳаяжон, туйғулари билан боғлиқ "эмоционал" қадриятлар.

Инсон ўзи учун қадрли бўлган нарса-ҳодисаларга интилиб яшайди ва унинг учун иккита қадрли бўлган ҳолат бир-бирига зид келиб қолганида, у ўзи учун устувор аҳамиятга эга бўлганига қараб интилади. Инсонни ҳаракатлантирувчи қадриятларни биз унинг қадрият мўлжаллари, деб атаймиз. Бу мўлжалларда қадриятлар турлича бўлишдан ташқари, устуворлигига кўра кетма-кетликка ҳам эга бўлади. Яъни, ҳар бир инсон ўзи қадрли деб ҳисоблаган барча ҳолатларни аҳамиятига кўра ҳам, иерархия тарзида кетма-кет жойлаштириб олган бўлади. Бу мураккаб тизим асосан ёшликда олинадиган билимлар орқали сингдирилади ва айримлари кейинчалик ҳаётий тажриба орқали ҳам орттирилиши мумкин. Шу боисдан, ёшликда таълим бериш билан бирга, тарбия беришга, хусусан, нима жамиятда қадрли эканлигини ўргатишга ва мавжуд қадриятлар хилма-хиллигида устувор қадриятни аниқлаш ва фаолиятда шунга амал қилиш ўргатилишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бироқ, таълим муассасалари ва умуман, ижтимоий институтларнинг ўзларида турли муаммолар мавжуд бўлса-чи? Бу, албатта турли муаммоларни келтириб чиқаради ва ижтимоий институтлардаги номаъқбул ҳолатларни ҳам чуқур ўрганиш лозим.

Амалий социология билан шуғулланувчи мутахассислар айнан қадрият мўлжалларини аниқлаш орқали ёшларнинг кўплаб муаммоларини аниқлашлари мумкин. Хусусан, девиант ҳолатларнинг юзага келиши билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳам, ушбу тадқиқотларда аниқланади.

Ўзбекистонда аҳоли қадриятларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2016 йилда "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқий тушунчалар, истиқболдаги режалар" мавзусида ўтказилган амалий тадқиқот[11], Қозоғистон Республикасининг "Ижтимоий фикр" тадқиқот институти томонидан

2014 йилда ўтказилган "Марказий Осиё ёшлари: Ўзбекистон" социологик тадқиқоти [12], халқаро WVS (World Values Survey) ташкилоти билан ҳамкорликда "Эксперт фикри" ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан 2011 йилда ўтказилган аҳоли қадрият мўлжалларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар [13] шулар жумласидандир.

Ушбу тадқиқотларда, хусусан халқаро стандартлар асосида ўтказилган Жаҳон қадриятлари бўйича халқаро WVS ташкилоти тадқиқотида ҳам, ўзбекистонликлар учун оила қадрияти жуда муҳим эканлиги кўринади[14]. "Дўстлар" (52,3%), "Бўш вақт" (29,8%), "Сиёсат" (16,3%) ва "Дин" (34,3%) қадриятларига нисбатан "Оила" (97,5%) "ўта муҳим"лиги билан ажралиб туради. Бу борада "Иш" қадрияти (71,1%) иккинчи ўринни эгалламоқда. Бундан хулоса қилиб, ўзбекистонликлар учун қадриятлар кетма-кетлигини шакллантирадиган бўлсак, қуйидаги қатор ҳосил бўлади:

1) оила;
2) иш;
3) дўстлар;
4) дин;
5) бўш вақт;
6) сиёсат.

Ушбу тадқиқотда яна бир қизиқарли кўрсаткич, респондентларнинг ўз фарзандлари тарбиясида сингдирилиши лозим бўлганмуҳим қадриятлар кўрсатиб ўтилган (1-расм).

1-расм.Фарзанд тарбиясида сингдирилиши лозим бўлган қадрият сифатида эслатиб ўтилган тушунчалар [15]

1-расмдан кўришимиз мумкинки, миллий ментал хусусиятлар оилавий тарбияда муҳим ўрин тутмоқда, респондентлар фарзандларига биринчи навбатда "Меҳнатсеварлик" ва "ўзгаларга нисбатан ҳурмат ва бағрикенглик", "масъулиятлилик" сифатларини сингдиришни хоҳлайдилар. Шунингдек, мустақил

тараққиёт ва эркин бозор муносабатлари янги, "мустақиллик" ва "қатъиятлилик" сифатларига эътиборни ҳам кучайтирмоқдаки, бу аввало ота-оналарнинг ўз фарзандларини катта ҳаётда қийналмай яшашлари истаги ортидан пайдо бўлмоқда.

Ушбу қадрият мўлжаллари инсонлар хулқини йўналтириб турувчи "маёқ" вазифасини ўтайди. Жамият аъзолари, айниқса ёшлар ушбу "маёққа" қараб, ўз хатти-ҳаракатларини йўналтириб борсалар, тарбиячилар ушбу уствор қадриятларга асосланиб, тарбиявий жараённи ташкил қиладилар. Шу билан бирга, айтиб ўтиш лозимки, устувор қадриятлар асосида шахсни тарбиялаш тарбия институтлари вазифасидир. Шу боисдан, жамиятда ижтимоий меъёр ва қадриятлар билан бир қаторда ижтимоий институтларнинг меъёрда ишлаши ҳам, ижтимоий девиантлик профилактикасида муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий институтлар."Институт" лотин тилидан олинган бўлиб, ўрнатиш, таъсис этиш деган маъноларни англатади. Социологияда "ижтимоий институт" тушунчаси дастлаб инглиз олими Г.Спенсер томонидан ижтимоий хатти-ҳаракатнинг барқарор тузилмасини ифодаловчи тушунча сифатида қўлланилган. Социологиядаги органистик мактаб асосчиси жамият ўз тараққиётининг маълум босқичларида ўз яшовчанлигини таъминловчи қурилмаларни яратади, дейди ва шундай қурилмалар сифатида биологик организмга ўхшаш озиқланиш тизими (овқатланиш тизими каби), тақсимлаш тизими (қон айланиш тизими каби), тартибга солиш тизими (асаб тизими каби)ни мисол келтиради [16]. Яъни, жамият ўз эҳтиёжларини қондиришни енгиллаштирувчи қурилма сифатида яратган тузилмавий унсур ижтимоий институтдир. Мутафаккир "Социология асослари" асарида ижтимоий институтларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатган: 1)уй институтлари(оила, никоҳ, тарбия), индивидлар ўртасидаги муносабатларнинг турли шаклларини тавсифловчи; 2)маросиминститутлари, инсонларнинг кундалик ҳаётини кўпчилик томонидан бажарилиши мажбурий белгиланган ёки қўллаб-қувватланадиган урф-одатлар, этикетлар, мода ва шу кабилар орқали тартибга солишни назарда тутувчи; 3)сиёсий институтлар(марказий ҳокимият, армия, полиция, суд, ҳуқуқ), инсонлар ва гуруҳлар ўртасидаги сиёсий ҳамда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи; 4) диний институтлар,ягона ишонч ва анъаналар асосида жамиятни бирлаштирувчи; 5)касбий институтлар(касбий уюшмалар, савдо бирлашмалари), меҳнат тақсимоти асосида пайдо бўлган, кишиларни касбий белгилари асосида бирлаштирувчи; 6)саноат институтлари, улар ҳам меҳнат тақсимоти асосида пайдо бўлган ва жамиятнинг ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил қилувчи. Г.Спенсер қарашларини ривожлантирган тизимли ёндашув, тузилмавий ёндашув ва айниқса, тузилмавий-вазифавий ёндашув мактаби вакиллари (Т.Парсонс ва Р.Мертон) мураккаб тузилма бўлган жамиятда ижтимоий институтлар муҳим ўрин тутишини ўз тадқиқотларида исботлаб берганлар.

Замонавий социологияда ижтимоий институт, деганда жамият ҳаётини ташкил этувчи, унинг ижтимоий тузилмаси доирасида барқарор алоқалар ва муносабатларни таъминлаб берувчи ижтимоий амалиётнинг нисбатан барқарор турлари ва меъёрлари тушунилади [17]. Социологияни биринчи навбатда жамият аъзоларининг асосий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган (оила ва таълим), моддий турмушини таъминлашга қаратилган (иқтисодий), ижтимоий гуруҳлар ва жамоаларни бирлаштирувчи (сиёсий, ҳуқуқий) ҳамда маънавий қадриятларни асраб-авайловчи (маданият) институтлар кўпроқ қизиқтиради.

Инсон ҳаёти тўлалигича турли ижтимоий институтларда юз беради. Оила институтида туғиламиз, тарбияланамиз, ўзимиз оила қуриб яшаймиз. Таълим

муассасаларида билим олиш билан бирга, тарбия ҳам олиб борилади. Шунингдек, бизнинг маҳалла институтимиз ҳам, муҳим тарбия ўчоғи ҳисобланади. Бежизга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов маънавиятни шакллантирадиган асосий институтлар сирасига маҳаллани ҳам қўшиш лозим, деб ҳисобламаганлар [18, - Б.58]. Тарбия ўчоғи бўлган мазкур институтлардаги салбий ҳолатлар ёшлар маънавиятсизлигининг асосий омилларидан бири бўлади. Яъни, жамиятнинг бирон-бир эҳтиёжини қондириш мақсадида пайдо бўлган ижтимоий институт ўзининг зиммасига юкланган вазифани меъёрида бажармаса, бу жамиятда ижтимоий инқирозни юзага келтириб чиқаради [19]. Оила ва никоҳ институтларининг ўз вазифаларини тўғри бажармасликлари жамиятда никоҳсиз туғилган фарзандлар сонининг ошишига ёки бугунги кун Европасидаги каби фарзандсиз оилалар, бир жинсли оилалар каби абсурд ҳолатларни юзага келтиради. Ёки, боғчада ва мактабда таъмирлашга, совғага ва бошқа нарсаларга пул йиғишларни кўриб ўсган бола коррупцияни "меъёрдаги ҳолат" сифатида қабул қиладиган бўлиб ўсади.

Шу тарзда, ижтимоий меъёрлардаги, қадрият мўлжаллари ҳамда ижтимоий институтлардаги бузилишлар охир-оқибат ижтимоий муносабатларни издан чиқаради. Мазкур учбурчакдаги муносабатларнинг тўғри шаклланганлиги ва аниқ ишлаши мамлакатимизда ёшлар билан боғлиқ девиант ҳолатлар - жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилишлар, оилавий зиддиятлар, барча-барчаси, бизни бугунги кунда ёшлар тарбияси билан боғлиқ нимаики ташвишлантираётган бўлса, бартараф этиш ва олдини олишни таъминлашга ёрдам беради. Шу боисдан, бугунги кунда ёшлар девиантлигини олдини олиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ислоҳотлар даврида жамият миқёсида турли кўринишдаги девиантликлар кўпайиб кетади ва социологияда бу табиий ҳол, деб қаралади;

- экстроверт девиантликларга (ташқи муҳитга қаратилган хатти-ҳаракатлар, масалан бошқа шахсга ёки унинг мол-мулкига қарши йўналтирилган жиноятчилик) қарши кенг миқёсда олиб борилаётган кураш девиант хулқли инсонни тарбиялаб қўймайди, балки унда интроверт хулқни (шахсни ўзига қаратилган девиантлик, масалан, ўз жонига қасд қилиш, ичкиликбозлик ёки гиёҳвандлик) ривожлантиради. Мамлакатимизда ёшлар жиноятчилигининг камайиши, табиий равишда суицид, ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликнинг ошишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан, девиант ҳолатларга қарши кураш комплекс олиб борилиши, уни олдини олишда оилавий тарбия, боғча ва мактабдаги тарбиявий муҳитга кенгроқ эътибор қаратилиши лозим;

- Республика Маънавият маркази бошчилигида ижтимоий соҳа олимлари, педагоглар ёшлар тарбиясида муҳим бўлган қадриятларни ҳамда уларнинг устуворлигига кўра кетма-кетлигини ишлаб чиқишлари лозим;

- Глобаллашув ва ахборот алмашувининг эркинлашиши, жамиятдаги либераллашув жараёни аҳоли, айниқса ёшларда ахлоқсизликнинг айрим кўринишларини норма сифатида қабул қилинишини вужудга келтириши мумкин. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун мамлакатимизда анъанавий тарзда устувор бўлган қадриятларга мос меъёрий талаблар қатъий ишлаб чиқилиши ва баржа ижтимоий институтлар - оила, таълим муассасалари, ОАВ, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан бир хилда талқин қилиниши лозим. Бу борада, айниқса, ёшлар ташкилотлари ташаббусни ўз қўлларига олишлари талаб этилади.

Франциялик социолог Э.Дюркгейм жамиятда девиант ҳолатларнинг мавжудлиги

ушбу жамиятнинг соғлом эканлигини кўрсатадиган нормал ҳолат, деб баҳолаган эди. Фақат, ҳар бир жамият ўзи учун норма бўлган кўрсаткични аниқлаб олиши ва ушбу кўрсаткичдан ошиб кетилган ҳолатда, унга қарши курашни ташкил қилиши лозим, деб қаралади. Мамлакатимизда ҳам, аҳоли турли қатламлари, жумладан ёшлар девиантлиги мавжудлиги табиий ҳодисадир. Фақат, унинг ислоҳотлар юз бермаган даврлардаги ўртача кўрсаткичларини аниқлаб олиш лозим. Ушбу кўрсаткичлар шошмасдан, фақат тарбиявий усуллар орқали бартараф этиб борилиши керак. Шундагина, биз кўзланган мақсадга эриша оламиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Лоренц К. Агрессия (так называемое зло)/ пер. с нем. Г.Ф.Швейника. - Москва: Прогресс: Универс, 1994.
2. Афлотун. Қонунлар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
3. Арасту. Ахлоқи кабир. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энцеклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2018. -123 б.
4. Кант И.Сочинения в шести томах. - М., 1963-1966. - Т.4.
5. Утилитаризм. Философская энциклопедия. https: // dic.academic.ru / dic.nsf/ enc_philosophy.
6. Солкина П.А. Социальные нормы и их реализация в жизни общества (социально-философский анализ). Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.ф.н. - Красноярск, 2012.
7. Солкина П.А. Социальные нормы и их реализация в жизни общества (социально-философский анализ). Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.ф.н. - Красноярск, 2012.
8. Дюркгейм Э. Самоубийство: Социологический этюд/Пер, с фр. с сокр.; Под ред. В.А.Базарова. - М.: Мысль, 1994. - 399 с.
9. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). - Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. - Б.28.
10.Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). - Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. - Б.48.
11.Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқий тушунчалар, истиқболдаги режалар. http://www.ijtimoiy-fikr.uz/uz/tadqiqotlar/tadqiqotlar_2917/amaliy_tadqiqotlar
12.Молодёжь Центральной Азии. Узбекистан: На основе социологического опроса. Под научным руководством проф. Клауса Хурельмана и Пэра Тешендорфа (Германия, Берлин). Алматы, 2016.
13.Жаҳон қадриятлари бўйича халқаро WVS ташкилоти тадқиқоти. 6-тўлқин.http:// www.worldvaluessurvey.org/WVSDocumentationWV6.jsp
14.Жаҳон қадриятлари бўйича халқаро WVS ташкилоти тадқиқоти. 6-тўлқин. http:// www.worldvaluessurvey.org/WVSDocumentationWV6.jsp
15.Жаҳон қадриятлари бўйича халқаро WVS ташкилоти тадқиқоти. 6-тўлқин. http:// www.worldvaluessurvey.org/WVSDocumentationWV6.jsp
16.История западной социологии (классический период): учебное пособие для бакалавров / А.В.Овсянников. https://studfiles. Net /preview /6272563/page:6/.
17.Социологическийсловарь / Отв.ред.: акад. Г.В.Осипов, д.ф.н., проф.Л.Н.Москвичев. - М.: Изд. НОРМА, 2008. - С.150.
18.Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б.58.
19.Мертон Р. Социальная структура и аномия // Социс. - 1992, № 2-3-4.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Камилов Фарход Облакулович,
Республика болалар ижтимоий мослашуви
маркази, бош мутахассиси
e-mail: bekkomilov@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

For citation: *Kamilov Farhod, Social and legal guarantees on protection of disabled children in Uzbekistan. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 55-63*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-6

АННАТОЦИЯ

Мақолада ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларига аҳамият берилган. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида илмий изланишлар олиб борган хорижлик ва юртимиз олимларининг илмий ишлари акс этган адабиётларга шарҳ бериб ўтилган. Шунингдек, статистик маълумотлар, ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари билан ўтказилган суҳбатлардан олинган хулосалар ўрин олган. Ногиронлиги бўлган болаларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари ёритилган. Жумладан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари, улар учун яратилган имтиёзлар ва ижтимоий хизматлар бўйича миллий қонунчилик атрофлича таҳлил этилган.

Муаллиф мақолада ўрганилган муаммони таҳлил қилиш давомида ногиронлиги бўлган болалар хайрия объекти эмас, балки уларни жамиятга уйғунлаштириш, реабилитация қилиш, жамиятда турли хил баръерларни енгиб ўтишда кўмаклашиш заруриятини асослаб берган. Ўзбекистоннинг янги тараққиёти босқичида ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган болалар, инклюзив таълим, ногиронлиги бўлган болалар ҳуқуқлари, ижтимоий-ҳуқуқий кафолат, миллий қонунчилик,

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам, ижтимоий иш, кейс-менежмент, реабилитация, ижтимоий хизмат.

Камилов Фарход Облакулович,
Главный специалист, Республиканского центра
социальной адаптации детей
e-mail: bekkomilov@mail.ru

СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ГАРАНТИИ ЗАЩИТЫ ДЕТЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ЗДОРОВЬЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье придается значение приоритетным направлениям государственной социальной политики по обеспечению прав и законных интересов детей с ограниченными возможностями здоровья, их социальной защите. Прокомментированы публикации, опубликованные зарубежными и юридическими учеными, которые получили научные исследования в области социальной защиты инвалидов. Также были получены статистические данные, выводы из бесед с родителями детей-инвалидов. Предусмотрены социальные и правовые гарантии защиты детей-инвалидов. В частности, подробно проанализированы основные направления социальной защиты детей-инвалидов, создаваемые для них льготы и национальное законодательство о социальных услугах.

В ходе анализа исследуемой в статье проблемы автор обосновал не только как объект благотворительности детей с ограниченными возможностями здоровья, но и как необходимость гармонизации их в обществе, реабилитации, помощи в преодолении различных типов барьеров в обществе. На новом этапе развития Узбекистана были сформулированы предложения и рекомендации по реформам, проводимым в направлении оказания социально-правовой помощи детям-инвалидам, существующим проблемам и их решению.

Ключевые слова: дети с инвалидностью, инклюзивное образование, права детей с ограниченными возможностями, социально-правовая помощь, национальное законодательство, социальная правовая помощь, социальная работа, кейс-менеджмент, реабилитация, социальные услуги.

Kamilov Farhod Oblakulovich,
Chief Specialist of the Republican Center for Social Adaptation of Children
e-mail: bekkomilov@mail.ru

SOCIAL AND LEGAL GUARANTEES OF PROTECTION OF CHILDREN WITH DISABILITIES IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article attaches importance to the priority areas of state social policy to ensure the rights and legitimate interests of children with disabilities, their social protection. Commented on publications published by foreign and legal scholars who received

scientific research in the field of social protection of persons with disabilities. Also, statistics were obtained, conclusions from conversations with parents of children with disabilities. Social and legal guarantees for the protection of children with disabilities are provided. In particular, the main directions of social protection of children with disabilities, the benefits created for them and the national legislation on social services are analyzed in detail.

In the analysis of the problems investigated in the article, the author substantiated not only as an object of charity for children with disabilities, but also as the need to harmonize them in society, rehabilitation, and help overcome various types of barriers in society. At a new stage in the development of Uzbekistan, proposals and recommendations were formulated on reforms carried out in the direction of providing social and legal assistance to children with disabilities, existing problems and their solutions.

Keywords: children with disabilities, inclusive education, the rights of children with disabilities, social and legal assistance, national legislation, social legal assistance, social work, case management, rehabilitation, social services.

Замонавий жамиятларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида тарихан шаклланган ижтимоий-маданий меъёр ва қадриятларнинг ўзгаришига, турмуш тарзи, кундалик ҳаёт ва меҳнат фаолияти, турли гуруҳлар ва қатламларнинг мавқеи ва мақомига ўз таъсирини ўтказмоқда. Одатда бу каби ўзгаришлар ва бурилишлар аҳолининг ижтимоий ожиз қатламлари, жумладан ногиронлиги бор кишилар ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-физиологик ҳолатида кескин акс-садо беради.

Ҳозирда ногиронлик ёки инвалидлик (лот - invalidus - сўзма-сўз "кучли эмас") инсоннинг ҳаётий фаолиятини жисмоний, ақлий, сенсорли ёки руҳий оғишлар натижасида чекланганлигини англатади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Уставига кўра соғлиқ инсоннинг бош ҳуқуқларидан бири бўлиб, - у нафақат касаллик ва жисмоний нуқсонлардан ҳолилик, балки жисмоний, маънавий ва ижтимоий муваффақият, фаровонлик ҳолатидир [1]. Ижтимоий соғломлик эса - аҳолининг биологик ва ижтимоий омиллар мажмуаси таъсирида шаклланган саломатлиги бўлиб, у мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузилма хусусиятларидан келиб чиқиб меҳнат, маиший, озиқ-овқат, ҳордиқ, таълим ва маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларнинг барқарор фаолияти маҳсулидир.

Ушбу мавзу устида ишлаш зарурияти қуйидаги сабабларга кўра асосланади:

Биринчидан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш назарияси ва концепцияларини тадқиқ ва таҳлил этиш лозимлиги;

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш;

Учинчидан, ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлайдиган, қийин ҳаётий вазиятдан чиқариш учун зарур бўлган ижтимоий ишни ижро хокимияти тизимида функция сифатида шакллантириш;

Тўртинчидан, демократик ва фуқаролик жамияти шароитида ногиронлиги бўлган болаларга турли хил ижтимоий хизматлар кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, қўллаб-қувватлайдиган жамғармалар, расмий ва норасмий гуруҳларнинг замонавий шакллари юзага келиши ҳамда ушбу ташкилотлар фаолиятининг ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоийлашув жараёнига, ҳаётга мослаштириш, ҳаётий малака ва кўникмалари ошиб боришига таъсирини ўрганиш зарурияти;

Бешинчидан, ногиронлиги бўлган болаларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим тизимини такомиллаштириш;

Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини тадқиқ этиш, ногиронлиги бор бўлган фарзанд тарбиялаётган оилалар дуч келадиган қийинчиликлар масаласига бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган бир қанча дунё ва юртимиз олимларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Хорижлик олимлардан М.Н.Гуслова, Д.Гомиен, Д.Вернер, Р.Боровский, Е.В.Кулагина, Е.Р.Ярская-Смирновалар [2,3,4,5,6,7] муаммонинг ҳуқуқий, педагогик, социологик жиҳатларига тўхталиб ўтишган.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш алоҳида чуқур ўрганилмаган бўлсада, М.Халматова, С.Сафаевалар Ўзбекистонда инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари, А.Аллахбердиева бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш, Х.Хусанова Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг тартибга солинишида маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувнинг роли каби масалалар бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганлар. [8,9,10].

Шунингдек, М.Ганиева, Л.Мўминова, В.С.Алимова, Н.М.Латипова, А.А.Абдухалиловлар ўзларининг илмий фаолиятида ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг тиббий, педагогик-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиб берганлар [11, 12,13, 14,15].

Жаҳон тажрибасида ижтимоий ҳимоя тизими - иккита ижтимоий таъминот ва ижтимоий иш механизмидан ташкил топган.

1. Ижтимоий таъминот - давлат томонидан бериладиган пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар) ни ўз ичига олади.

2. Ижтимоий иш - инсонларга шахсий ва ижтимоий қийинчиликларини бартараф этишда қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш, тузатиш, реалибитация орқали ёрдам беришга қаратилган профессионал касбий фаолият ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун ягона мувофиқлаштирувчи орган фаолияти керак бўлиб, у ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ишни самарали амалга ошириш учун қуйи тизимидан бошлаб, барча давлат тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Ушбу орган турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш, турли ташкилотлар томонидан уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий таъминот дастурининг амалга оширилиши ва бошқарилишини мониторинг қилиш учун масъул бўлиши лозим.

Ижтимоий ҳимоя қилишнинг иккинчи қисмига келсак -ижтимоий иш тизими ҳозирги кунда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Ижтимоий иш ходими касби жаҳон амалиётида (Ғарбий Европа ва Америка давлатларида) 100 йилдан ортиқ мобайнида ривожланиб, жамият барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига сифатли ва малакали ижтимоий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда ушбу амалиётнинг "Меҳрибонлик", "Болалар" ва "Мурувват" уйлари фаолиятига жорий этилиши ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланишига ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини

таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида амалга ошириладиган тадбирларнинг асосий мақсади инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган [16].

Ўзбекистонда, ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизга яқини ижтимоий тўловлар ва нафақаларга ажратилади, бу халқаро амалиётга мувофиқ яхши кўрсаткичдир. Давлат бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий ҳаражатларга сарфланади. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-5006-сонли Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сонли Фармонида "Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш хамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" ва "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим вазифа этиб белгиланди. Энг муҳими Президентимизнинг фармони "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"ни ратификация қилиш бўйича узоқ давом этадиган жараённи бошлаб берди. [17].

Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 16 ёшгача бўлган 84900 бола ногиронлиги бўлган инсон сифатида рўйхатдан ўтказилган. 14636 нафар бола ақлий ва жисмоний нуқсонлари бўлган болалар учун махсус мактаб-интернатларда ўз оилалари ва жамиятдан узоқда яшашади. Махсус муассасаларда яшовчи болаларнинг тахминан 90 фоизи ногиронлиги бўлган болалардир [18].

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилган дейишга тўлиқ асосларимиз бор. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига кўра, "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир" (45 модда) деб белгилаб қўйилган. Конституциянинг 65-моддасида, фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, дейилган [19].

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид дастлабки халқаро ҳужжат - "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бу борада тарихий ҳужжат бўлди. Қонуннинг 3-моддасида ".....ногирон бола - жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола" ногиронлиги бўлган болалар деб эътироф этилиши белгилаб берилди. Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, ногиронлиги бўлган болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими

муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эгадирлар [20].

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" ги Қонуннинг 22-моддасига асосан ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга [21].

2008 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ:

- ногирон болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим муассасаларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шу жумладан интернат-уйларда амалга оширилади;
- ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади;

ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлар жамоат бирлашмаларининг корхоналарида таъминланади [22].

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасида 16 ёшга тўлмаган болалар, шунингдек, ногирон ва етим болаларга спорт ҳамда соғломлаштириш хизматлари бепул кўрсатилиши белгилаб қўйилган. [23].

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрсида"ги Қонунининг 23-моддасига мувофиқ, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқиши, уларни тарбиялаш ҳамда даволаниши ташкил этилади [24].

Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 17 июндаги "Таълим муассасаларининг инклюзив таълим олиш учун махсус таълим муассасасидан ногиронлиги бўлган ўқувчиларни бошқа таълим муассасига ёки умумий таълим муассасасига кўчириш тўғрисида"ги 2685-сонли буйруғи қабул қилинди [25].

Ногиронлиги бўлган болалар ва ёшлар ҳаётда ўз қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда муайян фаолият билан машғул бўлиб, жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларида фаол иштирок эта олиши, амалда тенгликни таъминлаш имкониятини инклюзив таълим орқали рўёбга чиқариши мумкин. Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болалар ва ёшларга таълимда ва ижтимоий ҳаётда тўлақонли тенгликни таъминловчи шароитни яратиб беради, бироқ уларнинг муваффақиятга эришиши учун нафақат ўқитувчи, педагог, балки, тенгдошлари, ота-она, оила аъзолари ва бошқаларнинг кўмаги муҳим аҳамият касб этади.

Россиялик педагог олим М.Н.Гуслова бир гуруҳ соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб, оилада тинчлик ва саломатлик бу бир саодат, агар оилада фарзанд саломатлиги билан боғлиқ муаммо юз берса, ота-она мушкул аҳволга тушади. Туғилган болада аниқ физиологик ёки ақлий заифлик бўлса, она

унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни ярата оладиган биринчи инсон ва фақатгина чидам, тушуниш, болага меҳр, муҳаббат билан унга ёрдам бера олади, шу билан биргаликда уни келажакда таълимга йўналтира олади. Лекин, бунинг учун у ўз устида ишлаши ва боласини чуқур ўрганиши зарур. Ота-она тушкунлик ҳолатига тушганда эса, ҳар қандай фаолиятга қисқа муддатга бўлса ҳам қизиқиши сўнади. Одамлардан қочишга, эски қадрдонларидан алоқани узишга ҳаракат қилишади. Айнан шундай ҳолатда оналарга касал бола билан қандай мулоқот қилиш уни бошқариш масаласида ёрдам керак бўлади, деб алоҳида эътироф этади [26].

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг тиббий, ижтимоий-ҳуқуқий, педагогик-психологик, реабилитация хизматларидан фойдаланиб келаётган ота-оналар билан ўтказилган суҳбатларда шу нарса маълум бўлдики, кўплаб ота-оналар ўз фарзандларни уйларидан узоқда бўлган махсус мактабларга жўнатишни истамайдилар, шунинг учун ушбу болаларни ўз яшаш жойидаги мактабда ўқишини ёки уйда таълим беришни маъқул, деб ҳисоблайдилар.

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ва амалиётда дуч келаётган муаммолардан қуйидаги хулоса ва амалий тавсияларни бериб ўтишни лозим деб топдик, жумладан:

Биринчидан, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий ҳимоя секторига масъул бўлган ягона органни ташкил этиш. Турли ижтимоий дастурлар ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириш ҳамда аҳолининг заиф қатламлари учун ижтимоий хизматлардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратади.

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган болаларнинг статистикасини юритувчи, Ягона реестрни ташкил этиш. Ногиронлиги бўлган болалар тўғрисида аниқ статистик маълумотнинг мавжудлиги уларни ҳимоя қилиш учун ажратилаётган маблағларни манзилли ва самарали сарфланишига олиб келади.

Учинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларнинг камситилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш ҳамда оила, жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш бўйича, шу жумладан хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, махсус ижтимоий лавҳалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамиятнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабатини ўзгартириш. Ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик ёки хайрия объекти эмас балки, уларни жамиятга уйғунлаштириш, реабилитация қилиш, жамиятдаги турли хил тўсиқларни бартараф этиш (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан мулоҳаза ва стереотиплар, улар учун мослаштирилган транспортларнинг йўқлиги, ахборот олишнинг йўқлиги, турар жой ва ижтимоий объектларга киришдаги ноқулайликлар) нуқтаи назаридан ёндашиш уларнинг ўз-ўзини баҳолашларини ошиш имконини беради ва уларга тенг ҳуқуқ ҳамда имконият учун куч адо этади.

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий иш амалиётини татбиқ этиш. Профессионал ижтимоий хизмат тизими яратилади. Мавжуд ижтимоий хизмат турлари кенгаяди. Ушбу хизматлар ижтимоий иш амалиётининг кенг тарқалган замонавий технологиялари ҳисобланган "кейс-менежмент" усули асосида амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган болалар билан қисқа муддатли чора-тадбир кўриш эмас, балки уларни ва оила аъзоларини қийин ҳаётий вазиятдан чиқаришга, нормал ҳаётга қайтишини таъминлашга эришилади. Ногиронлиги бўлган болаларнинг институционал муассасаларга тушишининг олди

олинади.

Бешинчидан, ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан мунтазам ишлаш, уларнинг болалар ҳуқуқ ва имтиёзлари бўйича билимларини ошириб бориш. Ногиронлиги бўлган болалар учун давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш. Ногиронлиги бўлган болалар ота-онларининг болани парвариш қилиш ва тарбиялаш, бундай болалар учун давлат томонидан берилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан хабардорлиги оширилади. Ногиронлиги бўлган болалар эрта босқичда, эҳтимол туғилганидан бошлаб, реабилитация қилинса, бунинг самараси 70-80% гача кўтарилиши мумкин. Бу нафақат ногиронликни енгиллаштиради, балки боланинг ижтимоий интеграциясини ҳам таъминлайди.

Хулоса шундан иборатки, жамият ногиронлиги бўлган болаларга ачиниш кўзи билан эмас, аксинча асосий эътиборини уларнинг ҳуқуқларига қаратиши керак. Шундагина, уларни жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида кўриш мумкин бўлади ва ижтимоий мослашувига ёрдам беради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. http://www.who.int/features/factfiles/disability/ru/

2. Гуслова М.Н. Методика и организация социально-культурной деятельности с семьей детей с ограниченными возможностими. / Дис. ... канд. пед. наук. - М.: МГУ, 2002. - 267 с.

3. Путеводитель по Европейской Конвенции о защите прав человека / Д. Гомиен. - Осло: Изд-во Совета Европы, 2000.

4. Вернер Д. Реабилитация детей-инвалидов. - М., 2000.

5. Боровский Р. Теория и практика социальной защиты детей-инвалидов в Польше / Р.Боровский.- Дис □ докт.пед.наук. - Ярославль, 2002.

6. Кулагина Е.В. Образование детей с ограниченными возможностями здоровья. Опыт коррекционных и интеграционных школ // Социологические исследования. 2009. № 2. - С. 107-116.

7. Ярская-Смирнова Е.Р. Социальная работа с инвалидами /Саратов СГТУ, 2003.

8. Халматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - 132 б.

9. Аллахбердиева А. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш // Ўзбекистоннинг иқтисодий Ахборотномаси. - Тошкент, 2001. - №10-11. - Б. 36-40.

10. Хусанова Х. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг тартибга ñîëèí èø èäà ì àµàëëèé ´çèí è-´çè áîø ³ àðóâí èí ãðîëè: Ñî ö. ô àí ëàðè í î ì ç. äèñ. … автореф. - Самарқанд:, 2009. - 13 б.

11. Ганиева М.Х. Формы и методы социальной работы с детьми с ограниченными возможностями здоровья / Материалы международная конференция "Социальная защита детей в Узбекистане:передовой отечественный и зарбужный опыт" Тошкент-2018, 42 б.

12. Муминова Л.Р. Имконияти чекланган болалар билан ўтказиладиган психологик коррекциянинг аҳамияти / Материалы международной конференции "Социальная инклюзия: новые ориентиры социализации детей". - Тошкент, 2017. - 151 б.

13. Алимова. В.С Модернизация системы социальной защиты уязвимых групп детей. Материалы международная конференция "Социальная защита детей в Узбекистане: передовой отечественный и зарбужный опыт". - Тошкент, 2018. - 18 б.

14. Латипова Н.М. Компетентность в профессиональной деятельности социальных работников, работающих в системе социальной защиты детей. Материалы международной конференции "Социальная инклюзия: новые ориентиры социализации детей". - Тошкент, 2017. - 124 б.

15. Абдухалилов А.А. Вопросы совершенствования социальной защиты лиц с инвалидностью в процессе государственного управления / Материалы международной конференции "Социальная защита детей в Узбекистане: передовой отечественный и зарбужный опыт". - Тошкент-2018. - 20 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сонли Фармони.

18. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар ва катталар аҳволининг таҳлили (қисқача ҳисобот) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Ваколотхонаси. 2019 йил.

19. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

20. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.

21. "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда.

22. "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 487-модда.

23. "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 76-II-сон.

24. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997., 9-сон, 225-модда.

25. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 17 июндаги "Таълим муассасаларининг инклюзив таълим олиш учун махсус таълим муассасасидан ногиронлиги бўлган ўқувчиларни бошқа таълим муассасига ёки умумий таълим муассасасига кўчириш тўғрисида"ги 2685-сонли буйруғи. 14-мҳ-сон. - Тошкент, 2015.

26. Гуслова М.Н. Методика и организация социально-культурной деятельности с семьей детей с ограниченными возможностими. / Дис. ... канд. пед. наук. - М.: МГУ, 2002. - 267 с.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Қаюмов Қаҳрамон Нозимжонович,
Ўзбекистон Миллий университети
"Ижтимоий иш" кафедраси катта ўқитувчиси
e-mail: nqayumov@inbox.ru

КИЧИК ШАҲАРЛАР ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ БОШҚАРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

For citation: *Kahramon Nozimjonvich Kayumov, THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF MANAGEMENT AND DEVELOPMENT OF SOCIAL INFRASTRUCTURE OF SMALL TOWNS. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 64-72*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-7

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асосларининг ёритишга аҳамият берилган. Мақолада кичик шаҳарларни ўрганиш, шу билан бирга уларни жамият ривожидаги ўрни ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олиш, аҳоли турмуш даражасанинг яхшилаш, ер ислоҳоти, уй-жой сиёсатини барқарорлаштириш, бу ҳудудларни транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминлаш, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган давлат сиёсатини ривожлантириш каби долзарб масалалардан ҳисобланиши таҳлил қилинган.

Мақолада кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш механизмлари борасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, илмий-амалий хулосалардан давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, тижорат тузилмалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган сиёсий партиялар ва тижорат вакиллари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик ривожига бағишланган мақсадли дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган.

Таянч сўзлар: кичик шаҳар, инфратузилма, ўрта даромад, стратегия, фармон, устувор, агентлик, кичик бизнес, ижтимоий хизмат, кредитлаш.

Каюмов Кахрамон Нозимжонович,
Старший преподаватель кафедры "Социальная работа"
Национального университета Узбекистана
e-mail: nqayumov@inbox.ru

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ МАЛЫХ ГОРОДОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье уделено внимание освещению теоретико-методологических основ исследования проблемы управления и развития социальной инфраструктуры малых городов. В статье анализировались такие актуальные вопросы, как изучение малых городов, в том числе их роль в развитии общества и предотвращение возникновения социально-экономических проблем, улучшение уровня жизни населения, земельная реформа, стабилизация жилищной политики, обеспечение этих территорий транспортной и социальной инфраструктурой, развитие государственной политики, направленной на строительство доступного жилья для семей с низким и средним доходом.

В статье дается заключение о возможности использования представленных рекомендаций в механизмах управления и развития социальной инфраструктуры малых городов, научно-практических выводов в деятельности государственных органов, общественных организаций, коммерческих структур, органов самоуправления, в разработке целевых программ, направленных на развитие социального сотрудничества между политическими партиями и коммерческими представителями, направленных на обеспечение и укрепление социально-политической стабильности общества.

Ключевые слова: малый город, инфраструктура, средний доход, стратегия, указ, устойчивый, агентство, малый бизнес, социальные услуги, кредитование.

Kahramon Nozimjonvich Kayumov
The National University of Uzbekistan
Senior lecturer department of "Social work"
e-mail: nqayumov@inbox.ru

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF MANAGEMENT AND DEVELOPMENT OF SOCIAL INFRASTRUCTURE OF SMALL TOWNS

ANNOTATION

This article focuses on the theoretical and methodological foundations of the study of problems of management and development of social infrastructure of small towns. The article analyzes such topical issues as the study of small towns, including their role in

the development of society and the prevention of socio-economic problems, improving the living standards of the population, land reform, stabilization of housing policy, providing these areas with transport and social infrastructure, the development of public policy aimed at the construction of affordable housing for families with low and middle incomes.

Final conclusion on learning the ideas and scientifically-practical outcomes that put forward for governing and development mechanisms of social infrastructures in towns, government agencies , public organizations, business corporations political parties involved in keeping and strengthening socio-political stability of the society within the self-governing organizations, social relations among commercial representatives has been given in this article.

Key words: town, infrastructure, middle income, strategy, decree, sustainable, agency, small business, social service, crediting.

Мустақиллик йилларида республикада кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим асоси бўлган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Хусусан, кичик шаҳарлар иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи саноат корхоналари ҳудудий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилди. Йирик шаҳарлар каби кичик шаҳарларда ҳам мавжуд корхоналар асосида қўшма корхоналар ва янги қувватлар барпо этилди. Айни вақтда кичик шаҳарларда аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначиликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда ўзининг ривожланишдаги янги босқичини бошлади. Жамиятимизнинг турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар бунинг яққол тасдиғидир. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт, қурилиш, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳалардаги амалга оширилаётган амалий ишларни келтириш мумкин. Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевни қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: "Шундай давр бошландики, энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси - ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат" [1]. Демак, барчамиз ўз вазифамизни масъулият билан бажаришимиз, ватанимиз тараққиётига сидқидилдан ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан олиб қаргандан, кичик шаҳарлар ривожланишида ҳар биримизнинг ҳиссамиз мавжуд. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"нинг учинчи устувор йўналиши "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш" бўлиб, унда қуйидаги ишлар амалга оширилишига ўз эътиборимизни қаратамиз [2].

Яъни, ушбу устувор йўналишнинг 3.5-банди "Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва муносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш" деб номланиб, унда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хом-ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали

фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвеститцияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш масалалари қўйилган.

Юқоридан вазифалардан маълум бўладики, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантириш суръатларини таъминловчи янги инструментлар ва механизмлар янада кенгроқ қўлланилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, дунё миқёсидаги мураккаб ўзгаришлар шароитида кичик шаҳарларининг ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш, бунинг учун, аввало жамият ҳаётида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ер ислоҳоти, уй-жой сиёсатини барқарорлаштириш, бу ҳудудларни транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминлаш, ипотекани кредитлаш тизимини арзонлаштириш, турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга хорижий инвестициялар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган давлат сиёсатини ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш, мамлакат аҳолисининг урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқиш" [3] каби чора-тадбирлар илгари сурилган эди.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг аҳоли пунктлари бўйича Дастури (UN Habitat) ҳисоботига кўра, 2030 йилга бориб ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 80 фоизи тўғри келадиган шаҳарларда истиқомат қилади. Ҳозирги даврда эса сайёрамиз аҳолисининг бешдан бир қисми глобал ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизи тўғри келадиган 600 та шаҳарда истиқомат қилмоқда. Агар 1800 йилда дунё аҳолисининг атиги 2 % гина шаҳарларда истиқомат қилгани ҳисобга олинадиган бўлса, бугунги кунда ер шари аҳолисининг 4 миллиарддан кўпроқ қисми шаҳарларда яшамоқда. Шу боисдан, жаҳон миқёсида шаҳарлар салоҳиятидан фойдаланиш ва инфратузилма, энергия манбалари, коммуникация тармоқларини ривожлантириш, шаҳарсозлик, инновацион технологиялар, экологик тоза ва иқтисодий тараққий этган, шу билан бирга, аҳоли бандлиги таъминланган шаҳарларни кўпайтириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки, EDCF Фонди, Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, Франция тараққиёт агентлиги, Европа ҳамкорлик комиссиялари фаолияти устувор аҳамият касб этмоқда [4]. Ҳатто Ўзбекистон Республикасини

янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида "...атроф-муҳитга, соғлиққа ва ахолининг генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш..." [5] бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Шаҳарлар ўз тоифасига кўра кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларга бўлинади. Мамлакатимизда 2 та республикага бўйсунувчи шаҳар бор: Тошкент ва Нукус. Вилоят даражасидаги шаҳар ва шаҳарчалар 30 мингдан ортиқ. 7 мингдан зиёд шаҳар ва шаҳарчалар эса туман даражасидаги шаҳарлар ҳисобланади. Ўзбекистонда йирик шаҳарлар деярли йўқ десак янглишмаган бўламиз. Сабаблари - охирги пайтларда мақсадли урбанизация дастури бўлмаганлиги учун шаҳарларга эътибор анча камайган эди. Ўзбекистонда кичик шаҳарлар билан посёлкалар сони тобора кўпайиб кетганлиги боис урбанизация жараёни суст кечмоқда. Шунинг билан бир қаторда, Т.Аҳмедов тўғри таъкидлаганидек, "Шаҳарларни комплекс ва барқарор ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли урбанизация сиёсати мавжуд эмас. Шаҳарсозлик соҳасида ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар ва меъёрий-ҳуқуқий база замон талабларига мос келмайди. Саноат ва инфратузилма объектлари барқарор ривожланишини таъминлаш учун маҳаллий молиявий ресурслар ва шаҳар ҳокимликлари ваколатлари чекланган. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида юқори малакали мутахассислар ва ишчилар етишмайди. Ҳар бир шаҳар бўйича узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларининг мавжуд эмаслиги, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шаҳар аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинмаслиги, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш чоғида алоҳида тоифадаги шаҳарлар учун хос бўлган хусусиятлар етарлича ҳисобга олинмаслиги, шаҳарлар, айниқса, катта ва йирик шаҳарлар аҳолиси сонини ҳисобга олиш бўйича статистик ҳисоботларда хатоликларнинг борлиги ҳам ушбу омиллар қаторига киради" [6].

Бугунги бозор муносабатлари шаротида кичик шаҳарлар тизимига янги талабларни қўйиш билан бир қаторда уларнинг ўз-ўзини бошқарувчи тизим сифатидаги мустақил фаолиятини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Чунки бундай ижтимоий-иқтисодий муносабат давлат томонидан тартибга солинадиган, аслида ўзи мустақил ривожланадиган талаб ва таклиф қонунига асосланади. Ушбу қонуният кичик шаҳарлар тизимини ислоҳ қилишда ҳам устувор ўринни эгаллайди. Чунончи, кичик шаҳарларда ташкил этилган қулай инвестиция муҳити ишлаб чиқариш объектларининг шаклланишига замин яратиб, аҳоли, ишчи кучининг марказлашувига, аҳолининг турмуш даражасини яхшиланиши эса, ўз навбатида, бу ҳудудларда ҳам ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига олиб келади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, мамлакатимизда мавжуд 119 та шаҳарнинг 81 таси кичик шаҳарлар тоифасига киради. Бундан маълум бўладики, кичик шаҳарларда содир бўлган барча ҳодиса ва ҳолат Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий қисмига таъсир қилади. Масалан, мамлакатимизнинг аксарият кичик шаҳарларида миграция жараёнларининг салбий кўрсаткичларга эгалиги, кўплаб меҳнатга лаёқатли аҳолини айниқса ёшларни иш излаб хорижий давлатларга кетиши маълум даражада уларнинг доимий иш билан таъминланмаганлиги оқибати сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, бунинг олдини олиш бўйича муҳим чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларни тезлик билан амалиётга жорий қилиш муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда, жамиятда бир қанча бошқа ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва хатто маданий-ахлоқий муаммолар тобора ошиб бораверади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, кичик шаҳарлар асосий савдо бозорларидан

йироқда бўлиб, жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада аниқроқ ҳис қилиш имконини беради. Яъни, кичик шаҳарлардаги туб ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига таъсир қилади. Олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда мавжуд кичик шаҳарларда ишсизлик даражаси қишлоқлардагига нисбатан юқори кўрсатгични намоён этмоқда. Айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминланганлик даражаси, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат турлари йўлга қўйилиши ва бошқарувдаги муаммолар туфайли кичик шаҳарларни ривожлантириш анча қийин кечмоқда [7]. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бугунги кунда, бизнингча, кичик шаҳарлар ривожланишини қуйидаги мезонлар орқали тасвирлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг марказида кичик шаҳар аҳолиси ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш;

иккинчидан, кичик шаҳарлар тараққиётини атроф муҳит муҳофазаси масаласи билан узвийликда ривожлантириш;

учинчидан, кичик шаҳарларнинг функционал тузулмалари ва уларнинг аҳолиси эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини янги талаблар асосида бунёд этиш;

тўртинчидан, шаҳарларни типологик бирлигига мувофиқ муҳим инвестицияларни жалб қилиш ва хорижлик сармоядорлар билан қўшма корхоналарни ташкил этиш;

бешинчидан, кичик шаҳарлар классификацияси ва типологиясини такомиллаштиришда ишлаб чиқариш ва хизматларнинг бозор йуналишида замонавий ихтисослашув талабларига алоҳида эътибор қаратиш, шулар жумласидандир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон чуқур ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Бу бутун жамиятга ҳам, унинг алоҳида турли жабҳаларига, шу жумладан, кичик шаҳарлар ривожланишига ҳам таъсир қилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз ижтимоий воқелигидаги ўзгаришларнинг социологик таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаш, ушбу туманларда аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжаликларини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун янги "старт-ап" лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва лизинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш орқали аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишда мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш тобора долзарб аҳамиятга эга. Бу айни шу йўналишдаги муаммоларни социологик тадқиқотлар доирасида батафсил тадқиқ қилиш заруратини юзага келтиради.

Кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси муаммоси XIX-асрнинг ўрталаридан бери илмий қизиқиш объекти бўлиб келмоқда. Кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини бошқариш муаммоларини ўрганиш натижалари Р.Парк, М.Вебер, Э.Дюркгейм, П.Сорокин каби Fарб социолог олимлари асарларида келтирилган [8,9,10,11,12]. Мазкур олимлар кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ўртасида қарама-қаршиликларни аниқлаш, ижтимоий ривожланишни иқтисодий ўсишга

таъсири, кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларига боғлиқлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар. Бизнинг назаримизда, кичик шаҳарлардаги ижтимоий инфратузилма объектлари кўпинча ўз-ўзидан ривожланади, уларни бошқаришда комплекс ёндашув мавжуд эмас. Ўз-ўзидан пайдо бўлган бозор шароитида ижтимоий институтлар нотекис ривожланади. Умуман кичик шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожланиш даражаси ва ижтимоий инфратузилма элементларининг мувозанат ва оқилона тақсимланиш даражаси билан ҳарактерланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида эса кичик шаҳарларининг ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш муаммолари Ҳ.А.Аитов, Г.МЛаппо ва бошқа тадқиқотчилар ишларида ўз ифодасини топган. Ушбу муаллифлар кичик шаҳарлардаги ижтимоий инфратузилма объектларида мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ижтимоий менежмент ва режалаштириш методологиясини ишлаб чиқиш ва жамиятдаги ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича амалий тажрибани умумлаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, улар Россия Федерацияси мисолида ижтимоий инфратузилмани инсон ҳаётини фаровонлаштиришдаги ўрни, меҳнат, ижтимоий, маданий, оилавий ва маиший фаолиятни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ҳақида муҳим илмий-концептуал қарашларни илгари сурганлар [13,14].

Кичик шаҳардаги ҳаёт ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни, кичик шаҳарларда ривожланиш динамикаси нисбатан кичик ўлчамларда ўрнатилади. Шу билан бирга, кичик шаҳарларда ҳаёт даражаси паст, ишга жойлашиш ва касб танлаш имконияти кам, натижада аҳоли (биринчи навбатда, ёшлар) катта шаҳарларга чиқиб иш топишга ҳаракат қиладилар. Кичик шаҳарларда йирик корхоналарни қуриш сармоядорлар учун фойдали эмас. Яъни, кичик шаҳарларда зарур инфратузилма, йўллар, электр энергияси ва бошқа шароитлар етарли даражада мавжуд эмас. Кичик шаҳарларда аҳолининг ўртача даромадлари пастлиги - унинг тўлов қобилияти пастлигини англатади, бу эса ўз навбатида кичик бизнесни, айниқса, ижтимоий хизматлар соҳасини билвосита ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизни барча ҳудудларида катта ва кичик шаҳарлар ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлаши зарур. Бу ишларни мавжуд ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш, турли даражадаги иқтисодий кластерларини ривожлантириш, савдо ва хизмат кўрсатиш кооперативларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш соҳасида инновацияларни ўзлаштириш ҳамда кичик шаҳарлар иқтисодиётини диверсификация қилиш ҳисобидан амалга ошириш мумкин бўлади.

Бизнинг назаримизда, бугунги кунда кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантиришда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

кичик шаҳарлар тизимида аҳолини соғлигини сақлаш мақсадида ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта тизимини замонавий талаблар асосида шакллантириш ва бу жараёнда давлат-хусусий аралаш моделини жорий қилиш, айниқса, хусусий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолини кам таъминланган қатламини давлат томонидан жиддий эътибор қаратилиши эътиборга молик;

кичик шаҳарлар тизимида ижтимоий сиёсатни янада фаоллаштиришда инсон капиталини алоҳида ҳисобга олиш, хусусий хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар фаолиятини мунтазам рағбатлантириб бориш, барча учун бир хил бепул давлат

таълимини сақлаб қолиш билан бир қаторда бу тизимни жаҳон таълим тизими талаблари даражасига олиб чиқиш, юқори малакали ишчи кучларини экспорт қилиш муҳим аҳамиятга эга;

кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантиришнинг интеллектуал ва маданий омилларига алоҳида эътибор қаратиш, бунинг учун интеллектуал хизматларни жонлантириш, ёш авлодни санъат ва ижодга бўлган юқори даражадаги талабларини мунтазам ҳисобга олиб иш тутиш ва бу йўналишда мамлакатнинг миллий брендини шакллантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади;

кичик шаҳарлар тизимида экология соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишда давлат чеклов чораларини ошириш ва аҳоли эътиборини экологияга қаратиш ҳисобидан йиғиладиган маблағларни рационал йўл билан ошириш йўлларини излаш ва табиатдан асраб-авайлашга қаратилган ҳаракатлар, турли даражадаги лойиҳаларни жорий қилиш, бу соҳага ҳам илм-фан, технология ва инновацияларни мунтазам жалб қилиш долзарб аҳамиятга эга;

халқаро компаниялар ва мутахассисларни жалб қилиш орқали Ўзбекистонда кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантириш мақсадида инновацион марказларни яратиш ва ривожлантириш, мавжуд инфратузилмани замонавийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш тизимини маҳаллийлаштириш сиёсатини мунтазам йўлга қўйиш, капитал амнистияси, солиқ ислоҳотларини амалга ошириш, давлат-хусусий шерикчиликни янги босқичга олиб чиқиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, бу кичик шаҳарларни бошқариш ва ривожлантириш учун асос вазифасини бажариб, жамият ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Кичик шаҳарларнинг ривожланиши маънавий, маданий ва сиёсий ҳаётимизга балки ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, мамлакатнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январъ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 104-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"// (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // https://president.uz/uz/lists/view/2228.

4. https://kun.uz/82261211

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

стратегияси" Фармони.

6. http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/62940-urbanizatsiya-taraqqiyot-lokomotivi.

7. https://www.xabar.uz/jamiyat/investorlarni-toshkentning-markazlari.

8. Парк Р. Город как социальная лаборатория // Социологическая теория: история, современность, перспективы. - СПБ: Владимир Даль, 2008. - С. 31.

9. Вебер М. Город // Избранное. Образ общества.: Пер. с нем. - М.: Юрист, 1994.- С. 309-446.

10.Вебер М. Избранные произведения. - М.: Прогресс. 1990. - С.389-390.

11.Дюркгейм Э. О разделении общественного труда / пер. с фр. А.Б. Гофмана, примечания В.В. Сапова. - М.: Канон, 1996. - 332 с.;

12.Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: Политиздат, 1992. - С. 295-424.

13.Аитов Н.А., Говако Б.И., Игебаева Ф.А. Город. Население. Трудовые ресурсы. - Уфа: Башкирское книжное изд-во, 1982. - С.176 - 144.

14.Лаппо Г.М. Проблемы малых городов. - М.: Экономика, 1967.- С. 170-186.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Махкамов Қодиржон Одилжонович,
Наманган давлат университети,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори, катта ўқитувчиси
e-mail: maxkamov_82@mail.ru

ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАРИХИЙ ОНГНИНГ ЎРНИ

For citation: *Maxkamov Qodirjon, The role of historical consciousness in the development of society. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 73-84*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-8

АННОТАЦИЯ

Глобал мафкуравий таҳдидлар кучайган ҳозирги даврда кишиларда, айниқса, ўқувчи ёшларда тарихий онгни шакллантириб ва муттасил ривожлантириш, бегона мафкура ва ғоялар қарши тура оладиган онгини шакллантириш ва жамиятнинг маънавий тараққий этишида тарихий онг ва тарихий хотира муҳим ўрин тутиши хақида муаллиф ифодалаган.

Мақолада тарихий онг, тарихий хотира тушунчаларинг жамият маънавий ҳаётининг ривожлантиришдаги ўрни илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, муайян геосиёсий кучлар томонидан тарихдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка рахна солишга бўлган уринишларига қарши тураладиган маънавий иммунитетни шакллантиришда тарихий онгни аҳамияти ёритиб берилган. Шу ўринда, ёшлар қалбида ўтмиш қаҳрамонларига ҳавас, миллий ғурур туйғуларини уйғотиш учун музей экспозициялари, театрлаштирилган кўргазма ва фестивалларда тарихни жонлантириб кўрсатишни ташкил этиш. Бу тадбир юртимизга туристлар оқимининг ортишига ҳам хизмат қилиши хақида муаллиф таклифи билдирган.

Калит сўзлар: тарих, ватан, тарихий маданият, дунёқараш, хотира, глобаллашув, қадрият, ватанпарварлик, миллийлик, анъана.

Махкамов Кадиржан Одилжанович,
доктор философских наук по социологии, старший преподаватель
Наманганского государственного университета
e-mail: maxkamov_82@mail.ru

РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ В ДУХОВНОМ РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

Глобальные идеологические угрозы высказываются автором по поводу формирования и абсолютного развития исторического сознания у людей современности, особенно у читательской молодежи, формирования сознания, способного противостоять чуждым идеологиям и идеям, и важной роли исторического сознания и исторической памяти в духовном развитии общества.

В статье научно анализируется роль понятий исторического сознания, исторической памяти в развитии духовной жизни общества. Также была подчеркнута важность исторического сознания в формировании духовного иммунитета, который противостоит попыткам определенных геополитических держав унизить благородные традиции, живущие из истории, фальсифицировать историю и подорвать преемственность между молодежью и взрослым поколением. В связи с этим в сердцах молодежи пробуждается энтузиазм к героям прошлого, чувство национальной гордости, организуются музейные экспозиции, театральные раритеты и оживление истории на праздничных мероприятиях. Автор предположил, что это мероприятие послужит увеличению потока туристов в нашу страну.

Ключевые слова: история, родина, историческая культура, историческое сознание, мировоззрение, память, глобализация, ценности, патриотизм, традиция.

Maxkamov Qadirjon Odiljonovich,
PhD, Senior lecturer at Namangan State University
e-mail: maxkamov_82@mail.ru

THE ROLE OF HISTORICAL CONSCIOUSNESS IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF SOCIETY

ANNOTATION

Global ideological threats are expressed by the author about the formation and absolute development of historical consciousness in people of the present time, especially in the reader's youth, the formation of consciousness capable of confronting alien ideologies and ideas, and the important role of historical consciousness and historical memory in the spiritual development of society.

The article scientifically analyzes the role of concepts of historical consciousness, historical memory in the development of the spiritual life of society. Also, the importance of historical consciousness in the formation of spiritual immunity, which is opposed to attempts by certain geopolitical powers to humiliate the noble traditions that live from history, falsify history and undermine the succession between young people and adults, has been highlighted. In this regard, in the hearts of young people to arouse enthusiasm for the heroes of the past, feelings of national pride, organize Museum expositions, theatrical curiosities and revitalization of history in festivities. The author suggested that this event will serve to increase the flow of tourists to our country.

Keywords: history, homeland, historical culture, historical consciousness, worldview, memory, globalization, values, patriotism, tradition.

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган, ғоявий тазйиқ ва мафкуравий хуружларнинг янгидан-янги воситалари ишга солинаётган ҳозирги даврда миллий ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган халқларнинг ўз тарихий илдизларига таяниш тенденцияси тобора яққол тус олмоқда. Анъанавий қадриятларни асраб-авайлаш, фуқароларда ҳуррият руҳини ривожлантириш - давлат суверенитети ва миллий идентикликнинг ишончли кафолоти, деб қаралмоқда. Шу боисдан ҳам миллий ўзликни англаш масаласига бўлган сиёсат ҳар қандай даврда ўзининг долзарблигини йўқотмайди.

Бутун дунёда тарихий онг феноменини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда ёшлар тарихий онгини ривожлантириб боришга бўлган қизиқиш борган сайин кучаймоқда. Миллий мансублик туйғусини ривожлантиришда тарихий онгнинг устувор аҳамиятини аниқлаш, ёшларнинг тарихий тафаккурини янги ахборот технологиялари асосида шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш, тарихий онг тараққиётини ифодалайдиган ижтимоий-маданий жиҳатлар (тарихий нарративлик)ни тадқиқ этиш, ёшлар тарихий онгини ривожлантиришда меъморий обидаларнинг ўрнини ўрганиш сингари бир қатор инновацион ёндашувлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон келажаги бўлган баркамол авлодни "Ватан тарихига ҳурмат", "тарихий хотира", "тарихий баҳо", "тарихий ифтихор" тушунчалари руҳида тарбиялаш учун ёшларга буюк меросимизга доир билимлар беришни юқори савияга кўтариш, барча босқичдаги таълим тизимида ўқувчи ёшлар тарихий онгини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятининг ташкил этилганлиги, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эътибор кучайиб бораётганлиги, буюк мутафаккирлар илмий ижодини тадқиқ этувчи халқаро илмий-тадқиқот марказларини тузиш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар томонлама етук, ватанпарвар авлодни тарбиялаш мақсадига қаратилгандир. "Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш"[1] муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчилар тарихий онгини ривожлантириш, унинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ва шахс тарбияси тизимидаги ролини ривожлантириб бориш амалий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон, "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон фармон ва қарорлари мазмун моҳиятида ёшларни ватанга мухаббат, миллий ғурур, ифтиҳор туйғуларини ривожлантириш ётади [2].

Жамиятнинг маънавий тараққий этишида тарихий онг ва тарихий хотира муҳим ўрин тутади. "Тарихий онг" тушунчасига илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда кўплаб таърифлар берилган. Масалан, Р.Абдуллаев мазкур тушунчани қуйидагича таърифлаган: "Илм-фанда тарихий онг деганда, одатда, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халқлар, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар ҳақида, ўз тарихининг бошқа кишилик

жамоалари ва умуман башарият ҳамжамияти тарихи билан нисбати ҳақидаги қарашлар, анъаналар, удумлар, одатлар, концепциялар мужассами тушунилади"[3, - Б.6].

Тарихчи Д.Абдуллажанова "Тарихий онг ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир"деб таърифлайди [4, - Б.83]. Ўйлашимизча, тарихий онгни ҳар бир ижтимоий онг шаклига, умуман, ижтимоий соҳаларнинг барчасига хос компонент дейиш тўғри бўлади, зеро фан ва динда ҳам, фалсафа ва санъатда ҳам, ахлоқ ва ҳуқуқда ҳам ўз тарихи, ўз тарихий онги борлигини инкор этиб бўлмайди.

Тарихий онг шаклланишининг дастлабки босқичларида инсон ҳали назарий умумлашмалардан йироқ бўлиб, уни баҳолашда фалсафий ва социологик мезонлардан фойдаланмайди, балки кўпроқ амалий турмушдаги бошланғич таассуротларга таянади. Муайян ижтимоий гуруҳнинг ёки шахснинг бундай тарихий онги ўтмиш аждодлардан мерос узуқ-юлуқ илмий билимлар, содда тасаввур ва баҳолардан иборат бўлади. Тарихий онгнинг бундай жўн кўриниши ҳам киши маънавий оламини бойитишга ёрдам беради, бироқ жўнлигича қолаверади. Тарихий воқеа-ҳодисларга илмий баҳо бериш, тарихий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаш, конкрет сиёсий вазиятларни таҳлил қилиш бундай онг вакиллари имкониятидан ташқарида бўлади. Тарихий жараённинг маънавий жиҳатини ташкил қилувчи ижтимоий онг элементи бўлмиш тарихий билимни тизимли тарзда, унинг барча босқичлари ҳамда даражаларида қабул қилиш зарур, чунки тизимли ёндашувсиз, воқеа ва ҳодисаларга тарихий тафаккур билан муносабатсиз тарихий онг ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ бўлмайди. Таниқли социолог Ж.Т.Тощенко ёзади: "Агар тарихий онгнинг мазмун-моҳиятини тавсифлайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, у умуман жамиятга, хусусан, турли ижтимоий-демографик, ижтимоий-касбий ва этно-ижтимоий гуруҳларга, шунингдек, алоҳида кишиларга хос бўлган ўтмишни бутун турфа хиллиги билан идрок этиш ва баҳолашни ўзида акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, ҳиссиётлар, кайфиятлар мажмуидир" [5, - Б.4].

Бу ерда ўтмишни хилма-хил воситалар орқали идрок этиш, тушуниш ва баҳолашга урғу берилишидан англаш мумкинки, тарихий онг феномени ўта мураккаб, унинг функциялари серқиррадир. Марҳум академик Ж.Туленов ва профессор И.Жабборовлар бу феномен ҳақида "илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди"[6, - Б.7], дея бежиз таъкидламаганлар.

Келтирилган ёндашувлар, таърифларни умумлаштирсак, ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли бўлган тарихий онг - инсон ўтмиши ҳақидаги барча жараёнларни қамраб олувчи ҳамда унинг келажак тақдирини белгилашга хизмат қилувчи воситалар мажмуи экани ҳақидаги тасаввур ҳосил бўлади. Тарихий онг феномени универсал характерга эгалиги, жамият ва инсон ҳаётидаги вазифа ва функциялари мўллиги туфайли унга хилма-хил, ҳатто, баъзан бир-бирига зид келувчи таърифлар берилган, эҳтимол бу яна давом этар. Бизнингча, тарихий онг, бир томондан, жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ҳақидаги, иккинчи томондан, уларнинг бутун инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурлари, билимлари ҳамда тарихий тажрибалар силсиласидан тўпланган фалсафий

хулосалари мажмуидир.

Тарихий онг категориясининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун унинг генезиси ва эволюциясига эътибор қаратиш лозим. Тарихий онгнинг вужудга келишида ўтмиш, қадрият-анъаналар ҳамда маданий-маънавий мерос асосий ўрин эгаллайди. Диний онгнинг асосини дин ташкил этса, тарихий онгнинг асосини тарих ташкил этади. Таниқли немис тарихчиси ва файласуфи Освальд Шпенглер таъбири билан айтганда, "Тарих - тирик борлиқдир". Зеро тарихий хотирасиз келажак бўлмайди, тарих кишилар ҳаёти, улар фаолиятига яширинган хотирадир. Тарихни ўрганиш, унга ҳар қандай мавзудаги мурожаат, инсонда муайян тарихий онгни вужудга келтиришга хизмат қилиб, унинг тарихий хотирага айланиб боришини таъминлайди. Тарихий онг инсоннинг ер юзида яшай бошлаган даврлариданоқ вужудга келиб, ривожланиб борган ва доим ўзгарувчан хусусиятга эга бўлган. Сабаби инсон жамият тараққиёти билан узвий, бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади. Онгнинг шаклланиши кишилик жамияти пайдо бўлгандан буён шаклланган бўлса, тарихий онг ҳам ўша даврларданоқ шаклланиб, ривожланиб келган. Инсоният ибтидоий тўда босқичидан уруғчилик жамиятига ўтгандан сўнг инсонда олам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлган, одам оламни англай бошлаган, бу эса инсон онги ривожланишини янги босқичга кўтарди. Тарихий онг генезисида дин муҳим ўрин тутади. Дин инсонда тарихий онг ва хотирани шакллантирган ҳамда ривожлантирган омилларнинг дастлабкиси ва асосийси ҳисобланиб биринчи навбатда миллий ўзликни англашни шакллантиради.

Аввало, "ўзликни англаш дегани - бу ўз тарихимизни, минг-минг йиллик анъаналаримизни билиш дегани. Агарки ҳар қайси одам кечаги кунни яхши биладиган бўлса, ҳеч қачон аввалги хатосини яна такрорламайди"[7, -Б.113].

Ўзликни англашда, тарих, тарихий онг муҳим ҳисобланади ва ўтмиш, қадрият-анъаналар ҳамда маданий-маънавий мерос асосий ўрин эгаллайди. "дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамалакатни ўзига тобе қилиб, бўйсиндирмоқчи, унинг бойликлари эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маданиятидан жудо қилишга уринади" [8, - Б.10]. Зеро тарихий хотирасиз келажак бўлмайди, тарих кишилар ҳаёти ва улар фаолиятига яширинган хотирадир.

XX аср немис тарих фалсафасининг йирик намоёндаси О.Шпенглер оламни англаш учун инсон тарихий онг билан туғилиши лозимлигини уқтиради. Инсон тарихни билиш учун уни ҳис қилиши, жараёнлар моҳиятини, ҳаёт мазмунини чуқур англамоғи даркор. О.Шпенглернинг таъбирича тарих тирик борлиқ, шу билан бирга у мушоҳада, интуиция маҳсулидир.

Карл Ясперс эса инсоният тарихини жаҳон тарихи билан бирга ўрганиш таклиф этгани ҳолда, у бутун инсоният тарихини уч фазага бўлади. Булар: тарихдан аввалги фаза, тарих фазаси ва жаҳон тарихи фазасидир. Тарихдан аввалги фаза энг катта даврни ўз ичига олади у "инсоннинг шаклланиши, тил ва ирқлар пайдо бўлишидан то тарихий маданиятларнинг вужудга келишигача бўлган даврни" ўз ичига олади [9, - Б.34]. Демак, бунда инсон онги шаклланиш даврлари ва олам ҳақидаги тасаввурларни қамраб олган даврдир.

Ясперснинг фикрича, инсондаги тарихий онг ана шу уч фаза асосида шаклланади. Унинг тарих фазасида "вақт ўқи" [10, - Б.32] деб аталган давр муҳим аҳамият касб этади. Унда инсонни пайдо бўлишдан уни онги ривожланиши, олам ҳақидаги тасаввурларини шу ўқ асосида ривожланиши кўрсатиб ўтади. Умуман

олганда тарихий онг инсоният тарихининг бошланиши, тафаккур ва идрокнинг ривожланиши, инсон онги шаклланиш динамикасини, ундаги тарих билан қизиқиш ҳамда тарихий онгни шаклланиши ва камол топиш жараёнлари билан боғлиқ.

XIX асрда яшаган немис тарихчиси Леопольд фон Ранке, "Тарих аслида ҳаммаси қандай бўлганлигини таърифлашга хизмат қилиши керак", [11, - Б.49] деб уқтирган эди. Шу сабабдан, бугунги кунда ҳар бир шахс ўз ватани тарихини билиши ва ўзга мамлакатлар халқлари тарихи ва маданиятига ҳурмат муносабатида бўлиши лозимлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Нимага? Чунки, тарих ва тарихий онг ҳозирги глобал мафкуравий хуружлар авж олган бир даврда миллий ўзликни сақлаш, ўз дини, қадриятлари, анъана ва менталитети софлигини асрай билиш ва уни ривожлантириш кишида турли иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ўйинларга аралашиб қолмаслик, шу билан бирга дунёдаги бир қанча террористик ташкилотларнинг манқурт аъзосига айланиб қолишликка қарши иммунитет шакллантиради. Тарихий онг вақтлар ўтиши билан мунтазам ўзгариб ривожланиб бориш ҳусусиятига эга. Ҳар қандай сиёсий жараёнлар ёки жамият, халқаро муносабатларнинг ўзгариши шахс ижтимоий онгида бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради, шу қатори тарихий онгига ҳам таъсир қилади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ёки жараённинг ички тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро алоқалари, боғлиқлиги ҳамда шу тизим бажарадиган (унга юкланган) вазифаларни ўрганиш структурали-функционал таҳлил орқали амалга оширилади. Янги давр фалсафасида жамиятнинг структурали таҳлилини XIX асрда инглиз олими Герберт Спенсер бошлаб берди. Унинг социологик концепцияси жамиятни доимо мувозанатга интиладиган ўзига хос тирик организмга қиёс килиш билан ажралиб туради. Мувозанат нормал ҳаёт фаолиятининг шарти ва заминидир, "социал агрегат" бўлган жамият эса, индивид каби турли ҳаёт фазаларини ўтайди: ўсиб боради, мураккаблашади, ичдан табақаланади ва қисмларининг бир-бирига боғлиқлиги ортиб боради. Лекин, Спенсер жонли организм билан жамият орасидаги туб фарқларни эътиборга олмаган, ҳар қандай жамият эволюцияси асосида ижтимоий тафовутларнинг "мультипликация" си, яъни ортиб бориши ётади, деб таъкидлаган.

Структурали-функционал метод ривожига Т.Парсонс, Р.Мертон каби социологлар беқиёс ҳисса қўшдилар. Айниқса, Т.Парсонснинг структурали ёндашув жамиятнинг статик ҳолатини, функционал ёндашув эса унинг динамикаси, ривожланиш жараёнларини чуқур англаб етишга йўл очиб беради, деган қарашлари тарихий онгни таҳлил қилиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Тарихий онгнинг таркибий тузилишини ўрганишдан аввал унинг шаклланиш даражаларига диққатни қаратиш муҳим. Илмий адабиётларда унинг тўрт даражаси мавжудлиги ҳақидаги фикр кўпроқ оммалашган.

Тарихий онгнинг биринчи (қуйи) даражаси шаклланиши бевосита ҳаётий тажрибани тўплаш асосида юз беради. Тарихий онгнинг иккинчи (ўрта) даражасида шахснинг олам ҳақидаги билим ва кўникмалари турли урф-одат, маросим ва анъаналардаги иштироки, ота-онаси ёки ўзидан катталардан олган маълумотлари, бадиий адабиёт, кино, театр, радио, телевидение, меъморий обидалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари таъсири остида шаклланиши мумкин. Аммо тарихий онгнинг бу даражаси ҳам ҳали тизимга солинган билимга айланмайди. Тарихий онгнинг учинчи (юқори) даражаси мактабда олинган тарихий билимлар асосида шаклланади. Тарихий онг шаклланишининг тўртинчи (олий)

даражаси инсон ўтмишни ҳар томонлама назарий тушуниш, тарихий тараққиёт тенденцияларини пайқай олиш қобилиятига эга бўлганда юзага келади.

Тарих фани инсониятнинг ибтидоси, эволюцияси, ривожланиш тенденцияларини ўрганиш билан бир қаторда, ўтмиш ҳақидаги билимларни индивид онгида мустаҳкамлаш орқали унинг тарихий хотирасини шакллантиради. Шу тариқа тарихий онгнинг ички структуравий компонентлари зуҳур бўла бошлайди. Булар: тарихий қараш, тарихий идрок, тарихий тасаввур, тарихий хотира, тарихий тафаккур, тарихий маданият ва ҳ.қ.

Тарихий қараш тарихий онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. У, биринчидан, ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни ҳақиқий тарих нуқтаи назаридан, яъни қандай бўлса шу ҳолича эътироф этиш ва баҳолашни, иккинчидан, индивиднинг муайян мафкуравий платформадан, муайян позициядан туриб тарихга муносабатини билдиради. Айни пайтда, тарихий қараш,тарихий идрок ва тарихий тасаввурнинг иштирокисиз тарихий хотиранинг шаклланиши мумкин эмас. Бунда тарихий идрок воқеа ва ҳодисаларни тарихий қараш воситасида қабул қилиб ва ўзлаштириб, тарихий тасаввурга айланади, тасаввур эса жамланиб, кристаллашиб тарихий хотирани ташкил этади.

Жамият ва индивид ҳаётида тарихий хотиранинг роли катта. Халқ, миллат тарихий хотирани йўқотар экан, келажакдан маҳрум бўлади. Келажак нафақат орзу ёки истак, балки билиш предмети ҳам бўлгани учун ўтмишни, масалан, Ўзбекистон тарихини тушуниш жараёни унинг зарурий элементи ҳисобланади. Тарихий хотирада унинг субъектининг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолда ўтмиш ҳақидаги барча саралланган билим ва тасаввурлар жамланади. Шунингдек, ворисийлик қонуниятига кўра, аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос сақланиб, кейинги авлодларга етказилади. Бу "занжир" жараёнида тарихий хотира ўтмиш ҳақидаги билимларни ўзида сақловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тарихий хотира янги ахборотларни қайта ишлаш орқали муттасил ривожланиб боради ва у моҳиятан ўтмишга эмас, балки келажакка қаратилган бўлади.

"Тарихий маданият" тушунчаси эса тарихий онг билан икки томонлама тақозо этувчи муносабатида бўлади. Яъни тарихий онгнинг юксаклиги тарихий маданиятга эришганликни билдирса, ўз навбатида тарихий маданиятлилик тарихий онгнинг олий даражага кўтарилишини таъминлайди.

Тарихий онгнинг функциялари ҳақида гапирганда унинг ўта серқирралиги, ўзгарувчанлиги ва ҳаракатчанлигига эътибор қаратиш лозим. Булардан энг муҳимлари:

- билиш функцияси;
- таълим бериш функцияси;
- дунёқарашни шакллантириш функцияси;
- тарбиявий-ахлоқий функцияси;
- миллатни жипслаштириш функцияси;
- маданий идентиклик (мансублик)ни сақлаш функцияси ва бошқалар.

Тарихий онг, ўз таркибига тарих, тарихий тафаккурни қамраб олиши билан маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, тарихни англаш орқали инсон ўз шахсини баҳолайди, ўзининг кимлигини англайди, бугунги кундаги ҳаётининг мазмунини тушунади ва ўзининг келажак фалсафасини яратади;

иккинчидан, инсон тарихий тафаккурини шакллантириш орқали шахс сифатидаги ўз бетакрор феноменини вужудга келтиради ва дунёқарашини шакллантиради ҳамда ўзлигини англаш, ҳақ-ҳуқуқлари учун кураша олиш қобилиятини юзага чиқаради;

учинчидан, тарихий онг буюк аждодлари билан фахрланиш, яхлит миллат эканини ҳис қилиш, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига, ўз мустақил давлати равнақига ҳисса қўшиш, Биринчи Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "маънавий жасорат" кўрсата олиш салоҳиятини тарбиялайди ва рағбатлантиради. Тарихий онг маънавий қудрат беради, ҳар бир фуқарони маънавий, руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилайди. Ва шуниси билан жамият тараққиётига хизмат қилади.

Тарихий онгни шакллантириш фақат билим (ахборот) доирасини кенгайтириш эмас, келажакка ишончни ҳам мустаҳкамлашдир. Америкалик психолог Абраҳам Маслоу ҳозиргача кўп дарсликлардан жой олиб келаётган "инсон эҳтиёжлари иерархияси" да табиий эҳтиёжлардан кейинги ўринда тинчлик ва хавфсизликка бўлган эҳтиёж, эртанги кунга ишонч эҳтиёжи туради, деб ҳисоблайди. Тарихий онг мураккаб ижтимоий-психологик феномен бўлгани боис уни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ҳам кўплаб ижтимоий-маданий асосларга таянган ҳолда кечади. Айтайлик, ўзбек халқининг маданий меросларидан бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллар давомида яратилган бўлиб, биз учун гўёки тирик тарих ифодасидир. Чунки тарихий маданий обидаларимиз узоқ ўтмишни эслатиб турувчи бир иншоотгина эмас, балки кишида миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини ривожлантирувчи, ўтмиш ҳақида холис тарихий маълумот берувчи, тарихий ватанпарварликни юксалтирувчи, қолаверса, жамият ҳаётидаги тарихий онгнинг ифодаси бўлмиш тарихий маданиятни шакллантирувчи муҳим восита ҳам ҳисобланади. Ёшлар (айниқса, ўқувчи ёшлар)да тарихий онгни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини амалга оширишда социологик ва педагогик ёндашувларни такомиллаштириб бориш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир.

Глобаллашув жараёнлари таъсири остида тарихий онг ўзгаришининг қонуниятлари ва тенденцияларини ўрганиш, ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугун ғоявий-мафкуравий хуружлар авж олаётган бир пайтда тарихий онг инсонда ушбу хуружларга қарши иммунитет ҳосил қилади ҳамда турли тарихий даъволарнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий сабабларини таҳлил қилиш функциясини шакллантиради. Қолаверса, ёшларда тарихий онгни ривожлантирувчи услублардан фойдаланган ҳолда уларда ватан туйғуси, муайян миллатга, халққа мансублик ифтихори, тарихий ватанпарварлик, ўз миллати билан айнанлигини ҳис этиш салоҳияти, миллий ғурур, миллий ор-номусни шакллантириш, ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради. Мазкур хусусиятлар шахснинг ватанпарвар бўлиб камолга етишишида таянч ҳисобланиб шу орқали мамлакат ўзининг барқарор келажагини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор барпо этади.

Диссертацияда тарихий онгни ривожлантириш омиллари немис тарихчиси ва назариётчиси Йорн Рюзеннинг "тарихий нарратив" модели асосида таҳлил қилинган. Рюзен тарихий онгнинг тараққиётини ифода этувчи нарратив (ҳикоя, ривоят)нинг тўрт типини ажратиб кўрсатган. Булар анъанавий, ибратомуз, танқидий ва генетик типлардир. Зотан, немис олимининг фикрича, тарихий онг ўтмиш тажрибасини бугунги кун ва кутилаётган келажак нуқтаи назаридан баҳолаб,

амалий ҳаётда тўғри йўлни топиш имкониятини ҳосил қилишдир [12, - Б.122].

Дарҳақиқат, халқнинг маданияти, миллий менталитети, урф-одат ва анъаналари тарихий онгни шакллантирадиган муҳим омиллардандир. Ҳаётга энди қадам кўяётган ёш авлод, ақлини таний бошлагандан эътиборан, муайян урф-одатлар муҳитида улғая бошлайди, ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган одатлар, расм-русумлар ўйлаб ўтирмасдан, табиий бир тарзда қабул қилинади. Ёш авлоднинг ижтимоийлашувида бундай ворисийлик муҳим роль ўйнайди. Вақти келиб инсон улғайгач, бирор маросим ва байрамда қатнашар экан, унинг қай пайт ва нима учун келиб чиққани, қандай мазмун ва моҳиятга эга экани билан қизиқади. Инсоннинг урф-одат ва маросимларга бўлган муносабати унинг ҳаёти мобайнида ўзгариб боради. Чунки жамиятдаги катта бурилишлар, социал катаклизмалар пайтида анъана ва урф-одатлар кескин трансформацияга учрайди, янги урфлар, байрам ва маросимлар пайдо бўлади. Мисол тариқасида Мустақиллик йилларида шаклланган халқчил маросим ва байрамлар, "Хотира ва қадрлаш куни", "Қатағон қурбонларини ёд этиш" кабиларни келтириш мумкин.

Тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишнинг маънавий замини ҳисобланади. Бунинг учун жамиятда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс.

Тарихий онг, тарихий хотира ҳозирги даврга келиб умуминсоний маънавий ҳаётдаги глобал муаммога айланди десак, муболаға бўлмайди. Муайян геосиёсий кучлар бутун олам бўйлаб ахлоқсизлик рецидивларини ёйишга, қадимдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка рахна солишга уринмоқда. Шу аснода, тарихий онг шаклланадиган социал-демографик замин - ёшлар, шу жумладан уларнинг энг фаол қисми - бутун дунёда ҳам, бизнинг мамлакатимизда эса, мутлоқ кўпчиликни ташкил қиладиган ўқувчи ёшларда тарихий онг шаклланишининг динамикаси ва статикасини ўрганиш социологиянинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўқувчи ёшлар тарихий онгининг шаклланиши, янгиланиб, ривожланиб бориш жараёнларини амалга ошириш, социал-педагогик ёндашувларни такомиллаштириш масалалари ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида долзарб ҳисобланади. Бунинг қуйидаги сабаблари бор:

биринчидан, тарихий онг, тарихий хотира категорияларини умумметодологик социологик таҳлил қилиш нафақат Ўзбекистон илму фани олдида турган муҳим вазифа, унинг муваффақиятли ечим топиши эса маънавиятни юксалтиришнинг зарур шарти, маълум маънода унинг кафолати бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, тарихий онгнинг моҳиятини очиш, унинг маънавий ҳаётдаги ўрни ва ролини аниқлаш учун ушбу тушунчага илмий таъриф ва тавсиф бериш, у ифодалайдиган ижтимоий ҳодисани структурали-функционал ва тизимли таҳлил қилиш, генезиси ва эволюциясини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан зарур ҳисобланади;

учинчидан, таълим-тарбия тизимида тарихий онгни шакллантириш энг олдинги ўринда туришини инобатга олиб, ушбу тизимнинг ўқувчилар тарихий онгини янгилаш ва ривожлантириш ишида қўлланиладиган усул ва воситаларини, педагогик технология ҳамда янгича тарбиявий омилларни социологик тадқиқ қилиш жуда катта самара беради;

тўртинчидан, ўқувчилар тарихий онги янгиланишининг мафкуравий асослари

ҳамда миллий ғоянинг тарихий онг шаклланишидаги функционал ролини тадқиқ қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга;

бешинчидан, инсон онги ва қалби учун кураш беқиёс кучайган сўнгги даврларда, ғоявий тазйиқ ва мафкуравий ҳужумларнинг янгидан-янги воситалари ишга солинаётган бир пайтда буларга қарши иммунитетни кучайтириш, ишончли маънавий "қалқон"ҳосил қилиш учун айнан тарихий онг ва тарихий хотирани сусайтириш билан боғлиқ янги таҳдидларни чуқур ўрганиш, моҳиятини англаб етиш, уларга баҳо бериш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий ишланмаларни такомиллаштириш ўта зарурдир.

Булардан ташқари, ҳозирги жаҳон глобаллашув даври миллий тарихий онгга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Объектив жараён сифатида содир бўлаётган глобаллашувнинг маънавиятга ижобий ва салбий таъсирини тадқиқ этиш, миллий ифтихор ва ғурурни юксалтиришнинг илмий асосланган механизмларини, технологияларини ишлаб чиқиш зарурати ҳам муаммонинг долзарблигини кучайтиради. Маънавий таҳдидлардан факат ҳимояланиш эмас, уларга қарши "маънавий жасорат" билан кураша олиш салоҳиятини ёшларда шакллантириш эҳтиёжи ҳам тарихий онгга, миллий ўзликни англашга нисбатан бўлаётган таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тарихий хотирани тиклаш, анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун улкан имкониятлар яратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль куни "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармони қабул қилинди [13]. Фармоннинг ижроси бўйича 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди: ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш билан бирга таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2017 йил 30 июндаги ПҚ-310 сонли [14, - Б. 583], "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида" 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 - сонли [15] қарорларининг қабул қилиниши тарихни ўрганиш, уни тўғри талқин қилиш ва халқимизнинг онгу шуурига сингдириш борасида ҳалиқилинадиган ишлар талайгина эканини кўрсатди.

Мазкур қарор ва фармонлар ижросидан мақсад халқнинг барча социал қатламларида, айниқса, ўқувчи-ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини ривожлантиришдан иборатдир. Қолаверса, уларда тарихий онг, тарихий хотира,ватан тарихига ҳурмат, тарихий баҳо, тарихий маданият, тарихий ватанпарварлик, тарихий ифтихор тушунчаларини ривожлантиришга эришиш, шу орқали мамлакатимизнинг эртанги

келажаги ва давомчилари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш мақсад қилинган.

Ҳар қандай жамият ёки ҳукмрон мафкура ўз даврида халқ онгига маънавий-маданий, тарихий жараёнларни ўзига мослаб сингдиришни истайди. Бундай мисоллар тарихда жуа кўп бўлган. Тарихий жараёнлар инсонлар тарихий онгининг ўзгариши ва янгича кўринишга айланишига асос бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги даврда ҳусусанЎзбекистон Республикасида тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгарган, шу билан бирга халқимизнинг тарихий онги мустақиллик рухида янгиланиб ривожланиб бормоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтмоқчиман: "тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни хаёт хақиқати билан қуроллантиради" [16, - Б.112].

Мавзу долзарблигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

Ўзбекистон Республикасида дунёнинг кўпгина мамлакатларида тажрибадан ўтган "Тарихий онгни ривожлантириш концепцияси" ни қабул қилиш.

Ўқувчилар тарихий онгини ривожлантириш учун ўрта таълим тизимида ўқитилаётган гуманитар (Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, адабиёт) фанларига қўшимча менторлик, ибрат, устоз-шогирд сингари махсус курсларини жорий этиш (ҳудуд тарихи, маълум бир шахслар ҳаёти ва ҳоказо.) "Ўтмиш ва бугун" ёки "Ўтмиш ва келажак" каби туркум лойиҳаларни ташкил этиш. Ижтимоий-гуманитар йўналишга ихтисослашган мактаблар учун чуқурлаштирилган тарих фани дарсликларини жорий этиш.

Ёшлар қалбида ўтмиш қаҳрамонларига ҳавас, миллий ғурур туйғуларини уйғотиш учун музей экспозициялари, театрлаштирилган кўргазма ва фестивалларда тарихни жонлантириб кўрсатишни ташкил этиш. Бу тадбир юртимизга туристлар оқимининг ортишига ҳам хизмат қилади.

Ўрта ва олий таълим тизими учун Ўзбекистон тарихига оид хариталарни мунтазам чоп этиб бориш.

Ўзбек тилида "Тарих энциклопедияси" ни тайёрлаб, нашр этиш. Миллий тарихнинг оммавийлигини ошириш учун адабий-бадиий, публицистик адабиётлардан иборат "Тарих кутубхонаси" сериясини ташкил этиш.

Хулоса қилиб, глобал мафкуравий таҳдидлар кучайган ҳозирги даврда кишиларда, айниқса, ўқувчи ёшларда тарихий онгни шакллантириб ва муттасил ривожлантириб борилса, бегона мафкура ва ғоялар улар онгига йўл тополмайди [17]. Тарихий онгни шакллантириш тараққиётда ворисийлик принципини билишни, назарий ва амалий фаолиятда ундан фойдаланишни талаб этади. Кишининг юксак маънавият соҳиби бўлиши унинг тарихий онги даражасига, тарихий хотирасининг бой ва теранлигига бевосита боғлиқдир. Фарзандларимизда тарихий хотирани шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир ота-онанинг, устоз-мураббийларнинг, зиёлиларнинг муқаддас бурчи, давлатнинг эса, стратегик вазифасидир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. https: // president.uz / uz / lists / view/2228.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон, "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон фармон ва қарорлари.

3. Абдуллаев Р.Т. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани. // Тарих ва ўзликни англаш II:Ўзбекистон ва Германия XX асрда. - Тошкент, 2007. - Б. 6-12.

4. Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2004. - № 2. - Б.83.

5. Тощенко Ж.Т. Историческое сознание и историческая память. Анализ современного состояния // Новая и новейшая история. - № 4, 2000 г., - С.4.

6. Туленов Ж., Жаббаров И. Тарихий онгни ривожлантириш давр талаби. - Тошкент: Меҳнат. 2000. - Б.7.

7. Каримов .И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015. -Б. 304.

8. Каримов . И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. -Б. 173.

9. Ивин А. Филасофия истории. М.: Гардарики, 2000. -528 с.

10.Ясперс К. Смысл и назначение истории. - Москва: Политиздат, 1991.-527 с.

11.Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистонда ва Германия тарихни ёритиш. - Т.: Фан, 2008. - Б. 238.

12.Мысливец Н.Л. Историческое сознание молодёжи как предмет социологического исследования //Н.Л. Мысливец // Смена парадигм в историографии всеобщей истории в Республике Беларусь и Российской Федерации: сб. науч. ст./Учреждение образования Гродненский гос. ун-т им. Я.Купалы.- Гродно: ГрГУ им. Я. Купалы, 2016 .- С.122-128.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.

14.2017 йил 30 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3105- сон Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: №26. - Б. 583.

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида" Қарори. Тошкент шаҳри, 2017 йил 28 июл. Халқ сўзи. 2017 йил 29 июль.

16.Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015. - Б. 112.

17.Тайлакова Ш.Н. Глобаллашган ахборот шароитида ўқувчи-ёшларнинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини оммавий ахборот воситалари асосида шакллантириш // https://cyberleninka.ru/article/n/globallashgan-ahborot-sharoitida-uvchi-yoshlarning-oyaviy-mafkuraviy-immunitetini-ommaviy-ahborot-vositalari-asosida-shakllantirish (кўрилган муддати: 02.10.2019).

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Уктамов Нодир Иброхимович,
Наманган давлат университети магистранти
e-mail: devdasdesign@gmail.com

ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШДА СОЦИАЛ МАФКУРАНИНГ ЎРНИ

For citation: *Nodir Uktamov, The role of social ideology in teaching and educating young people. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 85-92*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-9

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги глобаллашаётган даврда ёшлар таълим ва тарбиясини Ҳаракатлар Стратегиясида кўрсатилган социал мафкуранинг ифодаси сифатида жамиятда ёшларни ижтимоий-сиёсий мўлжалини тўғри белгилашда маънавият ва маърифатнинг долзарблигини оширишдан иборатлиги кўрилган. Шунингдек, мақолада ёшларни аниқ социал мўлжал, ўз мавқеи, ҳуқуқини англаган билимдон, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш бугунги кунда социал тараққиётимиз учун ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлиги таҳлил қилинган. Бундай вазиятда таълим жараёни ёшларимизда ҳар қандай ёт мафкуравий таъсирга қарши муайян социал иммунологик муносабатни ҳамма жойда ҳар доим намоён бўлишини таъминлашга қодир бўлмоғи кераклиги таъкидланган. Ёшларнинг таълим-тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмаслиги, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараён эканлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: ёшлар, ижтимоий гоя, таълим-тарбия, маънавият, маърифат, бағрикенглик, глобаллашув, ижтимоий онг.

Уктамов Нодир Иброхимович,
Магистрант Наманганского государственного университета
e-mail: devdasdesign@gmail.com

РОЛЬ СОЦИАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается актуальность духовности и просвещения молодежи в правильном определении социально-политического ориентира молодежи в обществе как выражения социальной идеологии, отраженной в Стратегии действий по образованию и воспитанию молодежи в современном периоде глобализации. Кроме того, в статье проанализировано, что воспитание молодежи в духе осознанного социального ориентира, осознания своего статуса, права, преданности Родине, как никогда важно для социального развития страны. В связи с этим подчеркивается, что процесс обучения должен иметь возможность обеспечить у нашей молодежи социального иммунитета против любого чуждому идеологическому воздействию человека во всех сферах деятельности. Было показано, что образование и воспитание молодежи - это сложный процесс, который не только представляет собой совокупность опыта, простых инструкций и знаний, но и включает в себя знания о таких областях, как религиозно-этические знания, медицина, этика, психология, педагогика.

Ключевые слова: молодежь, социальная идея, образование, духовность, просвещение, толерантность, глобализация, социальное сознание.

Uktamov Nodir Ibrakhimovich
Master - Namangan State University
e-mail: devdasdesign@gmail.com

THE ROLE OF SOCIAL IDEOLOGY IN TEACHING AND EDUCATING YOUNG PEOPLE

ANNOTATION

The article provides an example of increasing the relevance of spirituality and enlightenment in the correct definition of socio-political purpose of youth in society as an expression of the social ideology shown in the strategy of action of education and education of young people in today's globalizing world. The article also analyzed the fact that educating young people with a clear sosial perspective, a knowledgeable person who understands his position and right, loyalty to the motherland is more important than ever for our sosial progress today. In this situation, it is emphasized that the educational process should be able to ensure that in our youth a certain social immunological attitude against any Yot ideological influence is always manifested everywhere. Education of young people it has been shown that this is not just a set of experience, simple instruction and knowledge, but also a complex process that includes knowledge in such areas as religious-moral knowledge, medicine, ethics, psychology, pedagogy.

Key words: youth, social idea, education, spirituality, enlightenment, tolerance, globalization, social consciousness.

Бугунги кунда жамиятимизда стратегик мақсадли социал тараққиёт рўй бераётган бир шароитда аҳоли онгига миллий ғояни сингдиришнинг энг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш бугунги кун долзарб вазифаси ҳисобланади. Халқимизни асосий қисми ёшлар ташкил этганлиги ва уларни бугунги ҳоҳиш-иродаси мамлакатимизни келажагини белгилаши, ёшларга бефарқ бўлмасликка чақиради. Шу сабабли келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни

тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий ҳусусиятимиздир [1, - Б.25]. Ёшларни ижтимоий-сиёсий мўлжалини тўғри белгилашда маънавият ва маърифат биринчи навбатда иммунитет муҳитини яратиб беради. Бугунги ёшлар аҳборот оқимининг барча жабҳаларидан хоҳлаган пайтда, хоҳлаганча маълумотларни олиши мумкин ва унга ўз муносабатини билдиришга имкониятига эга бўлмоқда. Шу ўринда унутмаслик керакки, биз танлаган стратегик мақсадли йўл, чуқур ўйланган таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш йўлида, собит иродали ёшларни тарбиялаш ва улар онгига энг эзгу ғояларни сингдира олишдан иборатдир.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда [2].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев, ёшлар тарбиясининг таълим тизимидаги ўрни ҳақида шундай деган эди: "Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш хақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур" [3, - Б.229]. Шу билан бирга, биз янги аср ва янги бир цивилизация даврида меҳнат қилиб, ўзининг устида тинмай ишлайдиган, узлуксиз таълим оладиган, доимий равишда ўз билим эҳтиёжларини қондириб, олган билимларини оиласи, халқи ва давлати ривожланишига сарф қила оладиган шахсгина муносиб ўринни эгаллаши мумкин. Шунинг учун, ҳукуматимиз томонидан ҳам узлуксиз таълимга катта аҳамият берилган. Чунки, жамиятимиз ўз олдига қўйган стратегик мақсади - Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг яратилиш, натижадор ислоҳотларни бошланганлиги янги авлоднинг дунёқарашига, ижтимоий мўлжаллига социал-замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашига, амалий долзарб асос бўла олади.

Бизнинг давримизда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи, ҳуқуқини англаган билимдон, ўз ватани бурчига садоқатли фуқаро социал тараққиётимиз учун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. XXI аср ёшлари турли-туман мафкуралар тажовузи кучайиб бораётган шароитда яшамоқда. Бундай вазиятда таълим жараёни ёшларимизда ҳар қандай ёт мафкуравий таъсирга қарши муайян муносабатни ҳамма жойда ҳар доим намоён бўлишини таъминлашга қодир бўлмоғи керак [4]. Ушбу ўта муҳим ижтимоий-педагогик муаммо ечилмас экан, келажакда ёшларимизнинг ёт мафкуралар таъсирига қарши жавоб қайтара олмасликлари табиийдир. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Мафкуравий тарбия ёшларнинг маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларини оддийгина қабул қилиб олишинигина эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишни, бу билимлардан замонавий ижтимоий ҳодисаларга мафкуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантиришга ўргатишни кўзда тутади [5]. Бу кўникмалар талаба дунёқарашини, билимларини ижтимоий ғоялар - халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик

(толерантлик) нуқтаи назаридан секин-аста бойитиб бориш билан таъминланади. Шунинг учун, ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси, хулқ-атвори умуминсоний қадриятларга ва қонун-қоидаларга мос келиши энг муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсон мавқеи жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий ва оилавий-маиший муносабатлар тузумида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берган.

Инсон моҳияти масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини, шахснинг дунёсини ифодаловчи ўзаро узвий боғланган эътиқод (иймон), ҳуқуқ, бурч, диёнат (виждон), адолат, ҳалоллик каби қадриятлар орқали тўғри идрок қилиши мумкин [6, - Б. 163]. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини, мавқеини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофидаги муҳим (оила, меҳнат жамоаси, маҳалла ва ҳ.к.) олдидаги бурчи ва масъулиятини ички ҳис-туйғулари, виждони орқали чуқур тушуниб олса, мустақил фикри бўлса, социал тараққиётнинг муҳим омилига айланади. Ёшларни мустақил фикрлаши ташқи муҳитнинг турли таъсирларига нисбатан фикрларини бемалол билдира олиши, мустақил таффакур қобилиятини яратиш зарур. Инсонларнинг турли социал вазиятларда ўзларини турлича тутишлари, аслида уларнинг турлича ўйлашларидан келиб чиқади, ўйлаш, фикрлаш, совуқ мулоҳаза юритиш санъати мафкуравий тарбияда педагогик воситадир. Демак, позитив тафаккур, ижобий фикрлаш - яхши оқибатларга, ижобий натижаларга олиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёт мафкуравий жиҳатидан ёшларни орзу-интилишни бегоналаштириши ёшларни пул орқали жамиятда ҳамма нарсани сотиб олиш фикрини келтириб чиқармоқда, албатта, жаҳолатга қарши ҳар доим маърифат билан курашишни унутмаслик кераклигини ёшларга уқтириш зарур. Бозор муносабатлари ривожи учун ёшларда даромад топишга интилишдан ташқари юксак маънавият ҳам бўлиши керак. Агар инсонларда ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар қилиш, иймон, инсоф, адолат, инсонпарварлик сингари фазилатлар бўлмаса, бозор тараққиёт йўли бўлмай қолади, жамиятда маънавий инқироз кучаяди. Бозорнинг мезони "ё мен бировни алдайман, ё биров мени алдайди", деган қоида эмас. Бозор муносабатларига асос бўладиган миллий, диний, маънавий қадриятлар - ҳар бир шахс ўзининг, бошқаларнинг қадри-қиммати, манфаатини ҳам адолатли равишда ҳисобга ола билишидир [8].

Миллий аҳлоқий қадриятларнинг, миллий тарбия усулларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳар қандай шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши миллат маънавий камолоти имкониятларини чеклаб қўяди. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида белгиланади [9]. Бу фикр мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари йўналишларини белгилаш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Миллий тарбиянинг асосий ҳусусиятларидан бири ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдир. "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Фаровон ҳаёт бу мукаммал тарбиядан бошланади. Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди" [10].

Маънавиятли кишиларни жамиятда тили билан дили, сўзи билан иши бир

бўлади. Бундай фазилатларни шакллантириш биринчи навбатда оилада ота-онага ҳамда қолаверса, тарбиячиларга боғлиқдир. Айниқса, бозор муносабатларига ўтилган ҳозирги шароитда оила ва ундаги ота-онанинг фарзанд тарбиясида масъулияти янада ошди, деб айтишга тўла асосимиз бор.

Шу ўринда, "Бизнинг эзгу мақсадимиз эса таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш асосида ғоя ва мафкурамизни эътиқод қилинадиган муқаддас туйғуга айлантиришдир. Чунки, эътиқодга айланмаган ғояни ғоя, миллий мафкурани мафкура деб бўлмайди" [7, - Б. 455].

Давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган, бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим ҳаётий масалалар илгари сурилган [11, - Б.25]. Унга кўра, ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 4.5. бандида Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича:

- жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш каби ҳаётий долзарб масалаларни кўтарилиши ўрганилаётган мавзуни долзарблигини кўрсатади [12].

Шу сабабли, бугун Ўзбекистон глобаллашув жараёнларининг фаол субъектига айланиши, унинг дунё билан алоқаси, жахон ижтимоий-сиёсий жараёнларига иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалари умумжахон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали хам миллий, хам дунёвий муаммоларни хал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмаштириш салохиятини намоён қилишда катта самара бермоқда.

Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, рухияти - ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан "маҳсулот" танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати

сифатидаги хатти-харакати ва муносабатида мафкуравий иммунитет ва миллий ғоя устуворлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Бунинг учун эса мафкуралар жамият ҳусусиятларини ифодалаши қонуниятини таҳлил этиш муҳим ва зарур деб ҳисоблаймиз. Биз бунда жамиятда қандай муносабатлар ҳукмрон бўлса ундаги мафкуравий жараёнлар ҳам шундай бўлади деган қоидани асос қилиб олдик.

Миллий стратегик тараққиёт ғоясини ва янги ривожланиш йўлини шакллантириш билан боғлиқ равишда Ўзбекистон жамиятшунослари олдида муҳим вазифалар кўндаланг бўлмоқда [13]. Жамиятда мафкуранинг тутган ўрни ва мавқеи, унинг маънавий-ахлоқий янгиланиши, янги ижтимоий энг юксак орзу ва қадриятларнинг қарор топиши, уйғун баркамол авлод тарбияси ҳақидаги социал онгни шакллантириш ғояси ўз аксини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг олиб бораётган сиёсатларида, расмий нашрларда, олимларнинг тадқиқотларида, ижтимоий-сиёсий масалаларга доир адабиётларда кузатилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги жиҳатларини тадқиқ қилишни давом эттириш ҳозирги замон талабидир. Ижтимоий фан Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг миллий ҳусусиятлари ва яшаш тарзининг ўзига хослигини, минтақада вужудга келган муайян-тарихий шароитни ҳисобга олган ҳолда умумий тушунчалар, инсоният тараққиётининг умумий мантиғи, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, у ёки бу сиёсий ғоялар ва давлатларнинг амалий фаолиятларидан келиб чиқиб танқидий равишда идрок этиши лозим.

Шу ўринда, ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоғи даркор.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан:

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўгараклари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик

етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда [14].

Албатта бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча миллий қадрият ва урф-одатларимиздан бахобар бўлиб боришини талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир [15].

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Нью-Йоркда бўлиб ўтган сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш ёт мафкураларга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади [16].

Хулоса қилиб, бугунги стратегик ривожланиб бораётган мамлакатимизда, таълим-тарбияни ижтимоий фаолллашишуви жамиятда ёшларни ижтимоий-сиёсий мўлжалини тўғри белгилашда амалий ёрдам бўлмоқда. Глобаллашаётган жамиятимизда бой интеллектуал меросимиз ва умумбашарий қадриятларимиз асосида, маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва инновацион технологияларнинг ютуқлари асосида ёшларнинг таълим ва тарбияни мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг бугунги муҳим шарти ҳисобланади. Шу ўринда, миллий ғоя, миллий тафаккур ва миллий мафкура йўлида ёшлар қанчалик бирлашса, жипслашса жаҳон халқлари кўз ўнгида кучимиз, мавқеимиз ва ўрнимиз шунчалик баланд кўтарилади. Биз бошқа давлатларга суяниб, бошқа давлатларни паноҳ тутиб, уларнинг этагидан ушлаб юрадиган давлат, халқ эмасмиз, мустақил сиёсат, мустақил тафаккур ва мустақил ҳаракатларгина доимо бошқаларда ҳурмат ва эътибор уйғотган.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. - Б. 25.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида" ги ПҚ-3160 сонли Қарори.

3. Мирзиёев Ш. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж-2. - Тошкент: НМИУ, 2018. - Б.229.

4. Мамашокиров С., Ўтамуродов А., Қодирова Э.Р., Ортиқов М., Тоғаев Ш., Мухаммадиева О. Миллий тараққиётнинг ғоявий-мафкуравий асослари // http://uz.denemetr.com/docs/768/index-69726-1.html?page=17 (кўрилган муддати: 21.09.2019 йил)

5. Қодирова С.Х., Назарова Р.М., Ахмедова Ф.М., Салимсақова Н.С. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар // http://library.ziyonet.uz/ru/book/download/36963 (кўрилган муддати: 11.06.2019 йил)

6. Тоштемиров А, Бойназаров Ю. Мустақиллик - миллий ва диний қадриятлар тикланишининг гарови. // Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари номли илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2015. - Б. 163.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б. 455-456.

8. Муҳамедова З.А. Умуминсоний қадриятларнинг жамиятимиз маънавий покланишидаги роли. URL: http://uz.denemetr.com/docs/294/index-21118-1.html

9. Ишонқулова Г. Ўзбек оилаларида ота-оналарнинг бола тарбиясидаги муносабатларининг ижтимоий психологик ҳусусиятлари // http://library.ziyonet.uz/uz/book/download/13475 (кўрилган муддати: 10.06.2019 йил)

10.Раҳматова Д. Ёшлар - улкан куч: Мирзиёев ёшларга Ҳукумат эшикларини очди. URL:https://sputniknews-uz.com/analytics/20170703/5736267/ Mirziyoyev-yoshlarga-Hukumat-eshiklarini-ochdi.html

11.Мухтаров Азамат. Миллий ғоя такомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги: 09.00.11/ Мухтаров Азамат; [Ҳимоя жойи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти]. - Тошкент, 2011. - Б.25.

12.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони №ПФ-4947 Қабул қилинган сана 07.02.2017.

13.Исоқов Б. Жамият тараққиёти асоси // http://library.ziyonet.uz /ru/book/download/51173 (кўрилган муддати: 21.09.2019 йил)

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3907-сон 14.08.2018.

15.Урол Назар Мустофо. Оилада фарзанд тарбиясида одоб - аҳлоқ ўрни // https://islaminstitut.uz/?p=1582 (кўрилган муддати: 21.09.2019 йил)

16.Мирзиёев Ш. Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференциядаги нутқи // Халқ сўзи. 2017 й., 15 ноябрь.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Қозоқов Собиржон Зокиржонович,
Наманган давлат университети ўқитувчиси
e-mail:sqozaqov@mail.ru

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

For citation: *Sobirjon Qazaqov, The impact of family entrepreneurship on the development of society. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 93-101*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-10

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиздаги бозор иқтисодиёти шароитида оилавий тадбиркорлик фаолиятига давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ва улардан фойдаланишни таҳлил қилган. Шунингдек, бозор муносабатлари шароитида оилавий тадбиркорликни афзалликлари тадқиқ этилган. Шу ўринда, тадбиркорлик фаолияти халқимиз учун янгилик эмаслиги ва улар қадим замонлардан бери ота-боболарининг фаолиятини сулола сифатида давом эттириб келганлиги очиб берилган. Мақолада мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг вужудга келиш сабаблари ўрганилган бўлиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги таҳлил этилган. Мақолада оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш жамиятнинг иқтисодий, маънавий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, оилаларда шахслараро ўртасидаги муносабатларнинг мужассамлаштириб, уларнинг маълум бир мақсадга қаратилган ҳаракатларини уйғунлаштиради. Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг вужудга келиш сабаблари ўрганилган бўлиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, оила, миллий қадрият, ҳунармандчилик, имтиёзли кредит, мулкий муносабатлар.

Козоков Собиржан Зокиржанович,
Предподаватель Наманганского государственного университета
e-mail:sqozaqov@mail.ru

ВЛИЯНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА НА РАЗВИТИЕ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы созданные государством возможности и использование семейного предпринимательства в условиях рыночной экономики страны. Также были исследованы преимущества семейного предпринимательства в условиях рыночных отношений. В связи с этим выясняется, что предпринимательская деятельность не нова для нашего народа, и они продолжали деятельность своих предков как династии с древних времен. В статье изучены причины возникновения семейного предпринимательства в нашей стране за годы независимости, проанализировано социально-экономическое значение развития семейного предпринимательства в условиях рыночных отношений. В статье говорится о том, что вовлечение в семейное предпринимательство оказывает положительное влияние на экономическое, духовное развитие общества, воплощает в себе межличностные отношения в семьях и координирует их целенаправленные действия. Изучены причины возникновения семейного предпринимательства в нашей стране за годы независимости, проанализированы социально-экономическое значение развития семейного предпринимательства в условиях рыночных отношений.

Ключевые слова: предпринимательство, семейный бизнес, семья, национальные ценности, ремесла, льготный кредит, имущественные отношения.

Qozoqov Sobirjon Zokirjonovich
Senior teacher at Namangan State University
e-mail:sqozaqov@mail.ru

FAMILIAL BUSINESS AND ITS INFLUENCE ON THE DEVILOPMENT OF THE SOCIETY

ANNOTATION

In the article, he analyzed the opportunities created by the state for family business activities and their use in the conditions of the market economy in our country. It also investigated the advantages of family entrepreneurship in the context of market relations. In this regard, it is revealed that entrepreneurial activity is not a novelty for our people and they have been continuing the activities of their ancestors since ancient times as a dynasty.The article examines the reasons for the emergence of family entrepreneurship in our country during the years of independence and analyzes the fact that the development of family entrepreneurship has an important socio-economic importance in the conditions of market relations.The article states that family entrepreneurship has apositive impact on the economic, spiritual development of the society, but also harmonizes their actions aimed at aparticular purpose, embodying the relationship between the individual and the individual in the families.The reasons for the emergence of family entrepreneurship in our country during the years of independence have been studied and analyzed that the development of family entrepreneurship has an important socio-economic importance in the conditions of market relations.

Key words: business, familial business, national traditions, family, craftsmanship,

business relations.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг иқтисодиётида оилавий тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўринни эгаллайди. Шу жумладан, ялпи миллий маҳсулотнинг Европа мамлакатларида 40-50 фоизини, Осиё давлатларида 65 фоиздан 82 фоизгача, Лотин Америкада 70 фоизга яқини оилавий тадбиркорлик фаолиятига тўғри келади. АҚШ иқтисодиётининг 95 фоиздан зиёдини оилавий тадбиркорлик ташкил этади [1, - Б. 347]. Шу сабабдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилди ва яратиб берилган имкониятлар натижасида ҳозирги кунда Республикамизда оилавий корхоналарнинг сони 13 мингдан ортиқни ташкил этмоқда [2].

Тадбиркорлик фаолияти ҳалқимиз учун янгилик ҳисобланмайди. Чунки, ҳалқимиз қадим замонлардан ота-боболарининг фаолиятини сулола сифатида давом эттириб келишган бўлиб, бу ҳалқимизнинг онгу-шуурига сингиб кетган қадриятларимиздан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий қадриятларимиздан бири бўлган оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ҳалқимизнинг маънавий меросини асрлар оша бизгача келишини таъминламоқда. Тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли - оилавий бизнесни ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилди [3, - Б.64].

Даставвал оилавий тадбиркорлик тушунчасининг илмий жиҳатларини ёритиб ўтиш лозим. 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида оилавий тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таъриф берилган.

Оилавий тадбиркорлик - оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир [4, - Б. 5].

Мамлакатимизда оиланинг ўрни ва у жамият тараққиётида алоҳида аҳамият касб этганлигини Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари бунга яққол мисол бўла олади: "Оила бизнинг ҳалқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада оилалар кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари биргаликда яшайди ва бирга хўжалик юритади, бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий қадриятлар анъаналардан баҳраманд қилишига билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди ана шундай анъаналардан, одамлар болалик чоғлариданоқ мехнатсеварлик катталарга хурмат, билимга интилишни ўрганадилар" [5, - Б. 256].

Хақиқатдан ҳам, мамлакатимиздаги оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда оилавий қадриятларга амал қилган ҳолда ўз фаолиятларини юритаётганлигидан далолат беради. Оилавий тадбиркорликнинг миллий қадриятларимизга мос келиши, яъни оилавий тадбиркорлик тузилмасини ташкил этишда оила бошлиғининг фикри устуворлигини англатади. Чунки, ҳалқимизнинг анъана ва қадриятларимиздан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, оилаларимизда катталарнинг фикри билан ҳисоблашиш муҳим аҳамиятни касб этади. Сабаби, қарор қабул қилишдаги сўнгги сўзни оила бошлиқларининг айтиши тадбиркорлик қарорларининг қабул қилишни осонлаштиради.

Ҳозирги кунда Республикамизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлари, Чуст, Марғилон, Қўқон ва бошқа шаҳарларида оилавий тадбиркорлик анча ривожланмоқда. Бу ишлар бевосита миллий ҳунармандчилигимиз билан боғлиқдир. Чунки, оилавий тадбиркорлик ҳар бир оилада муайян бир усулда у ёки бу даражада ота-боболар қон-қонимизга сингдирган, тарихан шаклланган маънавий қадрият бўлиб, оила аъзоларини жисмони ва интеллектуал салоҳиятида табиий равишда мавжуд бўлади. Фақат уни юзага чиқиши ва амалий натижалар ҳосил қилиши учун жамиятда зарурий, объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратилиши керак. Хусусий мулкчилик муносабатлари асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда яратилаётган қулай имкониятлар шу мақсадларга хизмат қилади [6].

Дарҳақиқат, оилада ёшларга миллий ҳунармандчиликдан сабоқ берилиши ўз навбатида ҳалқимиз орасида асрлардан бери сақланиб келаётган миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида оилавий тадбиркорликка яратилаётган қулайликлар туфайли, бу тенденция аста-секин ўзгариб бормоқда. Чунки, ҳозирги кунда шаҳар аҳолисининг муайян қисмини қишлоққа қайтишга ундаётган мотивлар ҳам шу тенденциянинг бир кўринишидир [7]. Шу билан биргаликда, ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, кўп оилаларнинг турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатди ва уларнинг касбкорларини ўзгартиришга мажбур қилди. Маҳаллий аҳоли орасида анъанавий усулларда тадбиркорлик фаолиятини юритишга интилишнинг ўсиб бораётганлиги, оилавий тадбиркорликнинг тикланиш ва ривожланиш жараёни учун асосланган истиқболли режалар ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг авж олиши, республикамиз аҳолисида кўп тармоқли фаолият юритишни, бир неча касб-ҳунарларни пухта ўзлаштиришни тақозо қилади. Бу ўринда оилавий шароитдан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир оила анъанавий ҳунармандчилик турларини тиклаш ва ривожлантиришга, шу орқали қўшимча даромад ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Шунингдек, республикамизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларга:

- Давлат томонидан имтиёзли кредитлар берилиши. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналарни қуриш ва таъмирлаш учун, чорва моллари ва парранда сотиб олишга ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бу имтиёзли кредитлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади [8].
- Оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун республика миқёсида "Ташаббус" кўрик танловини ҳар йили ўтказиб бориш;
- Давлат томонидан имтиёзли солиқ тизимини жорий этиш. 2019 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақидан тўланадиган солиқлар 12 фоизга туширилиб, даромад ва ягона ижтимоий тўловдан озод бўлди [9].

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Зеро, иш ҳаққи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг яшовчанлик моҳиятини йўқотди [10]. Мамлакатимиз тараққиётининг пировард мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга қаратилган. Шундай бўлгач, иқтисодий кўрсаткичлар

билан эмас, балки ҳар бир шахс, фуқаронинг фаровонлиги билан белгиланади. Жамиятга тадбиркорлар сонини бутун аҳолига эмас, маҳаллалар, оилалар сонига нисбатан олиш лозим. Ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришсакгина бутун аҳоли фаровонлигини таъминлашга мувофақ бўламиз. Мана шу эзгу мақсадни ўз олдига қўйган Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2018 йил 7 июнда "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури амалга ошириш бўйича Президент қарори чиқди. Биргина 2017 йил оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикамизда 1 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса [11, - Б.347], 2018 йилнинг ўзида "Ҳар бир оила-тадбиркор", "Ёшлар-келажагимиз" дастурларига мувофиқ давлатимиз томонидан 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди [12].

Бундан кўриниб турибдики, республикамизда оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиши, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз-ўзидан ҳар бир оиладаги мавжуд ишсизларни иш билан банд бўлиш имконини беради [13, - Б.465]. Шу билан биргаликда оилавий тадбиркорлик бир қанча афзалликларга ҳам эга. Буларга:

- оилавий тадбиркорликда мулкий муносабатларда зиддият бўлмаслиги;
- оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун катта маблағ талаб этилмаслиги;
- иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги муносабатда ҳам келишмовчиликларни барҳам топиши, чунки уларнинг иккисида ҳам битта оила аъзолари иштирок этади;
- меҳнат маҳсулидан манфаатдорлик ҳам бир ҳил бўлиши каби ҳолатлар киради. Шу туфайли, тадбиркорлик оламида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим концептуал аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда, Республикамизда оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган оилалар сони кўпайиб бормоқда. Бироқ, фаолиятини тўхтатган оилалар сони ҳам оз эмас. Бунга сабаб, бир томондан, бундай оилаларда хусусий ишни ривожлантириш учун зарур тажриба ва билимларнинг йўқлиги.

Иккинчи томондан, ишнинг ривожланишига бозор жараёнларини бошқариш тизимидаги баъзи мураккабликлар бунга йўл қўймайди.

Учинчи томондан, янги технологияга асосланган ахборот базасининг етарли эмаслиги.

Юқоридаги омилларга қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши ва рақобатбардошлиги унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ. Афсуски, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилалар кўпчилигининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари хали юқори эмас.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ келиши мумкин:

- оила доирасида тадбиркорликни ривожлантириш учун аввало, уларнинг фаолиятини кредитлашни соддалаштириш ва кенгайтириш зарур [14];
- тадбиркор оилаларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш, шартнома асосида ишлашда махсус малакали мутахассис кадрлар билан ёрдам бериш;
- умумий ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш;
- қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган

оилаларга ҳар томонлама, ҳам давлат, ҳам жамоатчилик томонидан қўшимча имтиёзлар яратиш каби омиллар [15].

Бундан ташқари, республикамизнинг социал-демографик ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда қишлоқларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш учун шаҳар билан қишлоқнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, шаҳарнинг қишлоққа комплекс ёрдамини уюштириш керак. Бунинг учун шаҳарлик тадбиркорларнинг эътиборини қишлоққа тортиш зарур. Сабаби, юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари етарли даражада ва шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш учун хом-ашё ҳам мавжуддир.

Шунингдек, шаҳарлик тадбиркорлар ёрдамида замонавий технологияларнинг қишлоққа олиб кирилиши қишлоқ аҳолиси, хусусан ёшларнинг замонавий касб-ҳунарлар билан шуғулланиш эхтиёжларини қондиришга, ишсизликни камайишига олиб келса, хом-ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш имконияти шаҳарлик тадбиркорларга яхшигина даромад ҳам бериши мумкин [16, - Б. 23].

Айтиш жоизки, юртимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Бош Қомусимизнинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Бундан ташқари, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик шаклида амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги ПФ-5780-сон Фармонида ҳам оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, унинг фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, 18 ёшгача бўлган шахсларнинг бу фаолиятда қатнашиши хусусиятлари, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу фаолиятни қўллаб-қувватлаш, субъектлар ва уларга ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ўз аксини топган [17].

Давр тақозоси билан бозор иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялашга қаратилган қонунчилик базасини бойитишга қаратилган янги 7 мартда 2019 йилда ПҚ-4231-сонли "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент Қарори қабул қилинди [18].

Қарорнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли

сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасининг яратилиши, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатланиши кучайиши ва янги иш жойларини ташкил этилиши каби имкониятларини ҳисобга олинганда партиямизнинг мақсад вазифаларига тўла мос келиши, электоратимиз манфаатларини ижтимоий кафолатланиши таъминланиши эътироф этилди.

Қонун лойиҳасида белгиланишига кўра оилавий корхоналар фаолияти соҳасида юридик шахслар учун белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолият турларини амалга оширишлари мумкин. Бунда оилавий корхоналар фаолиятининг асосий соҳалари истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш ва сервис бўйича фаолият ҳисобланади. Фаолият турлари рўйхатига ҳунармандчилик фаолияти ҳам киритилади.

Оилавий корхоналар микрофирмалар ва кичик корхоналарга ўхшаш молиявий хужжатлар ва статистик ҳисоботлар юритади. Оилавий корхона иштирокчилари ўртасидаги ўзаро мехнат муносабатлари улар томонидан мехнат қонунчилигига асосан мустақил равишда тартибга солинади. Оилавий корхона ва ёлланган ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар эса меҳнат қонунчилигида белгиланган меҳнат шартномаси билан амалга оширилади.

Оилавий корхона иштирокчилари эса нафақат мол-мулки негизидаги эрхотинлар, балки Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида белгиланганидек (57-59-моддалар) кариндошлик ҳамда қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик муносабатларида бўлган меҳнатга лаёқатли ёшга етган оиланинг бошқа аъзолари ҳам бўлишлари мумкин.

Оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- оилавий корхона иштирокчилари томонидан корхона устав фондини энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгилаш;

- оилавий корхона иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда ишчиларнинг рўйхатдаги умумий сонини фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун ўрнатилган ишчилар сонига мос ҳолда ҳамда иштирокчилари сони ками билан икки киши бўлишини белгилаш;

- оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар жойларни (кўп хонадонли уйларда жойлашган турар жойлар бундан мустасно) нотурар жойларга ўтказиш талабларини мавжуд эмаслиги, фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари;

- оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ солишдан озод этиш;

- аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича коммунал инфратузилма объектларига уланиш ва коммунал хизматлардан (электр энергияси, газ, сув таъминоти) фойдаланиш.

Шунингдек, оилавий корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланган рўйхатга кўра, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини сотишдан олинган тушумлар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинадилар [19].

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, оилавий

тадбиркорлик билан шуғулланиш жамиятнинг иқтисодий, маънавий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, оилаларда шахслараро муносабатларнинг мустаҳкамланишида ҳам ўз самарасини кўрсатади. Яъни, оилавий тадбиркорлик фаолияти оила аъзоларининг муносабатларини мужассамлаштиради ва уларнинг маълум мақсадга қаратилган ҳаракатларини уйғунлаштиради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018.- Б. 347.

2. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик қай даражада йўлга қўйилган? URL: https://daryo.uz/k/2019/01/21/ozbekistonda-oilaviy-tadbirkorlik-qay-darajada-yolga-qoyilgan / . (кўрилган муддати: 21.10.2019 йил).

3. Каримов И. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш - бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. 23-жилд. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2015. - Б. 64.

4. Ўзбекистон Республикасининг оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги Қонуни. - Тошкент, 2012. - Б. 5.

5. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 256.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги 2 май куни "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури ижросини сифатли ташкил этиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши материаллари // URL: http://xs.uz/uzkr/post/har-bir-oila-tadbirkor-dasturi-izhrosi-tanqidij-tahlil-qilindi (кўрилган муддати: 21.09.2019 йил).

7. Насриев И. Оилавий тадбиркорлик - жамият фаравонлигининг асоси URL: http://parliament.gov.uz/uz/events/fractions/7008/ (кўрилган муддати: 20.09.2019 йил).

8. "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури бўйича 8 фоизли имтиёзли кредитлар берилади URL: https://xabar.uz/iqtisodiyot/har-bir-oila-tadbirkor-dasturi-8-foizli-imtiyozli (кўрилган муддати: 11.10.2019 йил).

9. 2019 йилда ким қанча солиқ тўлайди URL: https://aniq.uz/yangiliklar/2019-yilda-kim-qancha-soliq-tulaydi (кўрилган муддати: 05.10.2019 йил).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

11. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. - Б. 347.

12. Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга Мурожаатномаси \\ Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабарь.

13. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. - Б. 465.

14. "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 20/1-сонли Қарори. -Тошкент, 2018.

15. Ҳар бир оила тадбиркор бўлади. URL: https://www.gazeta.uz/uz/ 2018/06/08/tadbirkorlik/ (кўрилган муддати: 19.09.2019 йил)

16. Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. - Ташкент: Фан. 2005. - С.23.

17. "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги ПФ-5780-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги Фармони

18. "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 7 март 2019 йил ПҚ-4231-сонли Президент Қарори.

19. Каримова Х. Оилавий тадбиркорлик - фаровонлик асоси URL: http:// parliament.gov.uz (кўрилган муддати: 19.10.2019 йил).

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Дўланбоева Ойгул Асилбек қизи,
Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти
e-mail: oyguldulanboyeva@mail.ru

"ИЖОД" ТУШУНЧАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

For citation: *Dulanboyeva Oygul Asilbek kizi,THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF STUDIES OF THE CONCEPT OF "CREATIVITY". International Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 102-111*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-11

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ижтимоий фанларда "ижод" тушунчасини ўрганиш тарихига бағишланади. "Ижод" тушунчаси генезиси турли фалсафий концепциялар талқинида кўриб ўтилади. Фалсафий нуқтаи назарга кўра, ижодкорлик - бу ижтимоий тараққиёт ва инсон эркинлигига хизмат қилувчи янгиликларни яратишдир. Бу ўринда турли фалсафий концепциялар ижод жараёнининг мазмун моҳиятини турлича талқин қиладилар. Баъзи фалсафий мактаблар ижодкорликни инсоннинг ҳеч нарса билан шартланмаган эркин фаолият маҳсули сифатида баҳолайдилар. Бошқалари эса, бу жараённи табиат ва инсонни яратган "олий тафаккур", яъни яратганнинг фаолиятига тақлид сифатида кўрсатадилар. Бу маънода: ностандарт қарор қабул қилиш, таваккалчилик қобилияти, ўз индивидуал сифатларини намойиш этишдан қўрқмаслик ижодкор шахсиятининг муҳим белгилари саналади. Бундан ташқари мақолада: антик, ўрта асрлар, уйғониш ва янги давр, шунингдек, замонавий, ахборотлашган жамият шароитида ижод муаммоси, ижодкорлик аҳамияти ҳақидаги бир қатор ёндашувлар келтирилади. Креативлик ва ижодий қобилият ўртасидаги фарқ, уларнинг ўзаро мураккаб синтезлашиш жараёни таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: ижод, ижодий жараён, креативлик, ижодий тафаккур, онг ости, ахборотлашган жамият, ижтимоийлашув, анъанавий жамият, ижтимоий меъёр, қадриятлар тизими.

Дуланбаева Ойгул Асилбек кизи,
Докторант PhD Национального университета Узбекистана
e-mail: oyguldulanboyeva@mail.ru

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ПОНЯТИЯ "ТВОРЧЕСТВО"

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена истории изучения понятия "творчество" в социальных науках. Понятие "творчество" рассматривается в трактовании генезиса различных философских концепций. С философской точки зрения творчество - это создание новшеств, которые служат социальному прогрессу и свободе человека. На этом месте различные философские концепции по-разному трактуют суть творческого процесса. Некоторые философские школы рассматривают творчество как продукт свободной деятельности человека, который ничем не обусловлен. Другие указывают на этот процесс как "высшее мышление", созданное природой и человеком, то есть как имитации деятельности Творца. В этом смысле: умение принимать нестандартные решения, рисковать, не бояться демонстрировать свои индивидуальные качества являются важными признаками творческой личности. Кроме того, в статье приводится ряд подходов к проблеме творчества, важности творчества в условиях античности, Средневековья, Возрождения и новой эры, а также современного, информационного общества. Разница между креативностью и творческими способностями анализируется в процессе их взаимного сложного синтеза.

Ключевые слова: творчество, творческий процесс, креативность, творческое мышление, подсознание, информационное общество, социализация, традиционное общество, социальная норма, система ценностей.

Dulanboyeva Oygul Asilbek kizi,
PhD student of National University of Uzbekistan
e-mail: oyguldulanboyeva@mail.ru

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF STUDIES OF THE CONCEPT OF "CREATIVITY"

ANNOTATION

The article is devoted to the history of studying the genesis of the concept of "creativity" in the social sciences. The genesis of "creativity" is considered in the interpretation of various philosophical concepts. From a philosophical point of view, creativity is the creation of the new in the interests of social progress and the growth of human freedom. Moreover, different philosophical trends determine the essence and content of creativity in different ways. Some see it in the free, unconditioned, arbitrary activity of man, others associate it with the activity of God, who creates the natural world and man himself.The main qualities of acreative person with full equipment include the ability to make non-standard decisions, risk, lack of fear of realizing their individual qualities. Moreover, the articles cite different approaches to the problem of creativity, the creative personality in the era of antiquity, the Middle Ages, objection and the new era and in the condition of the information society. And also the difference of the concepts of "creativity" and "criticism" is analyzed and the process of their peculiar synthesis is considered.

Keywords: creativity, creative process, criticality, creative thinking, socialization, information society, traditional society, subconscious mind, social norms, value system.

"Ижод" тушунчаси санъат, адабиёт, фалсафа, психология социология ва бошқа ижтимоий фанларнинг асосий категорияларидан бири саналади. Антик давр файласуфларидан тортиб, бугунги кун замонавий олимлари ҳам, ижод жараёнини илҳомланишнинг ўзига хос намоён бўлиш шакли сифатида таърифлашга уринганлар. Кўриниб турибдики, ижод жараён, тушунча ҳамда ижтимоий феномен сифатида кишилик жамияти тафаккури тарихий тараққиётининг барча даврларида илмий ва фалсафий мушоҳада марказида турган. У турли даврларда, турфа нуқтаи назарлар позициясидан туриб талқин ва тадқиқ этилган. Биргина ижод, тушунча сифатида хилма-хил, айрим ҳолларда ўзаро бир-бирини истисно этувчи зиддиятли талқинларни ҳам касб этган. Буни юқорида ҳам таъкидлангани сингари ижод тушунчасининг соҳалараро тадқиқотлар учун предмет бўла олиш хусусияти билан ҳам изоҳлаш мумкин. Қолаверса, ижоднинг тушунча сифатида шаклланиш жараёни ҳам динамик хусусият касб этиб, унинг эволюцияси ҳам узоқ хронологик муддатни ўз ичига қамраб олади. Қизиқарлиси шундаки, ижод тушунчаси бугунги кунга келиб ҳам ривожланиб, янгидан янги маънолар касб этиб бормоқда.

Ижод феноменини тушуниш, уни тасвирлаш кундалик ҳаётда кузатиладиган қуйидаги парадоксал фикрга олиб келади: одатда ижод муаммоси билан шуғулланадиган кишилар, у ҳақида кўп нарса билишларига, китоб ёзишларига қарамай, ўзлари ҳеч нима яратмайдилар, санъат илм-фан соҳасида янгилик яратувчи, ижод қилувчи кишилар эса, аксинча, ижод жараёнини қандай кечишини тасвирлаб бера олмайдилар. Кўпинча, уларнинг шахсий тажрибалари ушбу жараён ҳақида умумий хулоса ва тавсиялар беришга етарли бўлмайди [1, - Б. 511].

Бу маънода: ўзига ишонч, таваккалчилик, бошқаларга ўхшамасликдан қўрқмаслик, кенг тасаввур, онг остининг фаоллиги ижодкор шахсиятининг асосий хусусиятлари сифатида кўрсатилади. Узоққа мўлжалланган, натижа олишга қаратилган пухта режадан кўра, интуиция, тасодифийлик, спонтан ҳаракат ижодкорликнинг асосий механизми ҳисобланади.

Фалсафий нуқтаи назарга кўра, ижодкорлик - бу, ижтимоий тараққиёт ва инсон эркинлигига хизмат қилувчи янгиликларни яратишдир. Бу ўринда турли фалсафий концепциялар ижод жараёнининг мазмун моҳиятини турлича талқин қиладилар. Баъзи фалсафий мактаблар ижодкорликни инсоннинг ҳеч нарса билан шартланмаган эркин фаолият маҳсули сифатида баҳолайдилар. Бошқалари эса, бу жараённи табиат ва инсонни яратган "олий тафаккур", яъни яратганинг фаолиятига тақлид сифатида кўрсатадилар.

Антик даврда ижод тушунчаси ўзгарувчан, беқарор, чегараланган борлиқ тушунчаси билан боғлиқ тарзда тушунтирилган. Мушоҳада қилиш - фаолиятнинг энг олий шакли сифатида баҳоланган, яъни мушоҳада қилиш, яратиш, ижод қилишдан афзал кўрилган. Бу даврда ижод тушунчаси қуйидаги икки хил шаклда талқин этилган:

1. Ижод бу - яратганнинг бевосита фаолияти, яъни борлиқнинг яратилиши.
2. Ижод бу - санъат ёки ҳунармандчилик кўринишидаги инсон фаолияти.

Гераклит, Демокрит, Аристотел каби антик файласуфларнинг фикрича, ижодкорлик бу - илоҳиётдан ҳоли тушунча бўлиб, у янги, ноёб, бетакрор нарса яратишни англатади. Бу маънода ижодкорлик қобилияти мушоҳада қилиш фаолиятига бўйсундирилади, чунки, ижод жараёни илоҳий мушоҳада қилишнинг муайян кўриниши тарзида намоён бўлади. Шу боис, ҳар қандай фаолият, хусусан ижодий фаолият ҳам, ақлий мушоҳадага нисбатан иккиламчи табиат касб этади.

Чунки, инсон ижод қилиш натижасида муайян меъёрга эга, чегараланган нарса яратади, ақлий мушоҳада жараёнида эса, у чексиз, абадий борлиққа интилади [2, - Б. 21-35].

Қадимги юнон файласуфлари санъатни умумий ижодий фаолиятдан ажратмайдилар. Бироқ, шунга қарамай, санъаткорликни бошқа ижодий фаолият турларига нисбатан илоҳий таъсирга эга, деб ҳисоблаганлар. Бу қараш, айниқса, Платоннинг Эрос ҳақидаги ғояларида кенг ёритилади. Платонга кўра, илоҳий ижод маҳсули бўлган олам, илоҳий мушоҳаданинг таркибий қисми саналади. Худди шунингдек, инсоннинг ҳар қандай ижод маҳсули ҳам, унинг илоҳий мушоҳадага интилиши натижасида юзага келади. Ушбу интилиш руҳ ва ақлнинг "олий гўзалликни" мушоҳада қилишга интилиш, яъни том маънодаги Эрос ҳолатини англатади [3, - Б. 21-35].

Кейинчалик ижод жараёнига янгича ёндашув ўрта асрлар христианлик фалсафасида ўзига хос тарзда шаклланди. Ушбу ёндашув, қадимги яхудийлик анъанасидаги теостик ҳамда антик фалсафадаги пантеистик тенденцияларни ўзида мужассамлаштирди.

Биринчи тенденцияга кўра, худо яратувчи (персона), шахс сифатида намоён бўлади. У оламни қандайдир мутлоқ (прообраз) намунага қараб эмас, ўз иродасига мувофиқ, эркин яратади. Бу ўринда "ижод" тушунчаси том маънода илоҳий ирода натижасида йўқдан бор қилиш ҳаракатини англатади.

Иккинчи тенденция антик фалсафа анъаналарига яқин бўлиб, "ижод" тушунчаси кўпроқ, инсоннинг санъаткорлик фаолияти билан белгиланади. Ушбу тенденция сўнгги ўрта асрлар схоластларининг асарларида акс эттирилади.

У ёки, бу тенденцияга мансублигига қарамай, христиан файласуфлари инсон ижодкорлигини тарихни яратиш жараёни сифатида қабул қилганлар. Унга кўра, худонинг иродаси фақат инсоният тарихи орқали амалга ошади. Инсон ақл тафаккури билан эмас, балки эътиқод ва танлов эркинлиги билан худога яқинлашади. Натижада, унинг шахсий хатти-ҳаракати, индивидуал қарори ўзига хос маъно касб этади. Ушбу контекстда ижодкорлик ахлоқий ва диний нуқтаи назардан баҳоланади ва у қандайдир янги, ноёб, бетакрор нарсани яратиш сифатида намоён бўлади. Санъат ёки ҳунармандчилик кўринишидаги ижодкорлик эса чекланган, иккинчи даражали фаолият саналади, чунки, инсон ўз ижодкорлиги билан бевосита яратганга тақлид қилади [4].

Инсон ижодкорлигига янгича қараш уйғониш давридан бошланди. Бу даврга келиб, инсон ақл тафаккури диний догмалардан халос бўла бошлади, оқибатда унинг ўзи яратувчи сифатида майдонга чиқди. Ижодкорлик эстетик мушоҳадага асосланган фаолият тури сифатида белгиланди. Айнан уйғониш даврида ижод жараёни, ижодкор шахсияти каби муаммоларга катта эътибор қаратилди. Антик ва ўрта аср қарашларидан фарқли равишда, кейинги, замонавий даврга хос бўлган ёндашувлар шакллантирилди.

Янги даврга келиб, "ижод" тушунчаси икки ёқлама маъно касб эта бошлади. Бир томондан янги давр пантеизми антик анъаналарга таянган ҳолда, ижодкорликни ақлий мушоҳада ва тафаккурга нисбатан иккиламчи деб билса, иккинчи томондан, протестантизм, айниқса, инглиз эмперизми таъсирида шаклланган фалсафий мактаблар ижодкорликнинг амалий жиҳатларига диққат қаратди. Эмперизмга кўра, ижодкорлик позитив ҳодиса, бироқ у мавжуд дунёқараш ва анъаналарнинг турли комбинацияси натижасида юзага келади.

Фақатгина XVIII асрнинг иккинчи ярмида, немис файласуфи Иммануел Кант

томонидан ижодкорликнинг яхлит концепцияси ишлаб чиқилди. Кант ижод жараёнини тасаввурнинг фаол маҳсулдорлиги сифатида ўрганди. У протестантизмнинг ижод ҳақидаги, (ижодкорлик оламга янги қиёфа беради ва инсонни шакллантиради), деган ғояларини давом этириб, ижод жараёни структурасини субъектив онг ва тасаввурнинг муҳим элементларидан бири сифатида кўрсатади.

Кант қарашларига кўра, тасаввурнинг ижодий қобилияти сезги, идрок, тафаккурни ўзига хос боғловчи асос саналади. У айни пайтда сезги ва ақлни ўзаро бирлаштирувчи куч ҳамдир. Трансцендентал тасаввур бир пайтнинг ўзида ақлий мушоҳадага ва фаолиятга айнан бўлиб, уларнинг ҳар иккисига ҳам асос бўла олади.

Трансцендентал тасаввур деганда Кант, онг ости ва онг фаолиятининг яхлитлигини тушунади. "Инсон худди табиат каби онгланмаган тарзда ижод қилади, яратади, деб ёзади Кант, уларнинг фарқи шундаки, табиатда бу ҳол объектив, инсонда эса, субъектив, эркин тарзда кечади. Бу маънода ижодкорлик инсон табиатига хос саналади [5, - Б. 54-55].

Бундан ташқари, Кант ижод жараёнидаги эркинлик, спонтан ҳаракатга ҳам эътибор қаратади. "Ижотдаги эркинлик, спонтан ҳаракат ихтирочилик, кашфиётчиликни белгилайди. Ундаги мушоҳадага бўлган зарурат ахлоқий тартиб ва категориал императивга боғлиқ" [6, - Б. 90-92].

Кантнинг трансцендентал тасаввур ҳақидаги таълимоти яна бир немис файласуфи Фридрих Шеллинг томонидан давом этирилади. Шеллингга кўра, тасаввурнинг ижодий қобилияти онг ва онг ости фаолиятининг яхлитлигига боғлиқ. Ижод жараёнининг онг ости жихати эркин ва субъектив тарзда амалга ошади. "Ижод ҳамда санъаткор ва файласуф олимнинг ижодкорлиги инсон ҳаёт фаолиятининг олий шакли ҳисобланади. Инсон фақат ижод орқали (олий мутлоқликка), бошқача қилиб айтганда худога яқинлашади" [7].

Немис мумтоз фалсафасида бадиий ижодга эҳтиром билан биргаликда тафаккур тарихига нисбатан қизиқиш ҳам ортиб борди. Ушбу тенденция тарих тушунчасига нисбатан антик ва ўрта асрлардаги қарашлардан бутунлай фарқ қилувчи янги ғояларни юзага келтирди. Бу маънода тарих турли трансцендентликдан ҳоли, инсон фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлди. Ушбу қараш немис мумтоз фалсафасининг яна бир вакилларидан бири Георг Гегелнинг таълимотида акс этади. Гегел барча мавжудотнинг бирламчи асосини мутлоқ руҳ, олам руҳи, ижодий ибтидода кўради. У назарда тутган мутлоқ руҳ онтологик маънода табиат ва тарихда намоён бўлади. "Мутлоқ руҳ турли шаклда намоён бўлиб, ниҳоят мукаммаликка, ўз ўзини англашга эришади" [8, - Б. 29-31].

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида "ижод" тушунчаси механик ҳаракатга қарши фаолият сифатида талқин этилди. Ижод муаммоси, айниқса, "Ҳаёт фалсафаси" мактаби вакиллари томонидан чуқур ўрганилди. Француз файласуфи Анри Бергсон ўзига хос "ижод" концепциясини ишлаб чиқди. Унга кўра, "ижод" бу - узлуксиз янгиланиш бўлиб, у ҳаёт маъносини ташкил этади; у эскиликнинг турли комбинациясини акс этувчи техник фаолият ва субъективликка қарши ўлароқ, объектив тарзда амалга ошади. Табиатда у: туғилиш, ўсиш, етилиш билан, тафаккурда эса, янги ғоя ва тасаввурларни пайдо бўлиши билан белгиланади.

Экзистенционализм фалсафасига кўра, шахс ижодкорликнинг ўзига хос моҳиятини ташкил этади. Бу маънода шахс экзистенция, яъни эркинликнинг иррационал ибтидоси, табиат ва ижтимоийликдан ташқари метофизик мазмунда

талқин этилади. Немес файласуфи Мартин Хайдеггер ҳамда, рус файласуфи Н.А.Бердяевнинг қарашларига кўра, ижодий экстаз, экзистенция мавжудлигининг мақбул шакли ҳисобланади.

Н.А.Бердяев инсонни маданиятнинг яратувчиси, шахсни эса, маданиятнинг том маънодаги субъекти сифатида баҳолайди. Ушбу талқин инсон ижодининг маҳсули бўлган маданиятга, шунингдек, маданият ва шахс ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг моҳиятини чуқур таҳлил қилишга имкон беради.

Бердяевга кўра, инсон шахс сифатида биринчи ўринга чиқади, эркин ижодкор шахс эса, маданиятнинг ҳар қандай чегараларидан юқори туради. Ушбу ёндашув маданият моҳиятидаги турли қарама-қаршиликларни илғашга имкон яратади. Ижод маҳсули сифатида маданият чексиз эркинликка интилади, турли рамзлар, қадриятлар, анъаналар кўринишидаги маданият шакли эса шахс эркинлигини чегаралашга сабаб бўлади. Маданият негизидаги бу қарама-қаршилик бир томондан шахснинг ижтимоийлашувига хизмат қилса, бошқа томондан эса шахсдаги ижодий потенциалга тўсқинлик қилади [9].

XX асрда кенг тарқалган марксистик фалсафага кўра "ижод" тушунчаси инсоннинг табиат ва ижтимоий муҳитни ўз эҳтиёжига мувофиқ мослаштириш, шакллантиришга қаратилган фаолияти сифатида талқин этилади. Унга кўра, ижоднинг идеалистик ва метафизик талқини кескин танқид қилинади. Яратувчи фаолият сифатида ижод ўзининг ноёблиги, самарадорлиги, бетакрорлиги ҳамда ижтимоий-тарихий аҳамиятлилиги билан характерланади. Марксистик қараш немис мумтоз фалсафасида илгари сурилган (табиатнинг ижодкорлик) ғоясини инкор қилади. "Табиатда ижод эмас, ривожланиш жараёни юз беради. Ижод унга таъсир этувчи атроф-муҳит ва муайян ижтимоий-тарихий шароитда вужудга келади. Бундан ташқари ижод субъектини ўраб турган мавжуд социомаданий муҳит ҳам, муҳим аҳамиятга эга. Илм-фан ва бадиий ижод ривожланишининг зарур шароитларидан яна бири, танқидий тафаккурнинг эркинлиги, ғоялар алмашинуви ва кураши, ижодий баҳс ва мунозараларнинг мавжудлиги саналади [10, - Б. 12].

XX асрдаги: прагматизм, инструментализм, неопозитивизм каби фалсафий йўналишларда "ижод" тушунчаси бир ёқлама, фақат прагматистик нуқтаи назардан баҳоланади. Бу ўринда ижодкорлик муайян вазиятдаги мақсадни амалга оширишга қаратилган ихтирочилик сифатида қабул қилинади.

Ижодкорликка интеллектуал нуқтаи назардан ёндашувчи фалсафий мактаблардан яна бири: феноменология ва неореализм йўналишидир. Ушбу йўналиш вакилларининг қарашларига мувофиқ, ижод биринчи навбатда фаолиятга эмас, интеллектуал мушоҳадага асосланади. Бу ўринда файласуфларнинг аксарияти фан соҳаларига кенг эътибор қаратадилар. Бироқ, улар фан деганда, табиий фан соҳаларини эмас, математикани назарда тутадилар. Бу маънода илмий билишнинг асосини, инструментализм йўналиши таъкидлаганидек, фаолият эмас, интеллектуал мушоҳада қилиш ташкил этади.

XX аср ижод муаммоси, ижодкорлик ҳақидаги қарашларда кескин бурилиш ясади. Бир томондан, глобаллашаётган оламда субъект - шахс аҳамиятининг ортиб бориши, бошқа томондан эса ўзгариб бораётган оламда унинг ўрни, қадриятлар тизимини қайта баҳолаш зарурати турли мазмундаги ижод фалсафаси концепцияларини вужудга келишига сабаб бўлди. XIX аср дунё манзарасини шакллантирган борлиқ ва онг дуализми гуманистик инқироз маҳсули эди. Шахс ва уни ўраб турган реаллик ўртасидаги зиддият, бегоналашув инсон онгида янги маънодаги реалликни яратишга зарурат уйғотди.

XX аср фалсафий тафаккурида ижодкор шахс, ижод жараёни муаммолари алоҳида индивид дунёқарашидан тортиб, жамият ижтимоий ҳаётида кечган ўзгаришлар таъсири остида шаклланди. Бу жараёнлар янгича дунёқараш сифатида қабул қилинган модернизм фалсафасида яққол акс этди.

Модернизм - XX асрнинг биринчи ярмида буржуа санъатининг етакчи фалсафий йўналишларидан бири саналади. Бу давр Европада классик санъат қадриятларининг инқирозли даври ҳисобланади. Бу даврда нафақат санъатда, дунёқарашнинг барча соҳаларида метафизик барқарорликка асосланган фундаментал қадриятларни кескин инкор қилиш тенденцияси кузатилади.

Ушбу фалсафий йўналиш, айниқса, иккита жаҳон уруши даврида кенг ривожланди ва янгича қадриятларга асосланган ўзига хос дунёқараш тарзини шакллантириш билан бирга, инсон тафаккурида принципиал ўзгариш ясади. Анъанавий дунёқараш ва қадриятлар шаклини инкор қилар экан, модернизм, ўша даврда маргинал, дея қабул қилинган маданият элементлари синтези ҳамда тенденциялари асосида ўзига хос дунёни англаш ҳамда муносабатларнинг комплекс тизимини яратди.

Ўзидан олдинги фалсафий қарашлардан фарқли ўлароқ, ушбу тизим ноизчиллиги, кескин принципиалликни инкор қилиши, енгиллиги ва мантиқий ишланмаганлиги билан ажралиб турарди. Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар модернизмнинг мазмун моҳиятини ташкил этиб, уни аввалги рационал маданиятдан воз кечганлигини англатади.

"Ижод" тушунчасига неоклассик ёндашув дастлаб анъанавий санъат сақлаб қолган муҳим қадриятларнинг инқирози ва тугатилиши сифатида қабул қилинди. Табиийки, бу маънода эски санъатни кескин рад этиш модернизмнинг асосий хусусиятларидан бири эди. Бироқ, бу жараён айни пайтда "маданий реторт", яъни янгича маданият тизимини яратиш жараёни ҳам бўлди.

XX асрнинг 60 йилларида Ғарб жамиятлари маданий ҳаётида янгича оқим - постмодернизм йўналиши вужудга келди. Мазкур фалсафий йўналиш уйғониш ва маърифатпарварлик даврларида идеал бўлган: "Умумий прогресс (тараққиётга ишонч)", "Тафаккур тантанаси", "Инсон имкониятларининг чексизлиги" каби ғояларга нисбатан ишончсизликни уйғотди. Бу даврда турли жамиятларда кечган постмодернистик ғояларни умумийлиги шундаки, ушбу қарашларни "Давр инқирози", "Маданий энтропия" каби атамалар билан номлаш тенденцияси кузатилади.

"Постмодернизм" тушунчаси замонавий фалсафий рефлекцияда тафаккур қилишнинг янгича шакли бўлиб, у акциологик маънода нафақат классик балки, неоклассик анъаналарни ҳам инкор қилади ва ўзини замонавий постмодернистик фалсафа сифатида намоён этади.

Постмодернизм ёндашувидаги классик ва неоклассик фалсафий анъаналардан чегараланиш дастурига қарамай, унинг генезиси кўп жиҳатдан неоклассик дунёқараш шакллари, хусусан: постструктурализм, структурали психоанализ, неомарксизм, феноменология, Хайдеггер таълимоти, шунингдек, семиотика, структуал лингвистика, диалог фалсафаси, каби йўналишларга бориб тақалади [11].

Маданият нуқтаи назаридан постмодернизм бадиий авангард сифатида намоён бўлиб, маънавий маданият соҳасида илмий ва кундалик онг, элитар ва омма санъати ўртасидаги чегараларни бузишни назарда тутади. Постмодернизм жамиятда маданий ўзгаришларни ифодалаб, санъатдан илмийликка ўтиш жараёнини

мустаҳкамлайди.

Бу ўринда постмодернизм эстетик мўлжалларни ноанъанавий, оргинал асарларни яратишга қаратади. У "кундалик онг ва маънавият", "соддалик ва мураккаблик", "эзгулик ва ёвузлик", "гўзаллик ва ҳунуклик" тушунчалари тўсиқни бартараф этишга интилади. Постмодернизм яхлит концепция сифатида: француз файласуфлари: Жели Делез, Жан Бодрийяр, Жорж Батай Морис Мерлоларнинг асарларида акс этади [12].

Шундай қилиб, "ижод" тушунчаси генезисини турли фалсафий йўналишлар кесимида таҳлил қилиш жараёнида уни икки хил аспектда ўрганиш мумкинлигини кузатамиз:

1 - фалсафий аспект; у ижод табиатига тааллуқли бўлиб, уни универсал олий шакл, яъни креативлик сифатида тушунтиради.

2 - психологик аспект; у ижод жараёнининг механизмини ўрганишни назарда тутади.

Шуни эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, ҳар қандай ижод феномени муайян ижтимоий шароитда юзага келади. Бунинг учун жамиятда танқидий тафаккурга, фикрлар алмашинувига, социал мобилликка, ижодий баҳсларнинг очиқлигига, зарур ахборотни олиш эркинлигига, фан ва маданият ютуқларидан хабардорликка имкон берувчи ижтимоий маданий муҳит талаб этилади.

Кишилик жамиятининг ҳар қандай тарихий босқичида ижод ҳеч қачон батамом йўқ бўлиб кетмайди. Ҳамма даврлдарда ҳам истеъдотли инсонлар туғилади ва буюк асарлар яратилади, оламшумул кашфиёт ва ихтиролар қилинади. Бой тасаввур, илҳомланиш, ижодий анъаналар ушбу жараённинг асосини ташкил этади. Бу ўринда ижоднинг прагматик мақсадга қаратилмаган спонтан - тасодифий хусусиятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Бироқ, глобаллашув ва ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида ўзига хос ижодий қобилият - креативликка талаб ортиб бормоқда. Чунки, айнан XX асрнинг ўрталарига келиб, олимлар ушбу икки тушунча, "креативлик" ва "ижод" ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатишди. Унга кўра, креативликнинг ижодкорликдан фарқи, креативликда спонтан - тасодифийлик йўқ, прагматик мақсад эса, аксинча, асосий хусусиятлардан бири саналади.

Зеро, айнан ушбу даврда ахборотлашган жамият таъсирида, маҳсулот яратишнинг фақат прагматик мақсадларга асосланган технологиялари ишлаб чиқилди. Оқибатда, ижод намуналари ҳам муайян маҳсулот, товар сифатида баҳоланди. Мазкур жараёнлар ижод, ижодкорлик ҳақидаги аввалги тасаввурларни кескин ўзгартириб юборди.

Ахборот технологияларининг инқилоби такрорий жараёнлар ва амалий билимларга асосланган инновацион муҳитни шакллантирди. Ахборот технологияларининг тараққиёти, уларнинг мураккаблиги, тезкорлиги кишилардаги интеллектуал, ижодий салоҳиятнинг ошишига, шунингдек, маънавий қиёфанинг ўзгаришига сабаб бўлди. Ахборот оқими туфайли тўпланган билимлар ёрдамида кишилар учун ўз-ўзини интеллектуал ривожлантиришга имкон яратилди.

Ушбу давр ахборот технологияларининг ўзига хос принципиал жиҳатларидан бири бу - керакли билимни олиш, уни сақлаш, узатиш, фойдаланишнинг бутунлай янгича, сифатий усулларининг мавжудлигидир. Бундан ташқари бу жараёнларнинг бари зарур ахборот улашиш воситалари томонидан таъминланади ва амалга оширилади [13].

Амалий аҳамиятга эга махсус касбий билимларнинг ортиши натижасида юзага

келган меҳнат шароити ва талабининг ортиши, мураккаб технологиялар ва ахборот оқимига эришиш, уларни қайта ишлаш имконияти, шунингдек, меҳнатнинг индивидуаллашуви кишилардан, турли билим, кўникмаларни бирлаштиришга қаратилган ижодий салоҳиятни доимий ошириб боришни талаб этмоқда.

Креативлик - айнан ушбу даврда ахборотлашган жамиятнинг энг муҳим элементи ва асосий шарти ҳисобланади. Бунга қадар "креативлик" тушунчаси истеъмолга киритилмаган бўлиб, яратувчанлик қобилияти "ижод" категорияси билан ифодаланарди. Бироқ, ижтимоий ҳаётга янги интерактив мулоқот шаклларининг кириб келиши оқибатида фақат "ижод" тушунчасининг ўзи етарли бўлмай қолди.

Замонавий жамиятда кишилар янги фаолият турларига тез мослашишга, ўз имкониятларини муваффақиятли амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Мақсадга эришишда ностандарт қарор қабул қилиш, дастлаб имконсиз кўринган вазиятлардан чиқишнинг осон йўлларини ўйлаб топиш, қўйилган вазифани бажаришнинг янги, ноёб воситаларини кашф этишга интилиш ҳар бир соҳада муваффақиятга асос бўлмоқда. Постиндустриал жамият шароитида ахборотни бошқариш механизмларига эгалик қилиш, касбий ва шахсий сифатларини узлуксиз такомиллаштириш қадриятини англаган алоҳида шахслар учун муҳим заруратга айланмоқда.

Креативлик муаммосига бағишланган аксарият тадқиқотларда ушбу фаолиятнинг психологик жиҳатларига, объектив реалликни идрок қилишнинг ўзига хос томонларига, шахснинг мустақил, эркин, танқидий фикрлаш ҳамда мураккаб вазиятларда қарор қабул қила олиш қобилияти билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилади.

Бу маънода ижод доимий фундаментал ва бирламчи, креативлик эса прагматик мақсадга бўйсундирилади. Бундан ташқари, креативлик ижодсиз мавжуд бўла олмайди, у ижодни амалга оширишнинг, ижод жараёнини ташкил этишнинг муҳим технологияси саналади ва турли социомаданий шаклларда намоён бўлади. Ахборотлашган жамият шароитида ижод ва креативликнинг мураккаб синтези шаклланди. Шунингдек, ижод қобилиятини намоён бўлишида креативлик ўзига хос қонуният бўлиб, у ижодкорлик генезисини ўрганишда якуний босқич эмас, деган хулосани келтириб чиқаради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Губин В.Д. Философия / В.Д. Губин, Т.Ю.Сидорина, В.П.Филатов. - М.: ТОН-Остожье, 2001. - С. 511.

2. Аристотель. О душе / Аристотель. - М.: Рипол Классик, 2019. - С.21-35.

3. Аристотель. О душе / Аристотель. - М.: Рипол Классик, 2019. - С.21-35.

4. www.krearratia.ru.

5. Кант И. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н. Лосского сверен и отредактирован Ц. Г. Арзаканяном и М. И. Иткиным; Примеч. Ц. Г. Арзаканяна. - М.: Эксмо, 2007. - С.54-55.

6. Кант И. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н. Лосского сверен и отредактирован Ц. Г. Арзаканяном и М. И. Иткиным; Примеч. Ц. Г. Арзаканяна. - М.: Эксмо, 2007. - С.90-92.

7. https://uchebnikfree.com/etika/filosofiya-iskusstva-shellinga-55822.html

8. Кузнецов В.Н. Немецкая классическая философия второй половины XVIII-начала XIX века: Учеб. пособие для ун-тов. -М.:Высш. шк., 1989. - С.29-31.

9. Кузнецов В.Н. Немецкая классическая философия второй половины XVIII-начала XIX века: Учеб. пособие для ун-тов. -М.:Высш. шк., 1989. - 480 с.
10. Бердяев Н.А. Предсмертные мысли Фауста / Н.А.Бердяев // Лит. газета. 1989. № 12.
11. www.superidea.ru.
12. Грицанов А.А. Новейший философский словарь / А.А.Грицанов. Минск: Книжный Дом, 2003. - 1280 с.
13. Козловский И. Культура постмодернизма / И.Козловский. - М., 1997.

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Толипов Абдуғаффор Абдунаби ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институт
кафедра бошлиғининг ўринбосари
atolipov80@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ

For citation: *Tolipov Abdugaffar, Status and dynamics of crime among youth in Uzbekistan Journal of Social Studies. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 112-120*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-12

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёшлар жиноятчилигининг ҳолати ва динамикаси ҳақида сўз юритилган. Мамлакат ёшларининг жиноятчилик йўлига кириш сабаблари аниқланган ва таҳлил этилган. Ўзбекистонда аҳолининг социал таркибида ёшлар 60% ошиқроғини ташкил этиб, содир бўлаётган жиноятчиларнинг маълум бир миқдори ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Мақолада ёшларни жиноятчилик йўлига киришининг социал сабаблари ва оқибатлари, ҳамда ривожланган давлатларда ёшлар муаммоси каби жиҳатлар таҳлил этилган. Мамлакатимизда олиб борилаётган Ёшларга оид давлат сиёсатида ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш ва уларнинг социал фаолиятини тўғри ташкил этиш, шунингдек, ривожланган давлатларда ёшлар муаммоси каби жиҳатлари таҳлили келтирилган. Муаллифнинг ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг юзага келишини олдини олиш борасида таклиф ва тавсиялари берилган.

Калит сўзлар: ёшлар, жиноятчилик, жиноятчилик ҳолати, ёшлар наркоманияси, махсус адабиётлар, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти, ёшлар ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари тизими, бола ҳуқуқлари.

Талипов Абдугаффор Абдунаби угли
Заместитель начальника кафедры военно-технического института
Национальной гвардии Республики Узбекистан
atolipov80@ mail.ru

СОСТОЯНИЕ И ДИНАМИКА ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ

МОЛОДЕЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается состояние и динамика молодежной преступности. Выявлены и проанализированы причины вовлечения молодежи нашей страны в преступную деятельность. В Узбекистане молодежь составляет более 60% от общей численности населения, и определенный процент приходится на молодых людей с преступностью. В статье анализируются социальные причины и последствия вовлечения молодежи в преступную деятельность, а также проблемы молодежи в развитых странах. В государственной молодежной политике нашей страны уделяется особое внимание предупреждению преступности среди молодежи и правильной организации их социальной деятельности, также в статье анализируются проблемы молодежи в развитых странах. В статье даны предложения и рекомендации автора по предотвращению преступности среди молодежи.

Ключевые слова: молодежь, преступность, состояние преступности, молодежная наркомания, специальная литература, неправительственные организации, гражданское общество, молодежные организации, система прав человека, права ребенка.

Tolipov Abdugaffar,
Deputy head of Department of the Military-technical
institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan
atolipov80@ mail.ru

STATUS AND DYNAMICS OF CRIME AMONG YOUTH IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article describes the state and dynamics of youth crime. The reasons for the involvement of the youth of our country in criminal activity are identified and analyzed. In Uzbekistan, young people make up more than 60% of the total population, and a certain percentage falls on young people with crime. The article analyzes the social causes and consequences of involving young people in criminal activity, as well as the problems of youth in developed countries. The state youth policy of our country pays special attention to the prevention of crime among young people and the proper organization of their social activities, also the article analyzes the problems of youth in developed countries. The article gives suggestions and recommendations of the author on the prevention of crime among young people.

Key words: youth, crime, state of crime, youth drug addiction, special literature, non-governmental organizations, civil society, youth organizations, human rights system, children's rights.

Мустақиллик йилларида ёшларнинг турли жамоат ташкилотлари ва нодавлат тизимлари ҳам сон, ҳам аҳоли билан ишлаш усуллари, ҳам қамраб олинган мавзулар кўлами жиҳатидан кескин ўзгарди, янги босқичга кўтарилди. Агар собиқ Иттифоқ даврида ёшлар қўмиталари асосан тор маиший, ёшлар таълими ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ муаммолар ечими доирасида фаолият олиб борган бўлса,

ўтиш жараёнининг ўзига хосликлари ва қийинчиликлари мутасадди ташкилотлар зиммасига бир қатор янги жараёнларга тааллуқли психологик ёки иқтисодий танглик билан алоқадор муаммоларни ҳал этиш вазифасини юклади.

Мазкур муаммолар сирасига ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин ошиши, ёшлар саломатлигининг заифлашуви, ижтимоий, венерик ва юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши, ёшлар наркоманияси, фоҳишабозлик, ўз жонига қасд қилиш, вояга етмаган ёшларнинг турмушга узатилиши, ишсизлик, ёшлар моддий аҳволининг пасайиши, ёшлар орасида диний фанатизмнинг кучайиши, трафик, яъни одам савдоси, билим ва таълим моҳиятини тушунмаслик, тирикчилик ғами ва моддий манфаатдорликнинг биринчи ўринга қўйилиши каби ўнлаб зудлик билан ўз ечимини талаб этаётган масалаларни киритиш мумкин.

Бугун кўпчилик соҳаларда бўлгани каби нодавлат тизими ҳам шаклланиш жараёнидадир. Шундай экан, унинг ўзига хос камчиликлари ва муаммолари мавжуд. Ёшлар фаоллигини оширишда нодавлат ташкилотлари ўрни ва фуқаролик жамиятини барқарор этишда ёшлар вазифалари масаласининг ўрганилиши баъзи хулосаларга келишга асос бўлади: ёшлар орасида нодавлат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, самадорлигини ошириш учун, аввало, вазифа ва йўналишларни аниқ белгилаб берадиган яхлит концепцияга эҳтиёж сезилади.

Мазкур концепция мамлакатдаги турли ёшлар қатламлари манфаатларини таъминлашда томонлар вазифаларини аниқлаб олишга кўмаклашади; бугунги кунда тезлик билан тараққий этиб бораётган нодавлат тизими ёшлар фаоллигини фуқаролик жамияти асосларига қаратишда улар фаолиятини ўрганадиган, илмий таҳлил этадиган, амалий, услубий ва назарий ёрдам кўрсатадиган, дунё тажрибасини татбиқ этишга хизмат қиладиган алоҳида жамоатчилик марказини ташкил қилишни талаб этади; ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш ва ҳукуматга тақдим этиш ёшлар орасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг йўлларидан биридир; ёшларнинг учинчи сектордаги фаолияти жуда тез ривожланиб бормоқда. Аммо, мамлакат таълим тизимида бу соҳада кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш хизмати мавжуд эмас, шу билан бирга, соҳага оид ўзбек тилидаги махсус адабиётлар деярли йўқ. Шу сабабдан, соҳага доир адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмалар чоп этиш давр тақозосидир.

Ёшлар нодавлат ташкилотларини ривожлантириш, фаолиятини рағбатлантириш уларга катта имкониятлар ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш, маҳаллий ҳокимиятлар доирасида ёшлар ташаббусларига эътиборни кучайтириш масалалари муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшлар учун кенг имкониятлар яратиш давлатчилик асосларини янги тамойиллар негизида қуришнинг тўртинчи босқичига доир асосий талабдир.

Фуқаролик жамияти асосларини юзага келтириш мамлакатдаги бош сиёсий концепция, яъни янги давлатчилик пойдеворини яратишга хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда инсонлар ҳаётини яхшилашга қаратилган Мингйиллик ривожланиш дастури мақсадларига етиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мингйиллик ривожланиш тамойилларида инсон саломатлиги, таълими ва ёшлар турмуш даражаси масалалари устувор йўналишлар қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлиқ равишда турли халқаро хужжатларни ратификация қилиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Хусусан: БМТ Бош Ассамблеясининг 14 декабрь 1990 йили қабул қилинган 45/112-сонли "Балоғат ёшига етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг

олдини олиш бўйича БМТнинг бош тамойиллари" (Эр-Риёд бош тамойиллари) резолюцияси; БМТ Бош Ассамблеясининг 9 ноябрь 1981 йили қабул қилинган 36/17- сонли "Ёшлар ва ёшлар ташкилотлари билан БТМ алоқа каналлари" резолюцияси; БМТ Бош Ассамблеясининг 29 ноябрь 1985 йили қабул қилинган 40/33- сонли "Балоғат ёшига етмаганларга нисбатан хуқуқ тартибларини ўрнатиш бўйича БМТнинг минимал стандарт қонуниятлари" /Пекин қонунлари/ резолюцияси.

Пекин қоидаларининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

-оғир жиноят турига кирмаган ишлар бўйича ишларни ҳаракатдан тугатиш имкониятларини кенг қўллаш;

-тарбиявий йўсиндаги воситаларни кенг қўллаш;

-вояга етмаганларнинг ишларини тергов қилиш ва судда кўриш билан шуғулланувчи шахсларни махсус тайёрлаш;

-суд муҳокамаси эркин амалга оширилишини таъминлаш;

-вояга етмаганларни қамоққа олишни алоҳида ҳолатларда қўллаш;

-вояга етмаганларнинг ишлари катта ёшдагилардан алоҳида кўрилиши;

-оғир жиноят содир қилинмаган ҳолатларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қўлламаслик.

Мазкур халқаро ҳужжат тамойиллари Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Шундай қилиб, ёшларга доир сиёсат мамлакат қонунчилиги томонидан такомиллаштирилиб, давр талабларига ҳамоҳанг тарзда шакллантирилиб келинди. Мазкур саъй-ҳаракатлар ёшларнинг ўсиши, ҳаёти, зарур ижтимоий талабларини қондириш, таълим, саломатлик, иш билан таъминланганлик ва бошқа ўнлаб долзарб йўналишлардаги муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилди. Шу билан бирга, мавжуд халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш йўлидан борилди.

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади, зотан, бундай ҳолат бир неча омиллар билан тавсифланади, жумладан, бир томондан, болалар катталар эга бўлган ва фойдаланадиган ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳам фойдалана олмайдилар, иккинчи томондан эса, айнан уларнинг ҳали вояга етмаганликлари боис давлат ва жамият томонидан алоҳида ғамхўрона муносабат кўрсатилиши ва айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади [1, - Б.31].

Мустақиллик йилларида бола ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид 22 та қонун, Президентимизнинг 15 та Фармон ва 11 та Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та Қарори, 32 та идоравий меъёрий ҳужжатлар амалга киритилди [2]. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида бола ҳуқуқларини ҳимоясига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1973 йил 26 июнда қабул қилинган - Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёшитўғрисидаги Конвенцияни 2008 йил 4 апрелда, 1999 йил 17 июндаги?Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доиршошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2008 йил 8 апрелда, 2008йил 8 июлда БМТнинг - Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болаларсавдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколлар ратификация қилинди ҳамда 2008 йил 11 декабрда - Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир - Болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига тааллуқли

Факультатив протоколига, шунингдек, юқоридаги Конвенцияга доир 2008 йил 12 декабрда - Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколига қўшилди [3, - Б.32].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги мақсадлари аниқ ва равшан баён этилди. 2017 йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган эди. Жиноятчиликни олдини олишда маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Республикамизда маҳалла фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси фаолияти йўлга қўйилган. Қолаверса, Президентимиз таъкидлагандек, содир этилган жиноятларни маҳаллада кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилишни профилактик аҳамиятга эга. Негаки, жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ тартибот органларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлмоғи зарур.

Бизга маълумки, ёшлар жамият тараққиётини таъминловчи асосий куч ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ёшлар ўртасида турли хил иллатларни олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида салмоқли ишларни амалга оширилмоқда. Хусусан, мустақиллик қўлга киритилганидан 3 ой ўтмасдан, яъни 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 2016 йилга келиб "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Бундан ташқари, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаган ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди, қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Парламентнинг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси тузилди ва ўзининг фаолиятини бошлади. Ёшларнинг, айниқса уюшмаган, иш билан банд бўлмаган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларнинг касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратишга, бандлигини таъминлашга, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантиришга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб

этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш бўйича таклифлар киритиш ушбу комиссиянинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар, айниқса, вояга етмаган ёшлар томонидан турли жиноят, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, бир сўз билан айганда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасида бизнинг олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришга ўзининг ҳиссасини қўшади. Ҳуқуқузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳақида гапирганда ушбу соҳа вакилларини ижтимоий ҳимоясига алоҳида аҳамият қаратилаётганлиги ҳам эътиборлидир.

Хусусан, ўтган йилда қабул қилинган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунда ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш соғлиғини сақлаш, меҳнатига ҳақ тўлаш, уй-жой билан таъминлаш, мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси, ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакллари орқали таъминланиши белгилаб қўйилди. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда содир этилган жиноятлар сони 2017 йилдан 2018 йил июнгача бўлган даврга нисбатан олсак 12 минг 33 тага ёки 40,7 фоизга камайган. Шунингдек, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар 7 минг 599 тага ёки 40,7 фоизга камайишга эришилган. Жумладан, қотиллик 57 тага ёки 23,5 фоизга, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш 89 тага ёки 19,1 фоизга, номусга тегиш 76 тага ёки 76 фоизга, ўғирлик 2 минг 786 тага ёки 47,5 фоизга, талончилик 223 тага ёки 60,1 фоизга, босқинчилик 89 тага ёки 57,4 фоизга, транспорт воситаларни олиб қочиш 36 тага ёки 40,4 фоизга пасайган.

Республикада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида, бугунги кунга келиб, 4 минг 410 ёки қарийиб 50 фоиз маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

Жиноят қидирув йўналишида 11 мингдан ортиқ жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 99,7 фоизи "изи совумасдан" фош этилишига эришилган.

Республика ҳудудида жиноят содир этиб, суд ва тергов идораларидан яширинган қидирувдаги шахсларнинг 2 минг 445 нафари ушланган. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасида 1 минг 234 ноқонуний ҳолат аниқланган.

Коррупция ва иқтисод соҳасида содир этилган, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши 2 минг 204 жиноят аниқланган [4].

Бугунги кунда ёшлар масалаларига жаҳон тараққийпарвар ғояларининг эътибори қаратилаётган бўлса-да, дунёнинг давлатларида ёшлар муаммолари тўлалигича ҳал этилган, деб бўлмайди. Айниқса, сўнгги йилларда Франция, Германия, Англия, Бельгия, Дания, АҚШ, Россия каби мамлакатларда ёшларнинг ўз ижтимоий ҳолатидан эътирозлари туфайли турли митинглар ва қаршиликларнинг юзага келиши бу давлатлардаги ёшлар масалаларида муайян муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради. Масалан, Даниянинг Копенгаген шаҳрида 2007 йил 1-6 март воқеалари [5] ҳукумат ва ёшлар манфаатларини таъминлаш масалаларида ўзига хос кескинлик ва инқирозли вазиятлар мавжудлигини намоён

этди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ёшларнинг эркин ижодий уюшмалари ва ҳаракатларини муҳофаза қилиш мақсадида Копенгаген шаҳридаги бинолардан бири ёшларга "Ёшлар уйи" сифатида тақдим этилади. Бироқ шаҳар маъмурий тузулмалар қарори билан мазкур уйни ёшлардан тортиб олиш ҳукми чиқарилади. Натижада ёшлар кўчаларга чиқишади. Шунга ўхшаш воқеалар Испаниянинг Алькорконе [6] шаҳрида 2007 йилнинг январь ойи охирида юз берди. Шаҳарда жиноятчиликнинг кўпайиши, фуқаролар ҳаёти муҳофаза қилинмаганлиги, махсус тузилмаларнинг фаолиятсизлиги, аҳоли ўртасида жиноятчи гуруҳлардан қўрқув ва таҳлика хиссиётларнинг ортиб борганлиги каби ҳолатларга қарши эътироз сифатида ёшлар ҳаракатлари вужудга келди.

2005 йилнинг куз ойларида бошланиб, то ҳанузгача бутун Франция, кейинчалик бир неча Европа давлатларини ларзага солган ёшлар ҳаракатлари ҳам уларнинг ўз мавқеидан қониқмаганлиги, ривожланган давлатларга хос ижтимоий тенгсизликнинг оқибати, ёшларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топа олмаганлиги натижаси ҳисобланади.

Ёшларнинг жамиятдаги адолатсизликларга қарши кайфиятлари беқарорликни келтириб чиқарувчи омил эканлигини замонавий сиёсий ҳолат намоён этмоқда. Демак, ёшлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини таъминлаш, тарихий бўҳронлар олдини олиш билан баробардир.

Хусусан, 1980 йилларда Лозаннада, 80-йиллар сўнгида Бернда, 1988 йилда Швейцариянинг Базел шаҳридаги ёшлар чиқишларини [7] "тўқликка шўхлик" сифатидагина тўғри баҳолаш мумкин. Чунки бу мазкур ёшларнинг ўз ижтимоий тўкин мавқеидан чарчаш, ўзи учун янги қадриятлар тизимини шакллантира олмаслик, тушкунлик ва ҳаётдан безиш, депрессив ҳиссиётларга берилиш оқибати эди.

Россияда ўтказилган ёшлар ташкилотлари фаолияти борасидаги ижтимоий сўровнома аҳолининг кўпчилик қисми умуман ёшлар ташкилотлари мавжудлиги, улар мақсадларини билмаслигини намоён этди (48%) [8].

Аммо, Россия ёшлари ўртасида таркибий такомиллашган, ғоявий маслакларига эга, бузғунчи ва зўравонликка асосланган баъзи ҳарбий ҳаракатлар фаолияти тўғрисида 32% аҳолининг хабари борлиги Россияда ёшлар ҳаракатлари бунёдкорлик, толерантлик ва тинчлик асосида ташкил этилмаганлигининг ёрқин исботидир [9]. Кейинги пайтларда Россияда умуминсоний қадриятларни ривожлантиришга йўналтирилган бир неча ҳаракатлар вужудга келди. Улар ичида "Биргаликда қадам ташлаётганлар" (13%), "Ватан учун" (8%), "Ёшлик ва бирдамлик (12%) каби ташкилотлар ўз фаолиятини жамиятдаги барқарорлик асосида олиб боришга ҳаракат қилди.

Аммо, ачинарли ҳол шундаки, аҳолининг 86 фоизи ёшларнинг турли ташкилотлари жамият ривожи учун керак бўлмаган тузилмалар эканлигини эътироф этади [10]. Бу эса аксарият аҳолининг давлатчилик ривожида ёшлар ўрнини тўғри англаб, тўғри баҳолай олмаётганлигидан далолат беради [11]. Илғор тафаккурли инсонларни ўз ваҳшийликлари билан ларзага солган "скинхед"лар ана шу лоқайдлик ва ёшлар масалаларига бепарволик оқибати эканлигини бугунги кунда кўпчилик Россия сиёсатшунослари тан олмоқда [12].

Хуллас, мамлакатда амалга оширилаётган ёшлар давлат сиёсатининг бош мақсадларидан бири ёшларни давлат ва жамият қурилишига кенг жалб этиш, демократик ислоҳотлар жараёнидан улар манфаатдорлигини оширишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан, ёшлар нодавлат ташкилотларининг ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини таъминлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали жамиятнинг энг муҳим негизи бўлган оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм, ОИТС каби зарарли таҳдидлардан асраш борасида давлат тизимларига кўрсатадиган ёрдами чекчиздир.

Шунингдек, ёшлар орасидаги салбий ҳолатлар - боқимандалик, тушкунлик, ўзини жамият янгиланиш жараёнларидан четга олиш, зиддиятларга мойиллик, ҳаётга эгоистик қараш, моддий манфаатдорликнинг ҳаёт мазмунига айланганлиги, қийинчиликлардан қочиш, ютуқларни кўра билмаслик ва тан олмаслик, субутсизлик, жиноятчилик каби бузғунчи иллатлардан жамиятни тозалаш фаолиятида ҳам нодавлат ташкилотларининг ўрни катта. Шу туфайли, ёшлар нодавлат ташкилотлари фаолиятини аниқ ижтимоий мақсадларга йўналтириш давр талаби бўлиб бормоқда. Айни пайтда ёшлар нодавлат ташкилотларининг мамлакат марказида жойлашганлиги, чет қишлоқларда ёшлар ҳаракатларининг сустлиги ўз ечимини кутаётган муаммолардан саналади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ғанибоева Ш. Международный механизм контроля реализации конвенции о правах ребенка. // Давлат ва ҳуқуқ. -2002. -№2. - Б.31.

2. Одинаев А.С. Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқлари кафолатлари: дунёвий қонунчилик вашариат. // Болалар ғайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар. Илмий амалий конференция материаллари. -Т.: - Yurist-media markazi, 2010. - Б. 136.

3. Умаров Т.А. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муам молари // Болалар ғайриижтимоийҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар. Илмий амалийконференция материаллари. -Т.: - Yurist-media markazi, 2010. -Б. 32.

4. http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-zhinoyatchilik-otgan-jilgiga-nisbatan-407-foizga-kamajdi

5. kmforum.ru/press/news/284.html

6. http://internet-1.ru/1dep/laa.htm; http://internet-1.ru/1dep/doc/smp2.htm; kmforum.ru/press/news/284.html

7. www.podrobnosti.ua/society/2007/01/28/390334.html - 56k -

8. www.government.ru/government/governmentactivity; http: // dmp. mgopu.ru / searchTopics.php?t1=3

9. Федеральная целевая программа "Молодежь России" (2001-2005). См. в сайте http://dmp.mgopu.ru/searchTopics.php?t1=3; Государственный доклад о положении молодежи и реализация Государственной молодежной политики в Российской Федерации. 2000-2001 годы. Министерство образования Российской Федерации. - М., 2002. - 303 с.

10.http://nashi.su/news/19996;http://cprf.info/news/lenta/48209.html; www. ayl. ru

11.Стратегия Государственной молодежной политики России. Утверждена распоряжением Правительства РФ от 18 декабря 2006 г. № 1760-р.См. в www.government.ru/government/governmentactivity/

12.Лисовский В.Т. Ценности жизни и культуры молодежи (социологическое исследование).// Тугариновские чтения. Материалы научной сессии. Серия

"Мыслители", выпуск 1. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, - Санкт - Петербург: 2000. -С.40-44; Виноградов В.Д. Политические ценности в жизнедеятельности людей. // Тугариновские чтения. Материалы научной сессии. Серия "Мыслители", выпуск 1. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, - Санкт - Петербург: 2000. -С. 11-14; Козлова Т.С. Оценка старшим поколением молодёжи. Философия старости: геронтософия. Сборник материалов конференции. Серия "Symposium", выпуск 24. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, - Санкт - Петербург: 2002. С.104-105; Социология молодежи. Учебник. Отв. ред. В.Т.Лисовский. СПб., 1996.

ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

№1 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темур пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000